

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ХУДАЯРОВ БЕРДИРАСУЛ МИРЗАЕВИЧ
РАХИМОВ ЮНУС СУННАТ ЎҒЛИ**

МУҲАНДИСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

70810101-Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш

Тошкент-2022

| МУНДАРИЖА | | |
|------------------|---|----|
| 1-§. | КИРИШ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР. ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ | 6 |
| 1.1 | Тадқиқотларда ўлчов воситаларининг аҳамияти | 8 |
| 2-§. | ТУПРОҚНИНГ ИШҚАЛАНИШ БУРЧАКЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ | 9 |
| 2.1. | Тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги..... | 10 |
| 2.2. | Тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги..... | 11 |
| 2.3. | Ташқи ишқаланиш бурчагини технологик жараёнга таъсири | 16 |
| 3-§. | ТУПРОҚ ҚАТТИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ | 19 |
| 3.1. | Тупроқнинг қаттиқлиги..... | 19 |
| 4-§. | ЗИЧЛИК ВА НАМЛИКНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ..... | 2 |
| 4.1. | Тупроқнинг зичлиги..... | 29 |
| 4.2. | Тупроқнинг намлиги..... | 31 |
| 4.3. | Йўғон пояли ўсимликлар поясининг зичлиги (ғўзапоя мисолида)..... | 36 |
| 4.4. | Ғўзапоянинг намлиги..... | 40 |
| 5-§. | ТУПРОҚ ПАЛАХСАСИНИ ҚИРҚИШДА ҚАРШИЛИК КУЧЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ. ТЕНЗОДАТЧИКЛАР ВА ЭМА-П ИП-153" ЎЛЧАШ АСБОБИ, ТАРИРОВКАЛАШ УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ..... | 43 |
| 5.1. | Деталлар деформацияланганлигини қаршиликнинг симли датчиклари ёрдамида ўлчаш..... | 43 |
| 5.2. | Қаршиликнинг симли датчиgidан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик машиналарида судрашга қаршилик кучини аниқлаш | 47 |
| 5.3. | Датчик (тензодатчик ёки тензорезистор)нинг конструкцияси | 54 |
| 5.4. | Тензорезисторларни ўлчанаётган объектга елимлаш..... | 57 |
| 6-§ | СОЧИЛУВЧАН УРУҒЛАРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ВА АЭРОДИНАМИК ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ..... | 61 |
| 6.1. | Донни ўлчамлари бўйича тавсифи..... | 61 |
| 6.2. | Доннинг аэродинамик хоссалари..... | 76 |

| | | |
|--------------|---|-----|
| 7-§. | ВАЛ, ЎҚ ЁКИ ШКИВЛАРНИНГ АЙЛАНИШЛАР СОНИ ВА ЧИЗИҚЛИ ТЕЗЛИГИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ | 85 |
| 7.1. | Айланма ҳаракатдаги жисмларнинг айланишлар сони ёки чизиқли тезлигини ўлчайдиган электрон DT 2236 В русумли тахометр..... | 85 |
| 8-§. | ТАДҚИҚОТЛАРДА СУЮҚЛИК ВА АТМОСФЕРА БОСИМИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ..... | 90 |
| 8.1. | Ҳавонинг оғирлиги ва атмосфера босими..... | 90 |
| 8.2. | Суюқликни идиш туби ва деворларидағи босими ҳисоби..... | 96 |
| 8.3. | Суюқликли манометр. Босим манометрлари..... | 99 |
| 8.4. | Пружинали манометрлар..... | 99 |
| 8.5. | Суюқ ва газсимон материаллар сарфини ўлчаш..... | 100 |
| 8.6. | Пуркагичдан пуркалган томчиларнинг барглардаги зичлиги ва дисперслигини аниқлаш..... | 103 |
| 9-§. | ЖИСМЛАРНИНГ ЎЛЧАМЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ | 107 |
| 9.1. | Штангенциркуларнинг тузилиши ва ишлатилиши..... | 107 |
| 9.2. | Вертикал шпинделли пахта териш аппарати шпинделлари орасидаги тирқишини ўлчаш воситаси..... | 112 |
| 10-§. | ЭЛЕКТР ТОКИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ | 115 |
| 10.1. | Ток кучини ўлчаш воситаси. Амперметрлар..... | 115 |
| 10.2 | Ток кучланишини ўлчаш воситаси. Вольтметр..... | 118 |
| 11-§. | ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИ..... | 127 |
| 11.1. | Умумий тушунчалар..... | 127 |
| 11.2 | Асосий бирликлар..... | 129 |
| 11.3 | Асосий ўлчов бирликлардан ҳосил бўлган бирликлар..... | 132 |
| 11.4 | Системадан ташқари бирликлар..... | 134 |
| 11.5 | Каррали ва улушли бирликлар..... | 139 |
| 11.6 | Ахборот миқдори бирликлари..... | 140 |
| 11.7 | Халқаро бирликлар системаси афзалликлари..... | 141 |
| | Фойдаланилган адабиётлар | 146 |

Аннотация

Ўқув қўлланмада муҳандислик тадқиқотлари бўйича умумий тушунчалар, тадқиқотларни олиб боришда ўлчов воситаларига бўлган эҳтиёж, ўлчов воситаларининг турлари ва улардан фойдаланиш усуллари, тадқиқотнинг обьекти ва ундаги технологик жараёнга боғлиқ равишда ўлчаш воситасини танлаш кабилар бўйича кенгроқ материаллар келтирилган. Ўлчаш воситаларининг иш принциплари баён этилган ва бу принцип физиканинг қайси қонуниятига асосланганлиги ҳамда унинг моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилган.

В учебном пособии приведены общие понятия по инженерным исследованиям, необходимость измерительных приборов при инженерных исследованиях, разновидности измерительных приборов и способы их использования, материалы по выбору измерительных приборов в зависимости от объекта исследования и выполняемые в нем технологические процессы. Изложен принцип работы измерительных приборов иделено внимание на раскрытие их физической сущности.

ОЎМТВнинг 20.07.2019 йилдаги № 654 сонли буйруғига асосан чоп этишга тавсия этилган.

Рўйхатга олиш рақами 654-378

УДК 631. 171 (075)

X – 87

Ўқув қўлланмада муҳандислик тадқиқотлари бўйича умумий тушунчалар, тадқиқотларни олиб боришда ўлчов воситаларининг зарурлиги, ўлчов воситаларининг турлари ва улардан фойдаланиш усуллари, тадқиқотнинг обьекти ва унда кечадиган технологик жараёнга боғлиқ равища ўлчаш воситасини танлаш кабилар бўйича кенгроқ материаллар келтирилган. Ўлчаш воситаларининг иш принциплари баён этилган ва бу принцип физиканинг қайси қонуниятига асосланганлиги ҳамда унинг моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” мутахассислиги магистрантлари ва професссор-ўқитувчилари ҳамда таянч докторантура ва мустақил тадқиқотчилари учун мўлжалланган.

Тузувчиilar: **Б. Худаяров** – Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси профессори, техника фанлари доктори.
Ю.Рахимов – Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси ассистенти.

Тақризчилар: **Ф.М. Маматов** – Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти профессори, техника фанлари доктори;
Дж.Алижонов – “ТИҚҲММИ” МТУ, Қишлоқ хўжалиги машиналари кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Б. Худаяров, Ю.Рахимов
/МУҲАНДИСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ/

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА. -Т.: ТИҚҲММИ, 2022. 160 бет.
©. “ТИҚҲММИ” Миллий тадқиқот университети

“ТИҚҲММИ” МТУ, 2022 й.

1-§. КИРИШ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР. ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Тадқиқотларни ўлчов воситаларисиз ўтказиб бўлмаслиги барчага маълум. Чунки муҳандислик тадқиқотларида албатта бирор жисмнинг ҳаракати кузатилади. Яъни жисм бир жойдан бошқа жойга ўтади. Ушбу ҳолат жараён дейилади. Ана шу ўтиш жараёнида босиб ўтилган йўл, йўлни босиб ўтиш учун сарфланган вақт, жисмни ҳаракатга келтирадиган ва жисмни ҳаракатланишига қаршилик кўрсатадиган кучларнинг йўналиши ва миқдори ҳамда жисмнинг физик-механик хоссаларининг таъсири аниқланади. Келтирилганларнинг аксарияти айнан ўлчов воситалари билан аниқланади.

Масалан, плуг корпуси билан тупроқ палахсасини ағдариш жараёнида-тупроқнинг намлиги, унинг ёпишқоқлиги, корпус ишчи сирти билан ишқаланиш бурчаклари, агрегат тезлиги ва шу кабилар тадқиқот бошланишидан аввал ёки уни олиб бориш давомида аниқланади. Аниқлаш учун ўлчаш воситаларидан фойдаланилади.

Муҳандислик тадқиқотлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари, тупроқ ва техника билан боғлиқ жараёнлар бўйича кенг кўламда олиб борилади. Шу сабабли тадқиқотларнинг тури ва ўзига хос хусусиятлари жуда хилма-хилдир.

Тадқиқот натижаларидан олинган рақамнинг аниқлиги ва ишончлилиги ўлчов воситаларининг аниқлик даражаси ва сифатли тайёрланганлигига боғлиқ. Шу боис ўлчов воситалари давлат стандартлаш ташкилоти назоратидан ўтказилиб, тадқиқотларда фойдаланишга тавсия этилади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб-чиқиб, **фаннинг мақсади**–бакалавриат ва магистратура талабалари ҳамда докторантура ва мустақил тадқиқотчиларини илмий-тадқиқотларни олиб боришларида ўлчов воситаларини қўллай билиш ва улардан фойдаланиш самарасини оширишдан иборат.

Фаннинг вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

1. Ўлчов воситаларининг мұхимлиги ва ишлаб чиқаришдаги аҳамиятини илмий-тадқиқотчилар онгida шакллантириш;
2. Илмий-тадқиқотларда қўлланиладиган барча ўлчов воситалари тўғрисида умумий маълумотга эга бўлиш;
3. Ўз тадқиқотларида қўлланиладиган ўлчов воситасидан фойдаланиш самарасини ошириш.

Умумий маълумотлар

Мұхандислик тадқиқотларида энг оддий механизмдан энг катта комбинациялашган агрегатгача бўлган техника воситалари қатнашади. Улар ёки уларнинг ишчи қисмлари тупроқ ва қишлоқ хўжалигининг бирор маҳсулотига таъсир кўрсатиб технологик жараённи бажаради. Жараёнда қатнашадиган жисм ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўлчов воситаларининг қўлланилиши:

- агрегатнинг илгариланма ҳаракатида-хронометраж усули. Унда эса секундомер ва рулетка;
- айланма ҳаракатда, айланышлар сонини аниқлаш-таксометр;
- айланма ҳаракатда, валдаги буровчи момент- электротензометр;
- эгувчи куч миқдори- электротензометр;
- тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги-махсус мослама;
- тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги-махсус мослама;
- тупроқнинг қаттиқлиги-тупроқ қаттиқлигини ўлчайдиган восита;
- тупроқнинг намлиги-намликни ўлчайдиган восита;
- шамолнинг тезлиги-анемометр;
- тортиш ёки судраш кучи-динамометр;
- босим кучи- манометр.

Мұхандислик фаолияти назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш орқали мукаммал натижаларга эга бўлади. Назарий тадқиқотлар дехқончилик механикаси, назарий механика ва олий математика қонун қоидалари асосида

олиб борилади ва унда бирор параметрнинг қуи ва юқори чегаралари, яъни энг катта ва кичик қийматлари аниқланади. Айтиш мумкинки, шу оралиқда технологик жараён бажарилади.

Амалий тадқиқотларда эса шу оралиқдаги қийматларнинг энг мақбули аниқланади. Бунда ўлчаш воситалари иштирок этади. Шу сабабли ишга созланган, ишончли ва аниқлиги юқори бўлган ўлчаш воситасидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

1.1. Тадқиқотларда ўлчов воситаларининг аҳамияти

Ўлчов воситаларисиз ўтказилган илмий-тадқиқот натижага эга бўлмайди. Чунки натижани ўлчов воситаси кўрсатади. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, ғўза қатор орасига ишлов бериш жараёнида бир погон (1п.м.)га қуйилган минерал ўғит микдорини аниқлаш талаб этилган бўлсин. Ғўза қатор орасининг танланган жойида *линейка* билан 1 п.м. ўлчанади ва шунча узунликдаги масофага салафган тўшалади.

Агрегатнинг шу қатордаги ўғитлаш сошниги тупроқдан кўтариб қўйилади. Трактор кабинаси мониторидан унинг *ҳаракат тезлиги* белгиланиб, кузатиб борилади. Агрегат ўтиб бўлгач, тўшалган салафанга қуйилган минерал ўғит йиғиб олиниб, унинг массаси *электрон тарозида* ўлчанади. Бу жараён дала боши, ўртаси ва охирида ҳар гал уч марта тақрорийликда жами тўққиз марта амалга оширилади. Сўнгра олинган рақамларга статистик ишлов берилиб, 1 п.м.га қуйилган минерал ўғитнинг ўртacha қиймати олинади.

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ушбу технологик жараённи агрехника талаблари бўйича бажарилиши агрегат тезлиги ва ўғитлаш аппарати ишчи қисмларининг ростланганлигига боғлиқ. Бироқ технологик жараённинг бажарилиш аниқлиги *линейка, тезлик ўлчагич ва электрон тарози* ўлчашининг аниқлик даражасига ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ тадқиқотларда агрегат ҳаракат тезлиги 12 км/соат (3,5 м/с) технологик жараёнда қатнашаётган жисмнинг тезлиги эса кўпи билан 20 м/с (минерал ўғит доналарини улоқтиришдаги тезлиги) атрофида бўлади. Саноат, транспорт ва техниканинг бошқа йўналишларида тезлик жуда юқори бўлади. Шу сабабли уларда аниқлик даражаси янада юқори бўлган ўлчов воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Назорат саволлари

1. Фаннинг мақсади нима?
2. Фаннинг вазифаларини айтиб беринг?
3. Бирор бир ўлчов воситаси иштирокида тадқиқот олиб боришни айтиб беринг?
4. Илмий-тадқиқотни олиб борища ўлчов воситасига бўлган зарурат нимада?
5. Нима сабабдан тадқиқот олиб борилади?
6. Назарий ва амалий тадқиқотларнинг тадқиқотларининг бир-биридан фарқи нимада?
7. Лаборатория ва дала тадқиқотларининг бир-биридан фарқи нимада?
8. Донни сомондан ажратишга боғлиқ тадқиқотда қайси ўлчаш воситасидан фойдаланилади?

2-§. ТУПРОҚНИНГ ИШҚАЛАНИШ БУРЧАКЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

Тупроққа ҳар қандай усулда ва қўринишда ишлов бериш асосан икки технологик жараённи бажариш билан тугайди:

1. тупроқни юмшатиш;
2. тупроқни зичлаш.

Ана шу икки технологик жараёнларни бажаришда тупроқнинг

ташқи ва ички ишқаланиш бурчакларининг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Чунки ишқаланиш бир жисмнинг бошқа жисмга нисбатан сирпанишида юзага келади. Тупроққа ишлов беришда эса тупроқ зарралари унга таъсир кўрсатадиган ишчи қисм ишчи сиртида сирпанади, яъни ҳаракатланади.

Агарда тупроқнинг сирпаниши учун керакли бурчакни таъминлай олмасак тупроқ сирпанмайди, яъни ишчи сирт бўйича ҳаракатланмайди. Бунда технологик жараён бажарилмайди, яъни тупроқ юмшатилмайди ёки зичланмайди.

Мутахассислар тупроқни ишқаланиш бурчакларини икки турга ажратиб ўрганишни тавсия этишган:


1. тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, градус;
2. тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги, градус

2.1. Тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги

Тупроқнинг унга ташқаридан таъсир кўрсатадиган ишчи қисмга ишқаланиб сирпанишидаги бурчак ташқи ишқаланиш бурчаги деб аталади ва градусда ўлчанади. Агарда тупроқ сирпанмаса белгиланган технологик жараён бажарилмайди. Масалан, плуг корпусининг лемехини тупроққа 30-32 градус бурчакда ботирилиши, унинг ишчи сиртида тупроқни ҳаракатланишини таъминлайди.

Агарда бурчак 40-45 градусга оширилса, у ҳолда тупроқ ишчи сирт бўйича юқорига ҳаракатлана олмайди ва лемех олдида уюлиб қолади. Лемех тупроқни ағдаргичга узатмасдан олдинга ҳаракат йўналиши бўйича суриб борайверади. Натижада технологик жараён бузилади ва мос ҳолда судрашга қаршилик кескин ошиб кетади.

Ишқаланиш бурчаги ва коэффициенти. Назарий ва амалий тадқиқотларни олиб бориша эҳтиёжга мос ҳолда ишқаланиш бурчаги градусда, коэффициенти эса ўлчов бирлигисиз рақамда (масалан 0,35 в.х.) юритилади. Ишқаланиш бурчаги ва коэффициенти орасида қўйидаги боғланиш мавжуд (2.1-расм).



2.1-расм. Ишқаланиш бурчаги ва коэффициенти орасидаги боғланишга оид схема

Боғланиш қуийдагича келтириб чиқарилади: 2.1-расмга асосан

$$\frac{G \sin \alpha}{G \cos \alpha} = \operatorname{tg} \alpha,$$

ёки

$$\frac{F}{N} = \operatorname{tg} \varphi,$$

шунингдек ифодаларда $\operatorname{tg} \varphi = f$ кўринишдаги боғланишдан фойдаланилади.


Агарда $F=G \sin \alpha$ бўлса, ундан $fmg=mgs \infty \alpha$ келиб чиқади. Бундан эса $f=s \infty \alpha$, $\alpha=\arcsinf=\arcsin 0,30=18$ градусга tengлиги келиб чиқади. Ушбу ҳолда тупроқ палахсачаси ишчи қисм ишчи сиртида тинч ҳолатда бўлади.

Тупроқни ишчи сиртда сирпаниш шарти. Агарда $F < G \sin \alpha$ бўлса $fmg < mgs \infty \alpha$ келиб чиқади. Бундан эса $f < s \infty \alpha$, $\alpha > \arcsinf=\arcsin 0,30=18^\circ$ келиб чиқади. Ушбу ҳолда тупроқ палахсачаси ишчи қисм ишчи сиртида паст томонга сирпанади.


2.2. Тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги. Тупроқнинг бу хоссаси ҳам унинг ташқи ишқаланиш бурчаги каби муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги, тупроқнинг табиий оғиши бурчаги ҳам деб юритилади. Бу бурчак ҳам тупроқ намлигига тўғри пропорционал

боғланган. Тупроқ ички ишқаланиш бурчаги ишчи қисмларни судрашга қаршилигини кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Шу боисдан тупроқ намлигини кўпи билан 20% дан юқори бўлганда унга ишлов бериш тавсия этилмайди. Тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги β ни аниқлаш схемаси ва тупроқ заррачасига таъсир этадиган кучлар схемаси 2.2-расмда келтирилган.



2.2-расм. Тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги ($\beta=\varphi$)



2.3-расм. Ташқи ишқаланиш бурчагининг таъсирини ўрганишга доир схема

бунда $f=0,3$; $m=abl\rho$.

a – палахса қалинлиги, м;

b – палахса көнглиги, м;

l – палахсани пона устидаги узунлиги, м;

ρ – тупроқ зичлиги, кг/м³.

g – әркин тушиш тезланиши, м/с².


Ишчи қисм томонидан тупроқ палахсасига таъсир күрсатадиган нормал босим кучи

$$N=abl\rho g=0,1\times0,15\times0,15\times1400\times9,8=30,87 \text{ Н}$$

$$N^l=9,26+30,87=40 \text{ Н}$$

$$P^l=N^l \sin(\alpha+\varphi)=40 \sin(30^\circ+30^\circ)=40\times0,86=34\text{Н}$$

Тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчагини аниқлаш воситаси 2.4-расмда келтирилган.



1-асос; 2-винт; 3-вертикаль линейка; 4-тортқи

2.4-расм. Тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчагини ўлчаш воситаси

Ушбу ўлчаш воситаси асос 1, винт 2, вертикал линейка 3; тортқи 4, қўзғалувчан тахта 5, маховикча 6, олдинги ва кейинги устунлардан ташкил топган. Тортқи 4 қўзғалувчан тахта 5 ва винт 2 ни ўзаро шарнирли боғлаб туради.

2.5-расмда қўзғалувчан тахта ва унинг устки қисми, яъни ишчи сирти кўриниши келтирилган. 2.5-расмда металдан ясалган новсимон ишчи сирт кўрсатилган.



1- металл листлардан ясалган новлар; 2-қисқич

2.5- расм. Тупроқ жойлаштириладиган тахтанинг устдан кўриниши

Қўзғалувчан тахта устидаги новсимон ишчи сирт 1ни алмаштириш имкони мавжуд. Бунинг учун қисқич 2дан фойдаланилади.

Тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчагини ўлчайдиган асбобдан фойдаланиш қуидагича амалга оширилади. Горизонтал ҳолатда бўлган

новлар 1 намлиги 16-18 фоиз бўлган тупроқ билан тўлдирилади. Новнинг тупроқ билан тўлдирилган қисми умумий узунлигининг тахминан ярмини ташкил этади.

Тупроқ ва нов ўртасида контакт яхши бўлишини таъминлаш учун, унинг устидан енгилгина шиббаланади. Маховикча 6 дастаси ёрдамида айланма ҳаракатга келтирилади. Шунда тортқи 4 ёрдамида қўзғалувчан тахта горизонтал ҳолатдан чиқиб, унга нисбатан бурчак ҳосил қиласи. Қўзғалувчан тахта горизонтал ҳолатда бўлганда вертикал ўрнатилган линейка Знинг 0 шк аласига мос ҳолатда бўлади.

Тахта кўтарилиб бориши билан маълум баландликка етганда, тупроқ паст томонга сирпанабошлайди. Айнан шу пайтда қўзғалувчан тахта ҳолати тўхтатилилади.


Ташқи ишқаланиш бурчагини технологик жараёнга таъсири (минерал ўғит мисолида).

Донадор минерал ўғит доналари, марказдан қочирма ясси диск ишчи сиртида ҳаракатланиб далага ёппасига сепилиши, қишлоқ хўжалиги машиналари фанидан маълум.

Машинанинг иш кенглиги марказдан қочирма дискнинг айланишлар сонига боғлиқ. Айланишлар сонининг қути чегараси, яъни энг кичик айланишлар сони, айнан ўғит доналарининг ясси диск ишчи сиртига ишқаланиш кучидан келиб-чиқиб аниқланади.

Айтайлик, ўғит доналари горизонтал ҳолатда ясси диск устида бўлсин. Ясси диск айланма ҳаракатлантирилмаса, улар ишчи сирт бўйича сирпанмасдан ўз жойида туради. Чунки, ўғит донаси билан ишчи сирт орасидаги ишқаланиш кучи, уни сирпанишига қаршилик кўрсатади.

Ўғит доналари қачон сирпанишни бошлайди, бунда дискнинг айланишлар сони қанча бўлади? Ушбу масалани ечимини назарий ҳисоблашлар ёрдамида кўриб чиқамиз (2.6-расм).



2.6-расм. Марказдан қочирма ясси диск устидаги ўғит донасига таъсир этадиган кучлар схемаси

Масалани ечиш учун ўғит донасига таъсир этадиган кучлар ва уларнинг йўналишини билишимиз талаб этилади.

Диск ишчи сиртидаги ўғит донасига таъсир этадиган кучлар:

- F_1 – марказдан қочирма куч, Н;
- F_2 – ишқаланиш кучи, Н;
- G – оғирлик кучи, Н.

Марказдан қочирма $F_1 = m\omega^2 r$ куч ҳар доим диск ишчи сирти бўйлаб, радиус бўйича йўналган бўлади.

Ишқаланиш $F_2 = fmg$ кучи ҳар доим сирпанишга қарама-қарши тарафга йўналган бўлади.

Ифодалардаги m – ўғит донасининг массаси, кг; ω – ясси дискнинг бурчак тезлиги, с^{-1} ; r – ясси диск марказидан ўғит донасигача бўлган масофа, м; f – ўғитнинг ишқаланиш коэффициенти; g – эркин тушиш тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$;

Ҳаммамизга маълумки, марказдан қочирма куч ишқаланиш кучидан катта қийматга эришса, тинч ҳолатдаги ўғит донаси диск четига томон сирпанади. Ушбу шартни қуидаги аналитик тенгсизлик орқали ифодалаш мумкин,

$$m\omega^2 r > fmg \quad (2.1)$$

(2.1) тенгизликтининг ҳар иккала томонини m га қисқартириб, қуидаги ифодага эга бўламиз,

$$\omega^2 r > fg \quad (2.2)$$

(2.2) ифодани марказдан қочирма куч орқали ёзиш мумкин,

$$\omega^2 > \frac{fg}{r}$$

ёки

$$\omega > \sqrt{\frac{fg}{r}} \quad (2.3)$$

(2.3) ифодага $f=0,3$, $g=9,8 \text{ м/с}^2$, ва $r=0,12 \text{ м}$ қийматларини қўйиб, ҳисобласак $\omega=4,95 \text{ с}^{-1}$ га teng эканлиги аниқланади.

Одатда дискларнинг айланма ҳаракати айланишлар сони билан ифодаланади, чунки тасаввур этиш осонроқ. Шу сабабли, бурчак тезликни айланишлар сони орқали ифодалаймиз,

$$\omega = \frac{\pi n}{30} \quad (2.4)$$

ёки

$$n = \frac{30\omega}{\pi} = \frac{30 \times 4,95}{3,14} = 47,3 \frac{\text{айл}}{\text{мин}}$$

бунда n – дискнинг айланишлар сони, айл/мин.

Демак, диск 47,3 айл/мин дан каттароқ айланса ўғит доналари диск четига томон ҳаракатланиб, дискдан улоқтирилади.

Келтирилган масала ва унинг ҳисоб натижаларидан ўғит доналарининг ташқи ишқаланиш бурчаги технологик жараёнга бевосита таъсир этишини пайқашимиз мумкинлигини кўрсатмоқда.

Жадвалда турли жисм ва қишлоқ хўжалик материалларининг ишқаланиш бурчаклари ва коэффициентиари келтирилган.

1-жадвал

| Т.р. | Жисмларнинг номи | Ишқаланиш бурчаги, градус | Ишқаланиш коэффициенти |
|------|-------------------------------|---------------------------|------------------------|
| 1. | Тупрок учун | | |
| 1.1 | Ички ишқаланиши | 22 | 0,4 |
| 1.2 | Ташқи ишқаланиши, ўртача | 17 | 0,3 |
| 2. | Минерал ўғитлардан | | |
| 2.1 | Азотли ўғит (донадор селитра) | 17 | 0,3 |
| 2.2 | Калийли ўғит (кристалсимон) | 17-27 | 0,3-0,5 |
| 3. | Буғдой | 17-27 | 0,3-0,5 |
| 4. | Маккажухори | 17-27 | 0,3-0,5 |
| 5. | Тукли намланган чигит | 42 | 0,9 |
| | Тукли қуруқ чигит | 31 | 0,6 |
| 6. | Туксиз чигит | 24 | 0,44 |
| 7. | Саксовул уруғи | 30-32 | 0,62 |
| 8. | Черкез уруғи | 30-32 | 0,62 |

Жадвалда келтирилган маълумотлардан илмий-тадқиқотларни олиб боришда фойдаланилиши мумкинлиги тавсия этилади.

Назорат саволлари:

1. Ташқи ишқаланиш бурчагини тарифланг.
2. Ички ишқаланиш бурчагини тарифланг.
3. Бир вактда ички ва ташқи ишқаланиш бурчакларини намоён бўлиш ҳолатларини изоҳланг.
4. Ишқаланиш бурчаги ва коэффициенти орасида қандай боғланиш бор?
5. Ишқаланиш кучини камайтириш учун қандай чоралар қўлланилади?
6. Ишқаланиш бурчагига намликнинг таъсирини изоҳланг.

7. Нима сабабдан ички ишқаланиш бурчаги ташқисидан катта бўлади?
8. Ишқаланиш коэффициенти қиймати маълум бўлса, уни бурчакда ифодалаш мумкинми?

3-§. ТУПРОҚ ҚАТТИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

3.1. Тупроқнинг қаттиқлиги (эзилишга қаршилиги). Тупроқ қаттиқлиги унинг механик таркиби, структурали ҳолати ҳамда намлигига боғлиқ. Тупроқ қаттиқлиги одатда тупроқни сиқилишга кўрсатаётган қаршилиги билан изоҳланади. Тупроқнинг қаттиқлигини ўлчам бирлиги Па ($\text{Н}/\text{м}^2$) қабул қилинган. Бу ўлчам бирлиги дунё бўйича француз олими Б.Паскаль (1623-1662) номи билан юритилади. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, тупроқ зичлиги билан тупроқ қаттиқлиги икки хил тушунча ва кўрсаткичdir. Тупроқ зичлигининг ўлчов бирлиги $\text{г}/\text{см}^3$ ёки $\text{кг}/\text{м}^3$ қабул қилинган.



Тупроқ қанчалик қаттиқ бўлса, у шунча мустаҳкам деб тушунилади, яъни уни увалаш (парчалаш) учун катта энергия ёки куч талаб этилади. Бу ҳолат айниқса ёзда буғдойдан бўшаган далаларни шудгорлашда кузатилади. Эътибор берилган бўлса, шудгордан кейин катта-катта кесакларни (35-50 см) ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. Чунки тупроқнинг намлиги 9-11% атрофида бўлади ва бу ҳолатда у жуда қаттиқ бўлади. Шудгорлашда катта микдорда ёнилғи сарфланади плуг ишчи қисмлари тезда ейилади. Охир оқибат шудгор сифатсиз ва катта энергия ҳисобига бажарилади.

Тупроқ қаттиқлиги уни юмшатиш ва увалаш учун мўлжалланган ишчи қисмлар конструкцияларининг мустаҳкамлигини таъминлаш учун жуда зарур бўлганлиги сабабли аниқланади. Сўнгра ишчи қисм лойиҳаланди.

Тупроқнинг қаттиқлигини ўлчаш (твердомер) мосламаси билан амалга оширилади. Ҳозирги кунда тупроқ қаттиқлигини ўлчаш учун кўпроқ академик В.П.Горячкин шунингдек Н.А.Качинский, Ю.Ю.Ревякин ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган конструкциядаги мосламалардан фойдаланилади.

Қаттиқликни ўлчаш мосламаси тупроққа мажбурий киритиладиган учлик билан жиҳозланган марказий штанга, калибрөвка қилинган пружина ва ўзиёзар қурилмадан ташкил топган. Учлик цилиндр ёки конуссимон кўринишга эга бўлиб, асоси кесимининг юзаси қаттиқ тупроқлар учун 1 см^2 , юмшоқ тупроқлар учун эса $2,0-2,8 \text{ см}^2$ юзага teng бўлади.

Қаттиқликни ўлчайдиган энг оддий мосламанинг схемаси 1-расмда келтирилган. Ўлчаш мосламаси штанга 1, пружина 2, даста 3 ва учлик (плунжер) 4 лардан ташкил топган. Қаттиқликни ўлчаш учун мослама расмда кўрсатилганидек тупроқ юзасига қўйилади. Дастаклар 3 ни икки қўл ёрдамида пастга босилади.



a-қаттиқликни ўлчайдиган воситанинг схемаси; 1-штанга; 2-пружина; 3-даста; 4-учлик (плунжер); *б*-турли хил учликларда ўлчанганде тупроқ қаттиқлиги диаграммаси, жумладан 1-учлиги цилиндрисимон, 2-учлиги конуссимон; *в*-тупроқ томонидан уни эзишга қаршилик кучи F ни тупроқнинг чизиқли деформацияси λ га боғлиқлиги

3.1-расм. Тупроқнинг қаттиқлигини ўлчаш воситаси (*a*) ва қаттиқлик диаграммаси

Кўлнинг босим кучи пружинани сиқади, сиқилган пружина эса штангага бириктирилган учликни тупроқقا ботиши ёки киришга мажбурлайди. Шунда пружинани сиқишга сарфланган куч миқдори учликни тупроқقا ботишига кўрсатадиган қаршилик кучига teng бўлади. Яъни инсон пружинани сиқишга сарфлаган кучига teng куч билан тупроқ учликни ботишига қаршилик кўрсатади (бу ҳолат учлик тупроқقا равон ботирилганда деб ҳисобланади). Куч миқдори пружинани сиқилиш масофаси Y , тупроқнинг чизиқли деформацияланиши λ -эса учликни тупроқقا ботиш чуқурлиги билан ўлчанади.

Бир йўла ўзи ёзиш қурилмаси билан жиҳозланган қаттиқликни ўлчагич $y=f(\lambda)$ диаграммасини ҳам чизиб боради. Пружинанинг қаттиқлиги олдиндан калибрланган бўлади. Калибрланиш нимани англатади? Қаттиқликни ўлчаш асбобидаги пружинани сиқишга сарфланган куч миқдорини сиқилгандаги масофага боғлиқлигини англатади.


Айтайлик, пружина сиқилганича йўқ, унинг узунлиги 150 мм. Пружина устига массаси 1 кг (9,8 Н) юк қўямиз. Пружина сиқилади ва узунлиги 146 мм бўлиб қолади, демак 4 мм га камайди. Кейин пружина устига яна 0,5 кг, жами 1,5 кг (14,7 Н) юк қўямиз. Пружина сиқилиб, узунлиги 143 мм бўлди, 7 мм га камайди. Шу тариқа тажрибани 50 кг юкгача давом эттирамиз. Ҳар бир юк қўйганимизда пружина узунлигининг қисқариб боришини ёзиб борамиз.

Математик нуқтаи назардан $Y=f(G)$ боғланишга эга бўламиз. Мана шу жараён пружинани калибровкалаш дейилади. Юк таъсирида пружина узунлигини қисқариш масофасини аниқлаш қурилмаси кўриниши 3.2-расмда келтирилган.

Юк таъсирида пружина узунлигини қисқариш масофасини аниқлаш назарий томондан қуийдаги ифода бўйича амалга оширилади,

$$k = \frac{8PnD^3}{Gd^4}, \quad (3.1)$$

бунда P -ўқ бўйича йўналтирилган оғирлик кучи, Н; n -пружина ўрамларининг сони, дона; D -пружина ўрамларининг ўртача диаметри, м; G -силжишдаги эластиклик модули, Па; d -пружина симининг диаметри, м.




3.2-расм. Юк таъсирида пружина узунлигини қисқариш масофасини аниқлаш қурилмаси кўриниши

Амалда бажарилиб олинган ва (1) ифода билан ҳисоблаб аниқланган натижалар ўзаро таққосланади. Натижаларнинг фарқи 10 фоиздан ошмаса, пружинадан тупроқ қаттиқлигини ўлчаш воситасида фойдаланиш ишончли эканлигини билдиради.

Пружинанинг калибрланганлиги k аниқланганидан кейин, унинг у деформацияланишидан кучни аниқлашга ўтилади, яъни $F=ky$ га (3.1, б-расм). 3.1, б-расмдан кўриниб турибдики, ўлчагичдаги учлик юзасининг катталиги бир хил бўлсада шаклининг турлича бўлиши, уни тупроқقا ботишига турлича куч билан қаршилик кўрсатилмоқда. Бу айниқса учликни тупроқقا ботиш

жараёни бошланишида яққол сезилади, кейинги босқичларда айтарли сезилмайды. Учлик тупроққа 5-6 см кирганидан кейин, қаршилик күчлари ўзаро тенг бўлиб, ўзгармайдиган ҳолга келади. Учлик ҳар йили шудгорланадиган нисбатан юмшоқ қатламдан чуқурлаша борганда қаршилик кучи микдори жадал катталашади. Одатда мутахассислар бу қатламни “тупроқнинг шудгор товони” деб аташади.

Тупроқ қаттиқлигини ўлчаш натижалари бўйича қурилган диаграммани иккита OA ва AB тўғри чизиқлар бўйича аппроксимациялаш (яқинлашиш, ўртачага яқинлаштириш) мумкин (3.3-расм).



3.3-расм. Тупроқни эзишга қаршилик кучи F нинг тупроқ чизиқли деформацияси λ га боғлиқлик диаграммаси

Бу чизиқлар тупроқ деформацияланишининг икки фазаси (босқичи)ни тавсифлайди. Биринчи босқич (OA зона) бажарилиши, яъни учлик тупроққа ботишида тупроқ зичлашиб, қаршилик кучи F чизиқли деформация λ га пропорционал равишда ортиб боради.

Бу босқичда тупроқда учлик шаклининг изи қолмаслиги мумкин. Иккинчи босқичда эса, яъни учлик тупроққа кўпроқ кирганида, тупроқда учликнинг конуссимон изи қолади. Демак, учлик тупроқни ён томонларга сиқиб из қолдирмоқда. Тупроқ дастлабки ҳолатига қайтмаяпди. Энди тупроқнинг λ деформацияланиши қаршилик F кучини оширмаяпди. Тупроқ унга кўрсатилаётган доимий босим таъсирида деформацияланишни давом

эттиromoқда. Шундай қилиб, тупроқнинг деформацияси фақатгина унга кўрсатиладиган босим кучининг эмас, балки унинг қанча вақт таъсир этишининг функцияси бўлиб қолмоқда.

Биринчи босқичнинг давом этиш вақти иккинчисиникига нисбатан бир неча марта кичик. Бироқ биринчи бочқичнинг амалий аҳамияти катта. Қишлоқ хўжалик машиналари ишчи юриш қисмларининг тупроққа таъсири биринчи босқич доирасидан четга чиқмайди. Ана шу биринчи босқич таҳлил қилиниб, тупроқнинг эзилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти деб номланган кўрсаткичи тавсифланди. Тупроқнинг қаттиқлиги p ($\text{Н}/\text{см}^2$) қуйидаги ифода бўйича аниқланиши мумкин

$$p = \frac{hk}{S} \quad (3.2)$$

бунда h – қаттиқлик диаграммасиг ўртача ординатаси, см;

k – пружинанинг қаттиқлиги, $\text{Н}/\text{см}$;

S – учликнинг кўндаланг кесими юзаси, см^2 .

Тупроқнинг сиқилишга кўрсатадиган қаршилигини яна аниқроқ таърифлаш учун – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланилади.

Биринчи бочқични таҳлилидан яна шундай хулоса келиб чиқади, тупроқни эзилишга қаршилик кучи F тупроқ чизиқли деформацияси λ сингари эзилаётган юза (учлик кўндаланг кесими юзаси S)га боғлиқ, бундан эса қаршилик кучи F эзилаётган ҳажмга ҳам пропорционал боғлиқлиги келиб чиқади, яъни $V=S\lambda$. Булардан ташқари тупроқнинг қумоқ, бўз турлари, нам ва куруқ физик ҳолатларига ҳам боғлиқ. Агарда тупроқнинг эзилишга кўрсатадиган қаршилик қобилиятини пропорционаллик коэффициенти q билан ифодаласак, у ҳолда $F=qV$ ифода ҳосил бўлади, ундан эса

$$q = \frac{F}{V} \quad (3.3)$$

Тупроқ ҳажмий эзилиш коэффициенти q нинг ўлчам бирлиги Н/см³ қабул қилинган. Демак тупроқ ҳар сафар қандайдир см³ миқдорида сиқилганида кўрсатаоладиган қаршилик кучини (H) ортишини ифодалайди. Одатда тупроқ ҳажмий эзилиш коэффициенти q нинг қийматлари қуидаги оралиqlарда бўлади: янгидан шудгорланган тупроқларда 1-2 Н/см³; яйловларда 5-10 Н/см³ ва грунтли йўлларда 50-90 Н/см³.

Юқорида айтиб ўтилганидек тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти q тупроқ намлигига боғлик. Намлик ортиши билан тупроқнинг қаттиқлиги ва ҳажмий эзилиш коэффициенти камаяди. Бу эса тупроққа ишлов берадиган агрегатларнинг иш бажаришга сарфланадиган энергия миқдорини камайишига олиб келади. 3.1-жадвалда турли вилоятларда чигит экишдан олдин тупроқ қаттиқлиги ва намлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

3.1-жадвал.

| Вилоятлар | Қаттиқлик, МПа | | | Намлик, % | | |
|-----------|----------------|---------|----------|-----------|---------|----------|
| | 0-5 см | 5-10 см | 10-15 см | 0-5 см | 5-10 см | 10-15 см |
| Бухоро | 1,5 | 5,9 | - | 16,2 | 16,7 | 18,1 |
| Хоразм | 1,8 | 6,3 | 8,1 | 15,1 | 18,7 | 19,8 |
| Самарқанд | 1,7 | 4,3 | 9,1 | 14,7 | 16,8 | 18,8 |
| Тошкент | 2,7 | 10,3 | 13,5 | 15,1 | 18,1 | 19,3 |

Мутахассисларнинг эътироф этишича, тупроқ намлиги 16-18% бўлганда ишлов бериш мақбул ҳисобланади. Бунда тупроқ яхши майдаланади, яъни уваланади. Бу жараён кам энергия сарфи билан амалга оширилади.

Кишлоқ хўжалиги ривожланишининг замонавий даражаси тупроқ қаттиқлигини аниқлаш воситалари ва усулларини такомиллаштиришни, жумладан информацион технологиялар ва автоматлаштириш воситаларини кўллашни тақоза этмоқда. Тупроқ қаттиқлигининг мониторингини автоматлаштириш ўлчаш натижаларни олиш ва уларга ишлов бериш тупроқ

ҳолатини назорат қилишни сезиларли даражада яхшилаш имконини яратади. Тупроқ қаттиқлигини ўлчаш учун пенетрометр ва твердомерларнинг турли хил конструкциялари қўлланилади 3.4-расм. Ҳар иккаласи ҳам амалдаги твердомернинг тупроққа ботиш тезлиги ва унинг равонлигини ўлчашни олиб борадиган шахс томонидан назоратни таъминлай олмаслик камчилигини бартараф этаолади.



3.4-расм. Пенетрометр ва твердомерларнинг қўринишлари

Амалдаги ўлчаш воситаларидан фойдланиш кўп микдорда қўл меҳнатини, олинган маълумотларда инсон омилининг таъсири сезиларли бўлади. Бир даланинг турли нуқталарида ва турли далаларда олинган натижалар таҳлили, плунжер штоги юритмаси ва тупроққа ботиш тезлигини ўзгармаслигини таъминлаш учун бу жараённи автоматлаштириш зарурлигини Россия Федерациясининг КубНИИТИМ исботини келтиради.

Амалдаги твердомерларнинг бошқа камчилиги, мониторинг олиб боришда бир нуқтада нечадир йил олдинги олинган натижани янгиси билан

қиёслаш имкониятини йўқлигидир. Бунга эришиш учун замонавий твердомерга “Глонасс” ёки GPS навигаторлардан фойдаланилди.

ИП-271 русумли тупроқ қаттиқлигини электрон ўлчайдиган воситасидан фойдаланиб жараённи бажариш тўлиқ автоматлаштирилган ҳисобланади. ИП-271 ўлчаш воситаси таянч қурилмали корпус, реверсли мотор-редуктор, бурилиш бурчаги датчиғи, тензометрик датчик, аккумулятор батарияси, пультли бошқариладиган электрон блок ва микроназоратчилардан ташкил топган 3.5-расм.



3.5-расм. ИП-271 русумли тупроқ қаттиқлигини электрон ўлчайдиган воситасининг кўриниши

ИП-271 русумли тупроқ қаттиқлигини электрон ўлчайдиган воситаси замонавий STM32F407 Cortex M-4 микроназоратчи базасида қурилган бўлиб,

бошқариш функциясидан ташқари датчиклардан маълумотларни йиғиш, уларни microSD-картада сақлаш функцияларига эга.

GPS модулининг ўрнатилганлиги тупроқ қаттиқлиги ўлчангандан жойнинг координаталарини белгилаб боради, бу эса кейинги йиллар давомидаги ўлчашларда айнан шу жойни кўрсатиб бериб, тупроқнинг қаттиқлигини қиёслаш имкониятини яратади. Электронли блок шахсий компьютер ёки узоқ масофадаги сервер билан боғлаш учун бир неча интерфейслар билан жиҳозланиши мумкин. Шахсий компьютер билан боғланиш интерфейс USB ёки bluetooth канали бўйича амалга оширилиши мумкин. Узоқ масофадаги серверга маълумотларни узатиш учун GSM-канали қўлланилади.

Назорат саволлари:

1. Тупроқ қаттиқлигини аниқлашнинг нима зарурати бор?
2. Тупроқ қаттиқлиги ва зичлиги орасида боғланиш мавжудми?
3. Тупроқ қаттиқлигини ўлчайдиган воситада пружинадан фойдаланишга нима эҳтиёж бор?
4. Пружинани калиброкалашдан мақсад нима?
5. Тупроқ қаттиқлигини камайтириш имкониятлари нималардан иборат?
6. Тупроқ қаттиқлигининг ўлчов бирлиги ва унга изоҳ беринг?
7. Тупроқнинг қаттиқлигини ўлчайдиган амалдаги механик воситанинг камчиликлари нималардан иборат?
8. Тупроқнинг қаттиқлигини ўлчайдиган электроник воситанинг афзалликлари нималардан иборат?

4-§. ЗИЧЛИК ВА НАМЛИКНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

4.1. Тупроқнинг зичлиги унинг физик-механик хоссаларидан биридир. Тупроқ зичлигини **бевосита** ўлчаш воситаси ҳозирча мавжуд эмас. Ҳозиргача тупроқ зичлигини аниқлашда математик ифодалардан фойдаланилади. Тупроқ

зичлигини аниқлаш учун табиий ҳолатдаги қуруқ тупроқ массасини ҳажмига нисбати қабул қилинган.

Тупроқ зичлиги унинг типи, минералогик ва механик таркиби, структураси, ғоваклиги ва бошқа күрсаткичларга боғлик бўлиб, тупроқни қай даражада зичланганлигини кўрсатади. Тупроқقا ишлов берадиган қишлоқ хўжалиги машиналарининг судрашга қаршилигини аниқлашда тупроқ зичлиги албатта инобатга олинади. Типик бўз тупроқларда унинг зичлиги

$\rho=1,06-1,10 \text{ г}/\text{см}^3$ оралиқларида бўлади. Чигит экиш даврида тупроқ зичлиги $1,14 \text{ г}/\text{см}^3$ дан юқори бўлмаслиги таъминланиши тавсия этилади. Тупроқ зичлигини аниқлаш учун махсус бурғудан фойдаланилади (4.1-расм).



4.1-расм. Тупроқ намунасини олиш бурғуси

Тупроқ зичлигини аниқлаш ифодаси,

$$\rho = \frac{m_h}{V_h}$$

бунда m_h – намуна учун олинган тупроқ массаси, г;

V_h – намуна учун олинган тупроқнинг ҳажми, см^3 .

Тупроқ хоссаларининг ўзгарувчанлиги унинг нақадар мураккаб эканлигидан далолат беради. Тупроқ йил давомида мўрт, қаттиқ, ярим қаттиқ,

пластик, эластик ва оқувчан ҳолатларда бўлади. Бу ҳолатларда тупроқнинг физик-механик ва технологик хоссалари ўзгариб туради.


Тупроқнинг намлиги, қаттиқлиги, солиштирма қаршилиги, ёпишқоқлиги, ички ва ташқи ишқаланиш коэффициентлари ва бошқалар **тупроқнинг физик-механик хоссаларини** кўрсатади.

Тупроқнинг намлиги. Тупроқнинг бу хоссаси унга ишлов беришда яққол номаён этади. Мавсумлар давомида эса тупроқнинг намлиги мос ҳолда ортиб ёки пасайиб боради. Тупроқнинг намлигини аниқлашнинг **куритиши** усули 1930-1935 йиллардан фойдаланиб келинмоқда. Бу усул билан тупроқнинг намлиги бевосита далада ўлчаниб, аниқланмасада аниқлиги юқорилиги учун ҳонузгача фойдаланилмоқда. Тупроқ намлигини аниқлашда математик ифода ва амаллар бажарилади.

Бироқ тупроқнинг намлигини билиш ва уни аниқлаш муҳим эканлигини эътиборга олиб, уни ўлчашнинг электр усулларини ишлаб чиқиш Уитней (1897), Гарднер И. Л. Бригслар томонидан (1897) йиллардан бошланган. Электр усулларидан бири кондуктометрик усуллар ишлаб чиқилди. Кондуктометрик усули электр қаршиликни ўлчашга асосланган бўлиб, қаршиликка тескари электр ўтказувчанлик E ни аниқлаш орқали амалга оширилади

$$E = \frac{1}{R}$$

Ўлчаш воситаси асосан датчик ва ўлчаш қурилмасидан ташкил топган. Тупроқдаги намлик миқдори қанчалик катта бўлса, унинг электр ўтказувчанлиги шунчалик юқори ва аксинча бўлади.



1 ва 8-аккумулятор батариясининг мусбат ва манфий қутблари; 2,7-ток ўтказгичлар; 3,6-мис учликлар (штыр); 4- тупроқ намунаси; 5-ток ўтказмайдиган идиш; 9- аккумулятор батарияси

4.2-расм. Тупроқ намлигини электр токи билан ўлчаш воситасининг энг оддий электрик схемаси

4.2-расмдаги схема бўйича тупроқ намлигини электр токи билан аниқлаш принципининг асосини қуидагича изоҳлаш мумкин: 4.2-расмдаги схема энг оддий электр занжири ҳисобланиб, у электр манбаи, электр ўтказгичлар ва қаршиликдан иборат, шунингдек кучланишни ўлчаш асбоби вольтиметр ва ток кучини ўлчаш асбоби амперметрдан ташкил топган. Схемада қаршилик ўрнида тупроқ қўлланилмоқда. Амалда эса лампочка бўлиши мумкин. Ток мусбат қутбдан манфий қутбга томон йўналиши физика курсидан маълум. Ток тупроқдан ўтишида қаршиликка дуч келади. Тупроқ

намлиги катта бўлса, қаршилик кичик ва аксинча бўлади. Демак ток кучи йўқотилишининг кам ёки кўплиги тупроқ намлигига боғлиқ. Бу боғланиш физикада

$$I = \frac{U}{R}$$

кўринишда ифодаланади.

Энг сўнгги рақамли ўлчаш асбоблари принципи ҳам тупроқнинг намлиги ундаги сувнинг миқдори билан тавсифланади. Тупроқ абсолют ва нисбий намликлар билан таърифланади. Одатда тупроқнинг намлигини аниқлаш учун қуйидаги асбоб-ускуналар ишлатилади:

1. Ердан тупроқ намунасини олиш учун маҳсус асбоблар тўплами (4.1-расмда келтирилган), шунингдек узунлиги 60-100 см бўлган маҳсус бур.
2. Иссикликка чидамли алюминийдан тайёрланган стаканча-бюкслар (4.3-расм). Одатда ҳар бир бюкснинг қопқоғига унинг массаси ўлчаниб, ёзиб қўйилади. Кутичалар яшикка жойлаштирилган ҳолда олиб юрилади. Бу эса улардан далада фойдаланишга қулайлик яратади.



4.3-расм. Алюминийдан тайёрланган стаканчалар-бюкслар

3. Тупроқ намунаси массасини ўлчаш учун электрон тарози зарур бўлади.



4.4-расм. Constant 14192-641C русумли электрон тарози

Мазкур тарози фойдаланишга қулай ва 0,01 грам аниқликда ўлчайди.

4. Тупроқни 105°C ҳароратгача қиздириб қуриладиган шкаф-термостати (4.5-расм).



4.5-расм. Тупроқни 105°C ҳароратгача қиздириб қуриладиган шкаф-термостати

5. Пластиинка ва пичок зарур бўлади.

Тупроқ намунаси қуйидаги тартибда олинади: ердан тупроқ намунасини олиш жойи аниқланғач, текисланади ва озгина зичланади. Чунки бурни тупроқдан чиқариб олганда унинг жойига юқориги қатламдаги қуруқ тупроқ тушмаслиги лозим. Ёнига пластинка жойлаштирилиб, унинг устига бюкс қўйилади. Сўнгра бур тупроққа намуна олинадиган чуқурликкача киритилиб (масалан 0-10 см), бурдаги белги тупроқ сатҳига мос келганда у аста-секин орқага буралиб, чиқариб олинади. Бур цилинтри ичидаги тупроқ намунаси эҳтиёткорлик билан пичоқ ёрдамида бюксга тўкилади ва бир вақтда қопқоғи билан бекилади. Бюкс эса қутига жойлаштирилади.

Иккинчи намуна ҳам биринчиси сингари бурнинг кейинги белгисигача тупроққа киритилиб (масалан 10-20 см), намуна олинади. Олдинги жараёнлар такрорланади. Белгиланган жой ва чуқурликлардан намуналар олингач қутича лабораторияга олиб борилиб, барча бюклар алоҳида-алоҳида тарозида ўлчаниб, бюкс номери бўйича журналга ёзиб қўйилади.

Бюкларнинг қопқоғи олиниб, стаканчалари подносга қўйилиб, қуритиш шкаф-термостатга жойлаштирилади.

Стаканчалар шкаф-термостатда 6 соат давомида 105°C ҳароратда қуритилади. Стаканчалар поднос билан биргаликда шкаф-термостатдан чиқариб олинган заҳоти ҳар бири ўзининг қопқоғи билан ёпилади. Очиқ ҳавода 10-15 минут давомида сақланган ҳар бир бюкснинг массаси яна тарозида ўлчанади ва маълумотлар журналга ёзилади.

Журналдаги маълумотлар асосида тупроқнинг абсолют ва нисбий намликларини аниқланади.

Абсолют намлик W_a тупроқдаги сувнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, у қуйидаги ифода билан аниқланади,

$$Wi_a = \frac{m_{hi} - m_k}{m_k} \cdot 100, \% \quad (4.1)$$

бунда m_{hi} ва m_k - мос ҳолда нам ва доимий массага эга бўлгунича қуритилган тупроқнинг массаси, г.

Суғориш ёки ёмғирдан сўнг тупроқда йиғилган намлик қуёш тафти ва шамол таъсирида буғланиш натижасида камайиб боради ва абсолют намлик оптимал даражага етганда тупроқ ишлов беришга тайёр ҳолатга келади. Тупроқнинг абсолют намлиги қўп омилларга боғлиқ. Масалан, тупроқдаги намлик шудгорнинг қайси вақтда ўтказилишига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин (4.1-жадвал)

4.1-жадвал

Тупроқнинг абсолют намлиги, %

| Горизонт чукурлиги, см | Кузги шудгордан кейин | Эрта баҳорги шудгордан кейин | Намликларнинг шудгордан кейинги фарқи, % |
|------------------------|-----------------------|------------------------------|--|
| 0-5 | 10,5-18,1 | 7,1-14,2 | +33,4-21,6 |
| 5-10 | 15,3-21,2 | 12,3-17,2 | +19,7-18,9 |
| 10-15 | 16,4-22,5 | 13,9-18,1 | +15,3-19,6 |

4.1-жадвалнинг таҳлили тупроқдаги намлик барча чукурликларда кузги шудгордан кейин юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бу натижа айниқса бизнинг республикамиз учун ўта муҳимдир. Чунки экилган уругни эрта баҳорда тупроқдаги намлик ҳисобига ундириб олиш фермерларнинг орзузи ва улар учун катта ютуқдир.

Оптимал намликнинг юқори чегараси тупроқни пўлатга ёпишмаслик шартидан аниқланади. Масалан, плуг ағдаргичи ёки лемехининг ишчи сиртига тупроқ ёпишмаслиги лозим. Қатор орасига ишлов беришда эса култиватор ишчи қисмлари ишчи сиртларига ёпишмаслиги лозим. Бу намлик 16-20% оралиғида бўлади.

Биз кўпроқ тупроқ зичлигини аниқлаш ва шунга боғлиқ масалаларга эътибор қаратиб келдик. Лекин қишлоқ хўжалик машиналари қандай ўсимлик тури билан боғланган бўлса, унинг физик-механик хоссаларини эътиборга олиши шартлиги бир неча бор эслатиб ўтилганидек, ғўзапоянинг зичлигини аниқлашни кўриб чиқамиз.

4.3. Йўғон пояли ўсимликлар поясининг зичлиги (ғўзапоянинг пояси мисолида)

Ғўзапояларнинг зичлигини аниқлаш учун, уларнинг вазни Constant 14192-641С русумли ва бошқа электрон тарозиларда ўлчанади (4.4-расмга қаралсин). Бунинг учун дала боши, ўртаси ва охиридан баландлиги 80-120 см ни ташкил этадиган 30 дона ғўзапоя олиб келинади. Ғўзапояларнинг илдиз қисми тупроқдан тозаланади ва Constant 14192-641С русумли электрон тарозида ўртача массаси аниқланади. Олинган натижалар бир неча такрорийликда амалга оширилади ва уларнинг ўртача қиматлари ҳисобланади.


Барча ғўзапоя табиий намлигига юқорида русуми келтирилган электрон тарозида ўлчаниб, бир дона ғўзапоянинг ўртача массаси ҳамда илдиз тизимидан бошлаб унинг учигача бўлган ҳар 100 мм бўлакчаларининг массаси аниқланади (4.6-расм).



4.6-расм. Ғўзапоянинг массасини аниқлаш жараёни

Ўтказилган лаборатория тажрибалардан 30 дона ғўзапоянинг 100 мм бўлакчаларининг массаси аниқланади. Бўлакчаларнинг ўртача қийматлари

аниқланади ва бу қийматлар асосида ғўзапоя бўлакчаларининг узунлигини массасига боғлик равишда ўзгариш графиги қурилади (4.7-расм).



4.7-расм. Баландлиги бўйича ғўзапоя бўлакчалари ўртача массасининг ўзгариш графиги

4.7-расмдан кўриниб турибдики, 90 см баландликдаги ғўзапоянинг бўғзида масса юқори, ғўзапоянинг бўғзидан бошлаб учигача бўлган масофада бўлакчалар массасининг камайиб боришини кўриш мумкин.

4.8-расмда баландлиги бўйича ғўзапоя бўлакчалари ўртача зичлигининг ўзгариш графиги келтирилган.


Графикдаги ғўзапоянинг зичлигини баландлиги бўйича диаметрига боғлик равишда ўзгаришини аниқлаш учун, баландлиги 1 м бўлган уч дона ғўзапоя танлаб олинади. Уларнинг ҳар бири узунлиги 10 см бўлган бўлакчаларга бўлакланиб, 0-10, 10-20, ..., 90-100 см даги диаметрлари электрон штангенциркульда ўлчаниб, сўнгра ҳар бир бўлакчанинг ҳажми қуидаги ифода бўйича аниқланади,

$$V = \frac{1}{3}\pi h(D^2 + d^2 + Dd) \quad (4.2)$$

бунда h – баландлиги бўйича бўлакча узунлиги, м;

D – баландлиги бўйича бўлакча пастки асосининг диаметри, м;

d – баландлиги бўйича бўлакча юқориги асосининг диаметри, м.



4.8-расм. Баландлиги бўйича ғўзапоя бўлакчалари ўртача зичлигининг ўзгариш графиги


Сўнгра ушбу ҳажм ғўзапоянинг шу бўлакчасига мос келадиган массага нисбати ҳисобланиб, 4.8-расмда келтирилган график қурилди. 4.8-графикдан кўриниб турибдики, ғўзапоя бўғзида зичлик $2,2 \text{ g/s}^3$ дан юқори бўлмоқда.

4.9-расмда ғўзапоя зичлигини унинг намлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги келтирилди. Графикни қуриш учун (4.2) ифодага намликни фоизда ифодаланиши кўпайтирилди ва қуйидаги олинади,

$$V = \frac{1}{3}\pi h(D^2 + d^2 + Dd)(1 + \frac{W}{100}) \quad (4.3)$$

(4.3) ифода бўйича 4.9-график қурилади. График тахлили ғўзапоя бўғзида зичлик $1,35 \text{ g/s}^3$ ни ташкил этмоқда. Баландлик бўйича ғўзапоя диаметрини кичиклашиб бориши билан, зичлик ҳам камайиб бормоқда.

Зичликнинг ўзгаришига намлик албатта таъсир кўрсатади. (4.3) ифоданинг тахлили ҳам ушбу фикрнинг ўринли эканлигини ҳисоблар натижалари ҳам кўрсатди.



4.9-расм. Баландлиги бўйича ғўзапоя бўлакчалари ўртача зичлигининг ўртача намликка боғлиқ ўзгариш графиги

4.8 ва 4.9-расмда келтирилган графиклардан пайқаш мумкинки, зичлик ғўзапоя бўғзидан унинг учига томон камайиб бормоқда. Бу ҳолат ғўзапоянинг морфологик хусусиятлари билан боғлиқлиги барчага маълум.

4.1.2. Ғўзапоянинг намлиги

Тажрибаларда узунлиги 800-1100 ммгacha бўлган ғўзапоялар намлиги ҳар 100 мм оралиқда ЭВ-2К русумли электрон намлик ўлчов асбобида ўлчанди (4.10-расм). Ғўзапоя поясининг намлиги бўғзидан бошлаб юқорига кўтарилиган сари камайиб боради.


Намликни ўлчайдиган ЭВ-2К русумли электр асбобидан фойдаланиш тартиби. Шкалаларни ўзгартиришдан олдин уларнинг кўрсатиши текширилади. Қўлда ўзгартириш ёрдамида “НШ” белгига стрелка ўрнатилади. “НШ” белгига стрелкани ўрнатишда тугмача босилган бўлиши керак. Поя толалари йўналиши бўйича игнанинг ўткирланган қисми унга тўлиқ ботирилади. Олинган натижа аниқроқ бўлиши учун, ўлчаш бир неча маротаба такрорланиб, ўртача қиймат ҳисобланади.



1-намлики күрсатиши шкаласи; 2- уча игнали учлик; 3-стрелкани ростлаш тугмачаси; 4- кучланишни ростлаш тугмачаси; 5-электр манбаига уланадиган айри

4.10-расм. ЭВ-2К русумли электрон намлик ўлчаш асбоби

Ғўзапояларнинг илдиз бўғзидан учигача, ҳар бир 100 мм бўлакларининг намлиги аниқланди.



4.11-расм. Ғўзапояларнинг намлигини аниқлаш жараёни


Ғүзапоянинг намликлари баландлиги бўйича ҳар 10 см масофада аниқланди ва уларнинг ўртача қийматлари ҳисобланиб, жадвал кўринишида ёзилади (4.2-жадвал).

4.2 – жадвал.

Баландлиги бўйича ғўзапоянинг ҳар 10 см узунликдаги бўлакчаларининг намлиги

| Кўрсаткич номи | Баландлик бўйича бўлакчалар кесимида, см | | | | | | | | | |
|----------------|--|------|------|------|------|------|------|------|-----|-----|
| | 0 | 10 | 20 | 30 | 40 | 50 | 60 | 70 | 80 | 90 |
| Намлик, % | 67,0 | 66,4 | 63,3 | 54,9 | 48,1 | 41,9 | 29,0 | 17,1 | 5,6 | 0,0 |

4.2- жадвалда келтирилган қийматлар асосида ғўзапоянинг намлигини баландлиги бўйича бўлакчалри ўртача қийматининг ўзгариш графиги қурилади (4.12-расм).



4.12-расм. Баландлиги бўйича ғўзапоя бўлакчалари ўртача намлигининг ўзгариш графиги

4.12-расмдан кўриниб турибдики, ғўзапоянинг намлиги унинг баландлиги ошиб бориши билан пасайиб бормоқда. Баландлик 90 смга етганда унинг намлиги ноль фоизга тушиб қолмоқда. Тажрибадаги ғўзапоялар баландлиги 90 смдан катта бўлганда энг кейинги 10 см масофада ҳам шундай

холат такрорланиши кузатилди. График таҳлили ғўзапоянинг намлиги унинг баландлигига қавариқ парабола қонунияти билан боғланганлигини кўрсатмоқда.

5-§.ТУПРОҚ ПАЛАХСАСИНИ ҚИРҚИШДА ҚАРШИЛИК КУЧЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ. ТЕНЗОДАТЧИКЛАР ВА ЭМА-П ИП-153” ЎЛЧАШ АСБОБИ, ТАРИРОВКАЛАШ УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

5.1. Деталлар деформацияланганлигини қаршиликнинг симли датчиклари ёрдамида ўлчаш

Назарий асослари. Синалаётган намунанинг (бизда асосан тензобармоқларнинг) бир нечта нуқталарда деформацияланнишини ўлчаш, симли датчиклар-электротензометрлар ёрдамида амалга оширилади.

Бир ўқли намунанинг чизиқли зўриқиш ҳолатлари қуйидагича бўлиши мумкин: оддий чўзилиш ёки сиқилиш, эгилиш, тўғри бруснинг марказий ўқидан ташқарида чўзилиши. Бунда зўриқиш намуна (брус) ўқига параллел бўлади. Бундай ҳолатларда датчик базаси брус ўқи йўналишига мос жойлаштирилиб елимланиши (ёпиштирилиши) лозим ва талаб этилидаи.

Ўлчанган бўйлама деформация ε бўйича нормал зўриқиш катталигини аниқлаш учун Гук қонуни ифодасидан фойдаланилади

$$\sigma = \varepsilon E$$

бунда E – намуна бўйлама қайишқоқлигининг модули, намунанинг мустаҳкамлигини, яъни эластик эгилувчанликка қаршилиги ифодалайди.

Намунанинг деформацияланганлигини электр усули билан ўлчаш, жисмнинг деформацияланниши электр параметрларидан бирини ўзгаришига сабаб бўлишига (қаршилик, сигим, индуктивлик) асосланган.

Синалаётган жисмда содир бўлаётган деформацияни ўлчаш учун, унга **датчик** деб номланган элемент ёпиштирилади. Бу элемент деформацияни

қабул қилиб, уни электр катталикка айлантиришни амалга оширади. Датчикнинг электр параметрини ўзгариши қайд этиб борадиган асбобга узатилади. Шундай қилиб, электр усулида жисмнинг деформацияланганлигини аниқлаш икки-датчик ва қайд этиб борадиган асбоблардан ташкил топган бўлади.

Жисм деформацияланганида датчикнинг қайси параметри ўзгаришига боғлик ҳолда қаршилик, индукция ва сифимли датчикларнинг биридан фойдаланилади.

Одатда симли қаршилик датчикларидан кенг фойдланилади. Улардан статик ва динамик деформацияларни ўлчашда фойдланиш мумкин. Бу датчикларнинг қулай томони улардан лаборатория шароитдан ташқари бевосита дала шароитларида ҳам жисмларнинг деформацияланиш катталигини аниқлаш имкониятлари мавжуд. Масалан шудгорлаш жараёнларида ёки кранлар билан юк юк кўтаришда, зарба беришда ва ҳ.к. Унинг фойдаланишга қулай томонларидан яна бири, қайд этадиган асбобдан узоқда, қўл етмайдиган ёки ўлчаш жараёнида киши бораолмайдиган масофаларда ҳам, шунингдек айланадиган жисмлардаги деформацияларни ўлчаш мумкинлигини келтириш мумкин. Деформацияланиши аниқланадиган жисмлар сони кўп бўлган тақдирда ҳам ҳар бир датчик қайд этиш асбобида алоҳида-алоҳида ёзиб борилади. Бу имконият бир вақтда бир неча жисм деформацияланганлигини аниқлаш мумкинлигини кўрсатади.


Жисмнинг нуқтасидаги зўриқиш катталиги, Гук қонунидан фойдаланиб, датчиклар ёрдамида ўлчанган деформация катталиги бўйича ҳисобланади. Ўлчанган деформация бўйича зўриқишини аниқлаш **тензометрлаш** дейилади.

Жисмнинг деформацияланганлигини симли датчиклар ёрдамида ўлчаш аниқлиги механик ёки оптик тензометрларга нисбатан пастроқ. Бироқ амалий ишларда жисмнинг деформацияланганлигини ишончли ҳисоблаб бермоқда. Усулнинг оддийлиги, қулайлиги, арzonлиги ва ишончлилиги сабаб техниканинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Қаршиликнинг симли датчиги ингичка симдан ташкил топган бўлади. Сим мокисимон кўринишда йиғилиб қоғозга елимланади (5.1.-расм). Датчик маҳсус елим (целлуоиднинг ацетондаги эритмаси ёки БФ-4) ёрдамида синалаётган жисмнинг сиртига елимланади. Шунда датчик жисм билан биргаликда деформацияланади.

Датчик диаметри 0,02-0,03 мм бўлган константи ёки нихромли симлардан тайёрланади. Симлар деформацияланганида уларнинг қаршилиги ўзгаради. Сим узунлиги қанча катта бўлса, унинг қаршилиги (Ω) ҳам шунга мос ўзгаради. Шу сабабли жисмнинг деформацияланганигини юқори аниқликда ўлчаш учун датчик сими узун бўлгани маъқулроқ. Бироқ датчикни жисмга жойлаштириш ва ёпиштириш қулай бўлиши учун у мокисимон кўринишга келтирилади.

5.1-расмда келтирилган симли датчик жисмнинг факат $X-X$ йўналишидаги деформациясини сезади, $Y-Y$ йўналиш бўйича эса сезмайди.



5.1.-расм. Қаршиликнинг симли датчиги

l узунлик датчик базаси ҳисобланади. Одатда 5, 10 ва 20 мм базали датчиклар тайёрланади. Датчик симлари тугашига диаметри каттароқ бўлган симлар уланади. Улар қайд этиш асбобига уланади.

Қаршилик датчиги ўзгариши бўйича деформацияни ўлчаш учун тажрибада аниқланган натижалар қўйидаги боғланишда қўлланилади

$$\Delta R = \varepsilon R \mu \quad (5.1)$$

бунда R – датчикнинг бошланғич қаршилиги, (100-250 Ом); μ – датчик базасининг сезгирилик коэффициенти (1,8-2,1).

(5.1) ифодадан, датчик қаршилигининг ўзгариши ΔR чизиқли деформация ε га тўғри пропорционаллиги қўриниб турибди.

Шундай қилиб, чизиқли деформация

$$\varepsilon = \frac{\Delta R}{\mu R} \quad (5.2)$$

Синалаётган жисмга ўрнатилган датчик учун μ ва R катталиклари доимий, яъни ўзгармас, ΔR қиймати эса қайд этадиган асбобда ўлчанади. Умуман олганда, амалда ΔR катталиктининг қиймати жуда кичик, шу сабабли уни ўлчаш учун юқори сезувчанликга эга бўлган қайд этадиган асбобдан фойдаланиш маъқул.

Назорат саволлари

1. Деформацияни ўлчашда қаршиликнинг симли датикларидан фойдаланиш нимага асосланган?
2. Электротензометрлашнинг афзаллиги нимада?
3. Қаршилик датчиги қийматининг ўзгариши билан чизиқли деформация орасида қандай боғланиш бор?
4. Ўлчанганде чизиқли деформация бўйича нормаль зўриқишни қандай аниқлаш мумкин?
5. Қаршиликнинг симли датчиги синалаётган жисм ёки деталга қандай тартибда елимланади?
6. Қаршиликнинг симли датчиgidан фойдаланиш тартибини айтиб беринг.

5.2. Қаршиликнинг симли датчиgidан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик машиналарида судрашга қаршилик кучини аниқлаш

Қаршиликнинг симли датчиgidан фойдаланиб, пушта ҳосил қиладиган ишчи қисмни судрашга қаршилигини аниқлашни қўриб чиқамиз. Мисол тариқасида, ғўзапояли далаларда янги пушта ва эгатлар ҳосил қиладиган комбинациялашган агрегат таркибидаги пушта ҳосил қиладиган ишчи қисмни судрашга бўлган қаршилигини аниқлаш талаб этилган бўлсин (5.2.-расм).


Тажрибани бир дона пушта ҳосил қиладиган ишчи қисм билан ўтказиш кифоя. Чунки тажрибада олинган натижани тўртга кўпайтириб, агрегатдаги пушта ҳосиладиган ишчи қисмларнинг судрашга умумий қаршилигини аниқлаш мумкин.



5.2.-расм. Ғўзапояли далаларда пушта ҳосил қиладиган комбинациялашган агрегатнинг қўриниши

Одатда синалаётган ишчи қисмга таъсир этадиган кучларнинг йўналишларидан келиб чиқиб тензобалка ва унинг шакли танланади.

5.3.-расмда кўрсатилгандек тензобалка 2 тайёрланиб, унга датчиклар 3 елимланади. Шунда тензобалка 2 нинг юкориги учи рама 1 га, иккинчи учи эса устун 6 га қўзғалмас қотирилади. Бундай қўриниш Γ шаклидаги тензобалка деб аталади.




1 – күндаланг балка; 2 – тензобалка;
3 – тензодатчиклар; 4 – хомутлар; 5 – пластина; 6 – пуштаолгичнинг устуни;
7 – пуштаолгичнинг қаноти; 8 – ростлаш винти.

5.3. – расм. Пушта ҳосил қиладиган ишчи қисмни судрашга қаршилигини аниқлашда қўлланилган мослама схемаси

Технологик иш жараёнида пушта ҳосил қиладиган ишчи қисмга тупроқ томонидан уни кесишга горизонтал йўналган R_e ва тик йўналган R_m кучлар ва уларнинг вектор йифиндиси бўлган умумий R_{ym} кучлар қаршилик кўрсатади. Демак, ишчи қисмга таъсир этадиган кучлар горизонтал ва вертикал текисликлар бўйича йўналган бўлса унинг қийматини аниқлаш учун Γ шаклидаги тензобалка 2 дан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Шунда умумий R_{ym} куч таъсирида тензобалка 2нинг пастки қисмидаги датчик 3лар балканинг чўзилишдаги деформацияланишини аниқлашга хизмат қиласди.

Ускунада тензобалка 2нинг бир учи рамага хомутлар 3 ёрдамида қўзғалмас қотирилади, иккинчи учига эса илмоқ 7 орқали ДПУ-01-2 русумли пружинали динамометр 8нинг биринчи учи уланади. Динамометрнинг иккинчи учи троc орқали резбали болт 9га уланади. Резбали болт 9 рамага тешиб ўтказилиб, гайка билан тортиб, тарангланади (расмда кўрсатилмаган). Динамометрни танлашда ишчи қисм бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларда аниқланган қаршилик кучининг микдори мўлжал сифатида

қабул қилинади.



1-рама; 2-тензобалка; 3-хомут; 4-датчиклар елимланган жой; 5-датчикни улаш симлари; 6-устун; 7,9-илмоқлар; 8-динамометр.

5.4.-расм. Лабораторияда тайёрланган махсус тарировка ускунасининг кўриниши

Тарировка қилишдан мақсадни куйидагича изоҳлаш мумкин: дала тажрибасида ишчи қисм ишчи ҳолатда бўлди, яъни эгат ва пушта ҳосил қилди.

Бунда тупроқ ишчи қисмни ҳаракатланишига қаршилик кўрсатди. Тупроқнинг қанча куч билан қаршилик кўрсатгани эса номаълум. Бизга фақатгина «ЭМАП» (ИП-173) кичик ўлчамли электрон аппаратига ёзиб борилган қийматлар маълум холос. Ана энди лаборатория шароитидаги жараёнга тескари жараён амалга оширилади. Дала тажрибасидан олинган маълумотлар тарировка коэффициентига кўпайтирилди ва тупроқ қаршилик кучининг ҳақиқий қиймати олинди.

Тарировкалашни ўтказилиш тартиби куйидагича кечади: У ДПУ-01-2 русумли пружинали динамометр 8 ёрдамида, устун 6 ни тортиш кучи босқичма - босқич оширилади. Бу трос 9 ни учига уланган гайкани бураш орқали амалга оширилади. Шунда биз куч миқдорини ёзиб борайверамиз, аппарат эса унга мос қийматларни кўрсатиб борайверади. Шундай қилиб,

қаршилик кучи миқдори ва унинг аппаратдаги қиймати орасида боғланиш пайдо бўлади. Бу боғланиш тарировка коэффициенти дейилади.

Тажрибани амалга ошириш учун дастлаб маҳсус қурилма ясалади (5.5-расм). Ушбу қурилмада бир дона пушта ҳосил қиласидиган ишчи қисм датчик елимланган маҳсус тензобалка ва устун ёрдамида рамага бириктирилади (5.5-расм).



5.5-расм. Пушта ҳосил қиласидиган ишчи қисмни судрашга қаршилигини аниқлаш учун тайёрланган маҳсус қурилма

Даладаги кўп тақорорийдаги тажрибалар тугатилгач, аппарат датчиклардан ажратилади. Тупроқ томонидан ишчи қисмга кўрсатилган қаршилик кучларининг миқдорини аниқлаш жараёни лабораторияда давом эттирилади. Бунинг учун лабораторияда аппаратда ёзиб борилган рақамлар тарировка коэффициентига кўпайтирилиб, ишчи қисмни судрашга қаршилигининг ҳақиқий қиймати аниқланади.

Комбинациялашган агрегат, плуг ва шу каби осма машиналарнинг судрашга тўлиқ қаршилигини аниқлаш учун трактор осма қурилмасига ўрнатилган бармоқлардан фойдаланилади. Бунинг учун марказий ва бўйлама ўнг ва чап тортқиларга датчиклар ўрнатилган маҳсус бармоқлар тайёрланади (5.6-расм)



a – юқориги ҳамда *b* – пастки ўнг ва чап тензобармоқлар

5.6–расм. Тензобармоқлар

Машинанинг судрашга қаршилиги 5.6-расмда келтирилган тензометрик бармоқларни осма қурилмага ўрнатиб аникланди.

Тажрибаларни ўтказишдан олдин ва ўтказиб бўлингандан кейин тензобармоқлар тарировка қилинади. Тензобармоқлар 40Х русумли пўлатдан тайёрланиб, уларга тензокаршиликлар кўприк усулида елимланади. Бунда пастки ўнг ва чап тензобармоқларга 0-10 кН оралиқда 1,0 кН интервал билан юқориги тензобармоққа 0-5 кН оралиқда 1,0 кН интервал билан юкланишлар берилади. Тензобармоқларни тарировка қилишда ДОСМ-Ш-5 намунавий динамометрдан фойдаланилди.

Тарировкада олинган маълумот бўйича тарировка коэффиценти аникланади. Сўнгра тажрибаларда олинган маълумотлар тарировка коэффицентига кўпайтирилди ва тупроқ қаршилик кучининг ҳақиқий қимати аникланди.

Тензометрия ўтказишда тензобалкадан чиқаётган сигналларни қайд этиш учун ЭМАП ИП-173 ўлчаш аппаратурасидан фойдаланилди.

5.7-расмда махсус қурилмада тензобармоқларни тарировка қилиш жараёни тасвирланган. Тарировкалаш қурилмаси рама 1, резвали тортқи 2,

ДОСМ-III-5 русумли динамометр 3, тарировкалаңаётган бармоқ, тарировкалаңиши керак бўлган бармоқлар.



5.7-расм. Тензобармоқларни тарировка қилиш жараёни қўриниши

5.7-расмда келтирилган комбинациялашган агрегатни судрашга қаршилигини аниқлаш бўйича олинган натижалар 5.1-жадвалда келтирилган.

5.1-жадвал

Тензодатчили бармоқларда аниқланган кучлар миқдори

| T/p. | (А) Пастки ўнг бармоқ кўрсаткичлари, Н | (С) Пастки чап бармоқ кўрсаткичлари, Н | (Е) марказий бармоқ кўрсаткичлари, Н |
|--------------|---|---|---|
| 0 | 16 | 4 | 16 |
| 1. | 13370,4 | 7815,1 | 13822,6 |
| 2. | 11718,0 | 7688,5 | 12576,3 |
| 3. | 12646,8 | 6074,9 | 13987,4 |
| 4. | 14526,0 | 6415,0 | 10145,5 |
| 5. | 13294,8 | 5070,3 | 11309,4 |
| 6. | 10119,6 | 6454,5 | 11608,1 |
| ўр- тacha | 12612,6 | 6586,4 | 12241,5 |

Тажрибалар тақрорлиги агрегатнинг ҳар бир ўтишида 6 марта.

Судрашга қаршилик кучи миқдори пастки бармоқлар кўрсатган қийматлар йиғиндисидан марказий бармоқ қиймати айриб аниқланади.

5.1-жадвал бўйича ҳисобланганда, комбинациялашган агрегат 6,5 км/соат тезликда ҳаракатланганда, уни судрашга кўрсатиладиган қаршилик кучи ўртача 18,3 кН ни ташкил этди.

Ушбу комбинациялашган агрегат томонидан кўрсатиладиган қаршилик кучини енгіб, уни судраш учун трактордан талаб этиладиган қувват

$$N = \frac{Pv}{735} = \frac{18268 * 2,5}{735} = 62 \text{ o.k} = 46 \text{ kNm}$$

Ифодадаги P -агрегатни судрашга тупроқ томонидан кўрсатиладиган қаршилик кучи, Н;

v -агрегатнинг тезлиги, м/с.

735 – қувватни от кучи орқали ифодалаш учун келтириш қиймати, яъни $75 \times 9,81 = 735$ (о.к. \times м/с²) эканлигидан фойдаланиб,

$$1 \text{ o.k.} = 75 \frac{\text{кг} \times \text{м}}{\text{с}} = 75 \times 9,81 \frac{\text{кг} \times \text{м} \times \text{м}}{\text{с} \times \text{с}^2} = 735 \frac{\text{Н} \times \text{м}}{\text{с}}$$

ёки математик боғланишлар орқали ҳам қуидагича ифодалаш мумкин, механик қувват

$$N = \frac{A}{t}$$

механик иш эса

$$A=F \times S,$$

еканлигини эътиборга олиб,

$$N = \frac{F \times S}{t} \left(\frac{H \times m}{c} \right)$$


ушбу ўлчов бирлиги эса Ват деб юритилади ва Вт билан белгиланади.

бунда S – босиб ўтилган масофа, м.

5.3. Датчик (тензодатчик ёки тензорезистор)нинг конструкцияси

Датчик (тензодатчик ёки тензорезистор)ларнинг конструкцияси симдан, фолга ёки яримўтказгичли материалдан ташкил топган, юпқа қофозга ёки лок

пленкасига енимланган ва симлар пайвандланган мисли ўзакка эга бўлади (5.8-расм).




5.8-расм. Симли (а), фолгали (б) ва яримўтказгичли (в) тензорезисторларнинг тузилиш схемалари

Ноэлектрик қийматларни ўлчашда қўлланиладиган тензоўзгартичларнинг параметрлари кўп жиҳатдан тадқиқ этиладиган объектга қўлланиладиган елимни танлашга ва унинг сифатига боғлиқ бўлади.

Намлик ўта баланд бўлган шароитларда тензорезисторларни қўллашда ҳар хил локлардан тайёрланадиган қопламалардан фойдаланилади. Бундай қопламалар тензорезисторларни механик лат ейиш ва изоляция қаршилигини ўзгараслигини таъминлаш масадида қўлланилади. Нормал шароитда тензорезистор елемланган изоляция қаршилиги 100 МОмдан кичик бўлмаслиги керак.

Деформация туфайли елемланган тензорезисторларнинг қаршилигини ўзгариши одатда Омнинг ўндан биридан ортмайди. Бундай қаршиликларни ўлчаш учун кўп ҳолларда кўприк занжири (мостовая схема) қўлланилади.

Механик кучланиш ва босимни ўлчашда одатда иккита тензорезистор елемланиб, кўприкли занжирни ўз ичига олади (5.9-расм). Бу ўзгартиргич сезгирилигини оширишга ва занжир параметрининг иссиқлик даражасини меъёрда бўлиш заруратидан келиб чиқади. Иккита тензорезисторларни ўлчанадиган кучланишнинг таъсир қилиш ўқи бўйича елемлашда ўлчов занжирининг сезгирилиги икки марта ортади, битта тензорезисторни иссиқлик даражасидан қаршилигининг ўзгариши эса иккинчи тензорезисторнинг қарама қарши қаршилигининг ўзгаришидан қопланади (компенсацияланади).




5.9-расм. Тензорезисторларни кўприкли схема билан улаш

Елимланган тензоўзгарткичлардаги ноаниқликлар (четланишлар)нинг пайдо бўлишининг асосий сабаби - уларни даражалашдаги хатоликлардир.

Тензорезисторларни тайёрлаш учун константан, нихром, никель, висмут ҳамда кремний ва германийлардан фойдаланилади. Юқорида келтирилган материаллардан энг катта тензосезувчанлик коэффиценти яримўтказгичли тензорезисторларга мансубдир.


Серияда ишлаб чиқариладиган тензодатчиклар 30 Омдан 3 кОм гача қаршиликка эга бўлади. Типавий қийматларда 120 Ом, 350 Ом ва 1 кОм бўлади. Бунда константан (45% Ni, 55% Cu), платина ва унинг қотишмаси, нихром (80% Ni, 20% Cr), манганин (84% Cu, 12% Mn, 4% Ni), никель ва бошқалар тензорезисторларнинг материаллари сифатида хизмат қиласи.

Қишлоқ хўжалик машиналари ва агрегатларида механик кучланиш, босим ва тортиш қаршиликларни ўлчаш учун эгилувчан (қовушқок) элементлар қўлланилади. Бундай элементларнинг ўзгарткичлари эгилувчан (қовушқок) халқалар бўлиб, ички юзасига тензорезисторлар елимланган бўлади (5.10-расм). Бундай элементларнинг коплекти тортиш қаршиликларини 10^3 (1000) нютондан 10^6 (1000000) Ньютонгача ўлчаш имконини беради.



5.10-расм. Эгилувчан (қовушқоқ) халқасимон элемент

Босимларнинг тензометрик ўзгарткичларида мембрана қўринишидаги **эгилувчан (қовушқоқ)** элементлар қўлланилади (5.11-расм). Бундай ўзгартиргичларнинг 1 корпусида 3 тензорезистор елимланган 2 мембрана ўрнатилган. Юқори сезгирилик учун тензорезисторнинг шакли ва ўлчамлари мембрана диаметрига мос келиши керак. Бундай ҳолларда мембрана иложи борича кичик диаметр ва қалинликда бўлиши керак.




5.11-расм. Тензорезисторли босим ўзгартиргич

Тензорезисторли босим ўзгарткичлар абсолют босимни 0 дан 2,5 МПа гача ўлчаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги машина ва агрегатлари валидаги буровчи моментлар худди шундай тензорезисторлар ёрдамида ўлчанади. Бунда тензорезисторлар кучланишнинг таъсир этиш чизиги бўйича валга елимланади.

Вал ясовчисининг параллел ва перпендикуляр йўналишларида факат силжишга деформация таъсир этади (5.12-расм).




5.12-расм. Буровчи моментни ўлчашда тензорезисторларни елимлаш схемаси

Буровчи момент узатилаётганда буровчи кучланишнинг энг катта қиймати валнинг кўндаланг кесимида ясовчисига нисбатан 45^0 бурчак остида жойлашганда аниқланади.

5.4. ТЕНЗОРЕЗИСТОРЛАРНИ ЎЛЧАНАЁТГАН ОБЪЕКТГА ЕЛИМЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ


5.4.1. Ўлчаш шароитини инобатга олган ҳолда ва ўлчанадиган объектга қараб тензорезисторнинг мақбул типи танланади.



Одатда тензорезисторлар асослари полiamид каби эгилувчан (қовушқоқ) материаллардан тайёрланади. Юқори иссиқлик даражадаги типлари учун метал ва керамик асосли бўлиши мумкин.

Сезир элементнинг узунлиги (базаси) ихтиёрий бўлиши мумкин. Энг ками билан 0,2 мм ва энг кўпи билан 120 мм.


5.4.2. Объектнинг тензорезистор елимланадиган юзасидан краска, занг, мой ва чанг пухталик билан тозаланади (5.13-расм)



5.13-расм. Объектнинг тензорезистор елимланадиган юзасидан ранг, занг, чанг ва мойни тозалаш

Тензорезистор елимланадиган объект юзаси қум қофоз билан краска ва занклардан тозаланади. Юзадаги мой ва чанкларни кетказиш учун тозаловчи реагентлар (масалан кимёвий тоза ацетон) қўлланилади.


5.4.3. Елим томчиси тензорезисторнинг асосига томизилади



СС-33А (цианакрилат) типидаги елим қўлланишда қулай ҳисобланади. Бу елим тензорезисторни объектга оддий ва тез елимлаш имконини беради (СС-33А типидаги елимда бажариладиган операциялар инструкциясида келтирилган).

Елим томчиси тензорезисторнинг елимланадиган асосига суртилади.


5.4.4. Тензорезистор аввалдан ўрнатилиши белгиланган жойга жойлаштирилади



Покизалик билан марказ панжарасини белгиланган жойнинг маркази бўйича тензорезистор ўлчанадиган объектга силжитиб жойлаштирилади.


Объектнинг елимланадиган жойи ингичка инструмент билан ўлчаш жараёнига кам таъсир этадиган даражада белгиланиши керак.

5.4.5. Объектнинг белгиланган жойи юзасига тензорезистор бармоқ билан босилади




Тензорезистор юзасига полуэтилин пленкаси жойлаштириб, бармоқ билан маҳкам босилиб, ўртacha бир дақиқа ушлаб турилади. Сўнгра пленка олиб ташланади. Тензорезистор маҳкам елимланганлигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, унинг белгиланган марказдан силжиб кетган ёки кетмаганлиги текширилади. Сифатли елимланганликни билдирувчи белги – бу тензорезисторнинг ҳамма томонидан бир хил чиққан ортиқча елим бўлади.

5.4.6. Тензорезисторнинг ташқарига чиққан симини ўлчайдиган монтаж кабел сими билан улаш



Максус жихозланган тензорезисторларнинг чиқарилган симларини улаш тез ва сифатли амалга оширилади. Одатда статистик ўлчашларда 3 симли изоляцияланган кабеллар, динамик ўлчовлар учун эса экранли кабеллар қўлланилади.



5.14-расм. Қишлоқ хўжалиги машиналари ишчи қисмларининг судрашга қаршилигининг ташкил этиувчилари ва буровчи моментни ўлчашда тензорезисторларни елимлаш ва ярим қўприкли уланиш схемалари

Топшириқлар

- Илмий тадқиқот ишларида қўлланиши мумкин бўлган тензометрия усулларини аниқланг.
- Танланган тензометрия усулини жорий этиш учун аниқланадиган параметрлар учун қурилма схемасини ишлаб чиқинг.
- Танланган тензометрия усули учун аниқланадиган катталиклар рўйхатини тузинг.
- Катталикларни ҳақиқий қийматини аниқлеш учун тарировка қилиш усули ва қурилмасини тавсия этинг.
- Тензометрик қурилмаларнинг илмий тадқиқот иши учун янги намуналари ёки оригинал усулларини тақдим этинг.

6-§. СОЧИЛУВЧАН УРУҒЛАРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ВА АЭРОДИНАМИК ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР


Парусли классификаторлар яратилгунига қадар бобо дехқонларимиз донни унга нисбатан вазни енгил бўлган ҳар хил хас-чўплардан ажратиб олиш усулинини билишган ва ундан самарали фойдаланишган. Бу мақсадда улар табиий шамолдан фойдаланишган. Тўғри, бу усулнинг иш унуми ва сифати паст бўлган. Лекин шу усулдан фойдаланиб, оила эҳтиёжи учун етарли миқдордаги буғдой донини шамолда тозалаб олишганлиги 1950-1960 йилларгача давом этганлиги кузатилган. Ушбу усулни техника воситалари ёрдамида амалга ошириш учун олимлар қишлоқ хўжалиги техникаларига мўлжалланган вентиляторларни, яъни шамол ҳосил қиласидиган қурилмани лойихалашди.

Бироқ, талабаларнинг лаборатория шароитида фойдаланишлари учун мўлжалланган парусли классификаторлар кенг кўламда ишлаб чиқарилмаган. Юқоридагиларни инобатга олиб, факултетимиз магистри Козим Ўралов томонидан магистрлик диссертация ишида лаборатория шароитида ҳаво оқими таъсирида донли аралашма таркибидан турли хил бошқа фракцияларни ажратиб олиш, доннинг муаллақлик (критик) тезлигини аниқлаш имконини берадиган қурилманинг тажриба нусхаси ясалди.

Сочилувчан уруғлардан бири буғдой донининг физик-механик хоссаларини ўрганиш ва аниқлаш уларнинг ўлчамларини аниқлашдан бошланади.

6.1. Донни ўлчамлари бўйича тавсифи. Ўлчамлар. Бир турдаги ўсимлик уруғи ўлчамлари бошқасиникига нисбатан кескин фарқ қиласиди. Бу ҳолат ҳаттоқи битта турдаги ўсимликларда ҳам кузатилади.

Уруғларни, жумладан донни фракцияларга ажратиш ёки уни ҳар хил бегона ўсимлик донларидан тозалаш принципи ана шу фарқ (хосса)га асосланган. Ҳар қандай ўсимлик дони (урұғлиги) узунлик l , кенгликтік b ва қалинлик d га эга. Бұғдой донининг ўлчамлари 6.1-расмда көлтирилген.



6.1-расм. Бұғдой дони ўлчамлари

Биламизки, барча уруғларнинг ўлчамлари бир хил бўлмайди, бу табиий ҳол (6.1-жадвал). Шу сабабли, ўлчамларнинг ўзгарувчанлигини аниқлайдиган кўрсаткич сифатида ўлчам тавсифи қабул қилинган. Бу кўрсаткич вариация қатори ёки вариация эгри чизиқлари кўринишида ифодаланади. 6.1-жадвалда асосий экинлар донларининг ўлчамлари көлтирилган.

6.1- жадвал.

Асосий экинлар донларининг ўлчамлари

| Дон номи | Узунлиги ўртача, | | Кенглиги ўртача, | | Қалинлиги ўртача, | |
|----------|------------------|----------|------------------|----------|-------------------|----------|
| | M | σ | M | σ | M | σ |
| Бұғдой | 6,1 | 0,51 | 2,8 | 0,3 | 2,5 | 0,26 |
| Арпа | 9,0 | 0,7 | 3,3 | 0,29 | 2,5 | 0,3 |
| Сули | 11,5 | 1,7 | 2,5 | 0,3 | 2,1 | 0,28 |
| Жавдар | 7,3 | 0,75 | 2,5 | 0,24 | 2,2 | 0,25 |

Вариация қаторини ёки эгри чизигини қуриш учун 300-500 та донни (узунлиги, эни ва қалинлиги) бўйича ўлчашлар ўтказилади. Олинган натижалар гуруҳлар бўйича тақсимланади.

6.1.1. Гуруҳлаш оралиғи λ нинг маъноси гурухга ажратилган ўлчамнинг юқори ва пастки чегарасини аниқлаш ва қабул қилиш билан изоҳланади. Масалан, буғдой ва арпанинг қалинлиги бўйича 0,2, кенглиги бўйича 0,3 ва узунлиги бўйича 0,4 мм четга чиқиш қабул қилинган. Гуруҳлар сони қуидагича аниқланади: дастлаб доннинг узунлиги бўйича l_{max} ва l_{min} аниқланилади, кейин эса уларнинг айирмаси гуруҳлаш оралиғи λ га бўлинади. Одатда гуруҳлар сони 10 тадан кам бўлмайди,


$$m = \frac{l_{max} - l_{min}}{\lambda}$$

Биринчи гурухга узунлиги l_1 дан $l_1 + \lambda$ гача, иккинчи гурухга $l_1 + \lambda$ дан $l_1 + 2\lambda$ гача, учинчи гурухга $l_1 + 3\lambda$ гача ва шу тариқа гуруҳлар сонини аниқлаш давом эттирилади.

6.1.2. Частота. Айтайлик танланган гуруҳдаги белгиланган донлар сони, узунлиги бўйича n_i та ёк 2 дона бўлсин. Шу гуруҳдаги донларнинг умумий сони N та бўлсин. Шунда ушбу гуруҳдаги донларнинг узунлиги бўйича частотаси,

$$p_i = \frac{n_i}{N}$$

Вариация эгри чизигининг кўринишига мисол тариқасидаги график 6.2-расмда келтирилган.




6.2-расм. Арпа дони узунлигининг үзгарувланылғанын вариациялаш әгри чизиги күриниши

Умуман олганда, ўлчамлар мода, медиана ва ўртача қийматлари бўйича фарқланади.

Мода-деганда частотаси барчасига нисбатан энг юқори бўлган гурӯҳ тушунилади (2-расмдаги 9,8). Медиана, оддийроқ қилиб ифодаланганида барча қаторларни иккига бўладиган қийматга айтилади.

6.1.3. Донлар қалинлиги бўйича хам сараланади. Бунда дон узунлигининг аҳамияти йўқ (6.3-расм). Бу мақсадда чўзинчоқ тешикли ғалвирлардан фойдланилади.

Ушбу жараёнда эни c бўлган тешиклардан фақатгина қалинлиги δ дан кичик ўлчамдаги донларгина ўта олади. Ҳар доим дон b кенглигининг қиймати, унинг қалинлиги δ га нисбатан катта бўлганлиги сабабли улар тешикдан ўта олмайди.




$$\delta < c < b \text{ ва } l < L$$

6.3-расм. Уруғларни қалинлиги бўйича фракцияларга ажратишида ғалвир ўлчамлари

Бу жараён донларни кенглиги (эни) бўйича фракцияларга ажратиш, яъни саралашни тўлиқ таъминлайди.

6.1.4. Донлар кенглиги бўйича думалоқ тешикли ғалвирларда ажратилади. Ушбу жараёнда диаметри d бўлган тешиклардан фақатгина кенглиги b дан кичик ўлчамдаги донларгина ўта олади. Дон думалоқ шаклдаги тешикдан bemalol ўтишига унинг узунлиги l ва қалинлиги δ тўсқинлик қилмайди (6.4-расм).



$$b < d < l$$

6.4-расм. Донни узунлиги l ва қалинлиги δ бўйича фракцияларга ажратишида ғалвир ўлчамлари

Донлар чўзинчоқ ва думалоқ шакллардаги тешиклардан ўтказилиб, ажратилиш жараёни ғалвирларни тебранма харакатлантириш орқали бажарилади. Ғалвир иш режими шундай танланиши лозимки, жараёнда дон кўп марта ва турлича ҳолатларда тешик билан учрашиши таъминлансин, бунинг учун дон массаси юпқа қатламли бўлиб, ғалвир сиртида текис силжиб харакатлансин.

6.1.5. Доннинг абсолют массаси. Бу кўрсаткич 1000 дона доннинг массаси ҳисобланади. Бу кўрсаткич доннинг сифати, ҳосилдорлиги ва ғалла комбайни ёки унинг жаткаси томонидан донни йўқотилишини тавсифлайди. Доннинг абсолют массасини билишнинг амалиётда қўллашга эҳтиёж бўлган даврларига тўхталамиз.

Ғалазор бўйлаб олдиндан ясалган, юзаси 1 м^2 га teng бўлган рамкалар, ғалла комбайни иш кенглиги бўйича жойлаштирилади. Комбайн ўтиб бўлгач, рамка ичидағи донлар сони санаб аниқланади. Доннинг абсолют массасини билган ҳолда, рамкадаги донларнинг массаси аниқланиб, комбайн томонидан йўл қўйилган нобудгарчиликхисобланади.

Айтайлик, доннинг абсолют массасини билган ҳолда, комбайн томонидан нобудгарчилик миқдорини аниқлаш зарурати пайдо бўлди. Хирмонга топширилган дон миқдори 60 тонна ёки 600 центнер ва ғалазор 10 гектар эканлигини билиб, ҳосилдорликни 600 центнер/10 гектар=60 ц/га teng эканлигини аниқлаймиз. 1000 дона доннинг массаси 30 г бўлсин. Юзаси 1 м^2 бўлган рамкадаги донлар сони 120 дона бўлсин, яъни 120 дона/ м^2 . Бир гектар майдон $100\text{m} \times 100\text{m} = 10000 \text{ м}^2$ эканлигини эътиборга олсак $120 \text{ дона} \times 10000 \text{ м}^2 = 1200000 \text{ дона/га}$.

1200000 дона доннинг массасини аниқлаймиз,

$$\left\{ \begin{array}{l} 1000 \text{дона} - 30\text{г} \\ 1200000 \text{дона} - X\text{г} \end{array} \right. X\text{г} = \frac{1200000 \text{дона} \times 30\text{г}}{1000 \text{дона}} = 36000\text{г} = 36\text{кг} = 0,36\text{ц}$$

Йўқотилган дон миқдори

$$\left\{ \begin{array}{l} 60\text{ц} - 100\% \\ 0,36\text{ц} - X\% \end{array} \right. X\% = \frac{0,36\text{ц} \times 100\%}{60\text{ц}} = 0,6\%$$

Агротехник талаблар бўйича ғалла комбайнлари томонидан йўқотиладиган дон миқдори бир фоизгача рухсат берилганлигини инобатга олсак, аниқланган кўрсаткич меъёрида эканлигини пайқашимиз мумкин.

Шу ўринда бошоқли донли экинлардан маккажухори донининг 1000 донасининг абсолют массаси-150-200 г; нұхатники-100-200 г; гречиханики-15-25 г. Уруғларнинг абсолют массаси уларни экадиган сеялкалар бункерининг ҳажмини ва бирлик майдонга экиладиган уруғлар сонини ҳисоблашда ҳам қўлланилади.

6.1.6. Ҳажмий масса. Бу кўрсаткич 1 литр стандарт ҳажмдаги доннинг массаси ҳисобланиб, Пурка деб номланган маҳсус асбоб ёрдамида аниқланади. Шунингдек ҳажмни тўлдириш коэффициенти билан тавсифланади $K_{Пл}$ (зичлик)

$$K_{Пл} = \frac{Q}{T}$$

бунда Q -аниқланадиган доннинг табиий миқдори, г/л;

T - аниқланадиган доннинг назарий миқдори, г/л;

Аниқланадиган экин донининг табиий миқдорини олишда ҳажмий массанинг максимал қиймати олинади, чунки идишни уруғ билан тўлиш коэффициенти доимо бирдан кичик бўлади, яъни $Q < 1$. Бошоқли экин донлари учун $K_{Пл}=0,60-0,65$ га тенг. Масалан, буғдойнинг ҳажмий массаси 700-800 г/л, маккажўхори дони учун 700-850 г/л.

6.1.7. Дон зичлиги. Доннинг зичлиги-уруғлар массасининг улар жойлаштирилган идиш ҳажми нисбатига қабул қилинган. Одатда доннинг зичлиги $400-500$ кг/ $м^3$ оралиғида ўзгаради, нұхатники юқорироқ бўлиб 800 кг/ $м^3$ гача бўлади. Донларнинг зичлигига уларнинг намлиги ва идишдаги бўшлиқлар миқдори таъсир кўрсатади. Бу кўрсаткичлар комбайннинг бункери ҳажми, автомашина юк кўттарувчанлиги ва шу кабиларни ҳисоблашда эътиборга олинади.

Юқорида келтирилганлар, яъни 1000 дона доннинг абсолют ва ҳажмий массаси ҳамда зичлиги унинг сифат кўрсаткичларини белгилаб, шуларга асосан доннинг категорияси ва нархи баҳоланади.


6.1.8. Донларнинг механик мустаҳкамлиги.

Донларнинг бу хоссаси кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналарига тегишли бўлиб, айниқса ғалла комбайнлари болғалаш аппарати ишида алоҳида эътибор талаб этиладиган жараён ҳисобланади. Чунки бу жараёнда донларни эзилиши ва микрошикастланишлари кузатилади. Натижада уруғликка мўлжалланган доннинг кўкариб чиқиши камаяди, бундан ташқари сифат кўрсаткичлари пасаяди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида донга механик таъсирнинг кўплаб усуллари учрайди. Улардан донларни мақсадли равишда эзиш жараёнлари ҳам мавжуд масалан, донни эзигб ун ҳосил қилиш, донни майдалаш ва ошлаш кабилар махсус равишда бажарилади. Механик таъсир кўсатишнинг салбий оқибатлари масалан, болғали барабан иши, шнекда доннинг силжиб узатилиш ва занжирли узатмалар ҳаракатида кузатилади.

Дон бўйича олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, донни майдалаш учун талаб этиладиган куч, унинг пишиб етилганлигига боғлиқ экан. Дон қанчалик пишиб етилган бўлса, уни майдалаш учун шунчалик кўп куч талаб этилар экан.

Донни янчишнинг қуидаги кўринишлари кўп учрайди:




a-шнек ва занжирли узатмаларда эзилиши; *b*-майдаланиши; *c*-кесиш (қайчи сингари); *d*-ташқи зарба (болғалаш аппарати ургичлари); *e*-эркин зарба; *e*-ишқалаш

6.5-расм. Донни янчишнинг турлари

Маккажўхори дони сут-ғўралик даврида 20-30 Н куч таъсирида майдаланса, пишган даврида эса 180-200 Н куч талаб этилади. Майдалаш

кучининг қиймати таъсир этувчи кучнинг йўналишига ҳам боғлик. Ушбу ҳолатни писта мисолида кўришимиз мумкин (6.5-расм).



a-узунлиги бўйича куч таъсир кўрсатганда; *b*-кенглиги бўйича куч таъсир кўрсатганда; *c*-қалинлиги бўйича куч таъсир кўрсатганда


6.6-расм. Майдалаш кучининг таъсир этиш ҳолатлари

6.1.9. Донларни бошоқ, қобиқ ва қипиқлар билан боғланганлиги.

Галла вамаккажўхори комбайнларидан фойдаланишда донни бошоқ, қобиқ ва қипиқлардан ажратиш технологик жараёнини амалга ошириш масаласи мавжуд. Ушбу масаланинг ечимини топиш учун улар орасидаги боғланиш тури ва уларни ажратиш учун керак бўладиган куч микдорини аниқлаш талаб этилади.

Тадқиқотларда келтирилишича дон ва унинг қобиғи орасидаги боғланиш мустаҳкамлиги, унинг пишиб етилганлиги, намлиги, ўлчами ва навига боғлик. Мустаҳкалигини аниқлашнинг статик ва динамик усуллари мавжуд. Мустаҳкамликни статик аниқлашда дон ва унинг қобиғи орасидаги боғланишни енгиш кучи аниқланса, динамик усулда эса боғланишни енгиш энергияси ёки бажарилган иш аниқланади.

Доннинг бошоққа боғланиш қучини статик усул билан аниқлаш схемаси 6.7-расмда келтирилган.



6.7-расм. Доннинг бошоққа боғланиш кучини статик усулда аниқлаш схемаси

Статик аниқлаш усулида центрифугадан фойдаланилади, яъни боғланиш кучига марказдан қочирма куч билан таъсир кўсатилади ва қуйидаги ифода билан ҳисобланади

$$P_{m.k.} = a_u \times m = (\omega^2 \times r) \times m = \left[\frac{\omega^2}{g} \right] \times (g \times m) \times r = K \times G \times r$$

бунда G - доннинг оғирлик кучи, Н;

ω - центрифуганинг бурчак тезлиги, 1/с;

r - бошоқдаги дондан унинг марказигача бўлган масофа, м;

g -эркин тушиш тезланиши, м/с²;

K -центрифуга ичидағи муҳит $\frac{\omega^2}{g}$ билан боғлиқ коэффициент.

Статик аниқлаш усули қуйидагича амалга оширилади: центрифуга ичига махсус стаканга бошоқ мустаҳкам ўрнатилади. Сўнgra центрифуга айлантирилади. Айланишлар сони 1000 дан 6000 айл /мин гача етказилади. Тажриба натижаларининг кўрсатишича марказдан қочирма куч 1Н га етганда бошоқдан 80-85 % дон ажралиб чиқади. Куч 2Н га етказилганда бошоқда қолган 10-15 % дон ҳам ажралади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, бошоқ қанчалик пишган бўлса, доннинг бошоққа боғлиқлик кучи шунчалик кичик бўлади.

Тажриба натижалари бўйича битта доннинг массаси $M=0,037-0,045$ г ва $K=3250-5450$ бўлганда $P=1,5-1,9$ Н ни ташкил этади.

Иккинчи усул-динамик таъсирга, яъни зарбага асосланган. Бунда ичига бошоқ бириктирилган стакан юқоридан пастга ташлаб юборилади (8-расм). Бу жараёнда дон ҳаракатининг кинетик энергияси зарба содир бўлганда бошоқдан донни ажралишига сарфланади.

Потенциал энергия

$$P=m \times g \times h$$

бунда mg – оғирлик кучи, Н


h – бошоқдан таянч юзагача бўлган масофа, м.

Моддий нуқта учун энергияни сақланиш қонуни

$$\frac{mv^2}{2} - \frac{mv_0^2}{2} = Gh = mgh = A(uu)$$

$$v_0 = 0 \quad \frac{mv^2}{2} = mgh \\ v = \sqrt{2gh}$$

Тажрибалар аста-секин зарба тезлигини 1,0 м/с дан 18 м/с гача ошириб бориш лозим. Ҳар бир зарбадан кейин бошоқдан ажралган дон стакандан олинади ва тарозида ўлчанади. Ҳар бир тажрибадан кейин улар микдорининг фоиздаги қиймати аниқланади.



6.8-расм. Доннинг бошоқка боғланиш кучини динамик усулда аниқлаш схемаси

Тадқиқотчилар томонидан олиб борган тажриба натижалари бўйича буғдой учун бажарилган иш $(16\text{-}32) \cdot 10^{-4}$ Дж, арпа учун $(13\text{-}97) \cdot 10^{-4}$ Дж.


Намликни пасайиши донни бошоқдан ажралиш ишига сарфланадиган энергияни камайишига олиб келади.

6.1.10. Донни механик шикастланишга бардошлиги. Бошоқли дон экинларнинг гуллаш ва пишиши жуда нотекислиги сабабли массаси, намлиги, ўлчамлари, бошоқ билан боғланиш мустаҳкамлиги турлича бўлади. Натижада уларни бир маромда янчиш имконияти чекланади.

Донларни янчиш даврида айримларини бошоқдан ажратиш 10-20 марталик зарбадан кейин амалга оширилса, айримлари далада бошоқдан шамол таъсирида ҳам тўкилади. Мана шу ҳолат далада донни катта миқдорда йўқотилишига олиб келади. Шунинг учун донни йиғишириш механизация ёрдамида амалга оширилишида ҳамма жойда бир хил навли экиндан фойдаланиш тавсия этилади.


Донни механик шикастланишга бардошлиги унинг мустаҳкамлиги ва янчиш усули билан аниқланади. Бошоқни янчишнинг зарбага асосланган усули донни шикастланишига сабаб бўлади. Айниқса, микрошикастланиш-лар миқдори 50 % гача етиши, донни уруғлик сифатида фойдаланишга яроқлигини пасайтиради. Охир оқибатда дондан униб чиққан ниҳоллар сони кескин пасаяди.

Доннинг микрошикастланиш кўрсаткичини аниқлаш бўйича классификатордан фойдаланилади. Классификаторнинг ишлаши эркин зарбага асосланган. Классификаторнинг конструкцияси донга 6-30 м/с тезлиқда эркин зарба беради. Доннинг шикастланиши бошланишига мос келадиган зарба тезлиги эзилиш Пороги дейилади. Одатда йирик донлар кичигига нисбатан тез шикастланади. Бу кўрсаткич зарбалар сонига боғлиқ бўлиб, улар орасидаги боғланиш 9-расмда келтирилган.



6.9-расм. Дон шикастланишининг зарбалар сонига боғлиқ равишида ўзгариш графиги

6.9 расмда келтирилган графикдан кўриниб турибдики, зарбалар сони ортиб бориши билан, доннинг шикастланиши ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек доннинг шикастланиши унинг намлигига ҳам боғлиқ бўлиб, бу боғланиш 6.10-расмда келтирилган.



6.10-расм. Дон шикастланишининг намликка боғлиқлик равишида ўзгариш графиги

6.10 – расмдан кўриниб турибдики, доннинг намлиги ошиб бориши билан, унинг шикастланиши эгри чизик кўриниши камайиб бормоқда. Бироқ намлик маълум қийматгача етгандан сўнг, уни янада кўпайтириш мумкин эмас.

6.1.11. Доннинг фрикция хоссалари. Дон тинч ва ҳаракатда бўлганда ишқаланиш коэффициентлари

Дон тинч ва ҳаракатда бўлгандағи ҳолатлар орасидаги нисбат қуйидаги боғланиш орқали ифодаланади,

$$F_{\text{дин}} = (0,6 - 0,7)F_{cm}$$

Кўпгина донларнинг ишқаланиш коэффициенти қийматлари 6.2-жадвалда келтирилган.

6.2-жадвал.

| Донлар номи | Ишқаланадиган материал | Ишқаланиш коэффициенти | |
|-------------------|------------------------|------------------------|-----------|
| | | Тинч ҳолатда | ҳаракатда |
| Буғдой | Пўлат | 0,4-0,6 | 0,3-0,5 |
| Арпа | | 0,4-0,6 | 0,3-0,5 |
| Нўхат маккажўхори | Ёғоч | 0,4-0,6 | 0,3-0,5 |
| Сўли | пўлат | 0,5-0,7 | 0,4-0,6 |
| Кунгабоқар | | | |

6.1.12. Ички ишқаланиш коэффициети. Донли экинлар уруғлари учун $f=0,4-0,6$. Маълумки, ички ишқаланиш коэффициенти табиий оғиш бурчаги билан тавсифланади ва у кўп жиҳатдан намликка боғлиқ. Намлик $W=11-15\%$ бўлганда, табиий оғиш бурчаги $34-37^\circ$ ни ташкил этади. Бу бурчакни $f = \tan\alpha$ бундан $f=\tan(34^\circ - 37^\circ)=0,67-0,75$ га tengligini аниқлашимиз мумкин.

6.1.13. Дон намлиги. Маълумки намликабсолют ва нисбий турларига бўлинади. Абсолют намликни аниқлаш ифодаси

$$W_a = \frac{W_h - W_k}{W_k} \times 100\%$$

бунда W_h -дан табиий нам ҳолатда бўлгандағи массаси, кг;

W_k - нам ҳолатда бўлгандағи массанинг қуритилгандаги миқдори, кг.

Доннинг нисбий намлиги қуйидагича аниқланади

$$W_h = \frac{W_h - W_k}{W_h} \times 100\%$$

Нисбий намлик дон бошоқда бўлган даврда 30-80% катта оралиқда ўзгаради.

Одатда буғдой донини йиғиштириш даврида унинг нисбий намлиги 8,0-16% оралиғида, шолиники эса 30% бўлади.

Донни хирмонга тўплашдан олдин унинг намлиги аниқланади. Агарда буғдойнинг нисбий намлиги 14,5% дан юкори бўлса, у некондицион (маромига етмаган) ҳисобланади. Бундай ҳолатда фермердан ортиқча нисбий намлик миқдори учун масса миқдори ва уни қуритиш сарф харажатлари ҳам буғдой массасидан фоиз ҳисобида ушлаб қолинади. Тадқиқот ва амалиётларнинг кўрсатишича буғдойни бир жойдан иккинчи жойга элеватор ёрдамида кўчириш 2% гача унинг намлигини камайтиради.

6.1.14. Донни бошоқдан ўз-ўзидан тўкилиши. Бу ҳолат табиатда мавжуд бўлиб, унда бошоқлар шамол таъсирида бир-бирига тўқнашганда, намлик кескин ўзгарганда ва тун ва қунги ҳарорат кескин фарқ қилганда содир бўлади. Бундан ташқари, буғдойзордаги барча бошоқни бир вақтда пишиб етилмаслиги ва йиғиштириш муддатини ўз вақтида белгилансада, бироқ амалга оширилмаслиги натижаларида ҳам кузатилади. Ана шу келтирилган сабаблар аҳамиятли даражада дон нобудгарчилигига сабаб бўлади.

Дон нобудгарчилигининг ҳосил йиғиштирилгунига қадар бўлган миқдорини аниқлаш учун бошоқдан ўз-ўзидан тўкилганларини бирлик юзадаги қиймати бир граммгача тарозида тортилади. Ҳисоб қуйидаги ифода бўйича бажарилади,

$$M_{T\%} = \frac{M_m}{X_\delta} \times 100\%,$$

бунда M_m – назоратдаги майдончаларда тўкилган дон миқдори, ц/га;

X_δ – назоратдаги майдончалардаги биологик ҳосилдорлик, ц/га.

Ўз-ўзидан тўкилиш миқдорининг абсолют қиймати қуйидаги ифода бўйича аниқланади,

$$M_C = X_B - (X_\Phi + M_{\ddot{u}}),$$

бунда X_Φ – асли(факт) ҳосилдорлик, ц/га;

$M_{\ddot{u}}$ – машина ўтишидан йўқотилган дон миқдори, ц/га.

Ҳосилдорлик йўқотилишининг фоиздаги қиймати

$$M_{\dot{u}\%} = \frac{M_{\dot{u}}}{X_{\phi} + M_{\dot{u}}} \times 100\%$$

6.1.15. Доннинг ифлосланганлиги. Доннинг ифлосланганлиги – унинг таркибидаги ҳар хил бошқа аралашмларнинг фоиздаги миқдори ҳисобланади. Одатда доннинг ифлосланганлиги йиғиштириш комбайнининг бункерида ва элеваторда ва тўкилган сомон тўдасидан намуна олиб аниқланади. Масалан, комбайн бункеридан 100 г намуна олинди, унинг таркибидаги аралашмалар ажратилиб, тарозида ўлчангандаги 10 г бўлди. Доннинг ифлосланганлиги


$$I = \frac{M_u}{M_h} \times 100\% = \frac{10g}{100g} \times 100\% = 10\%$$

Демак, комбайн билан йиғиштириб олинган дон таркибида ҳар хил аралашмларнинг миқдори 10% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич буғдойзорда бегона ўтларнинг миқдори ва улар уругининг пишиб етилганлигига боғлиқ экан.

6.2. Доннинг аэродинамик хоссалари. Қишлоқ хўжалик машиналарида ҳаво оқими донни бошқа аралашмалардан тозалаш, донни саралаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бир жойдан бошқа жойга транспортировкалаш мақсадларида фойдаланилади.

Дон ёки уруғнинг ҳаво оқимиидаги ҳолати унинг аэродинамик хоссалари ва ҳаво оқими кўрсаткичлари билан тавсифланади. Ушбу ҳодисани ўрганиш учун тик ҳаво оқими таъсирида бўлган дон ҳолатини кўриб чиқамиз

6.11-расм.



6.11-расм. Тик йўналтирилган ҳаво оқимиидаги донга таъсир этадиган кучлар схемаси

Пастдан юқорига тик йўналтирилган ҳаво оқимиидаги донга пастга йўналган оғирлик кучи G ва ҳаво тезлиги

йўналиши билан бир хил юқорига йўналтирилган оқим кучи F_k лар таъсир этади. F_k кучни И.Ньютон томонидан ишлаб чиқилган ифода билан аниқлаш мумкин,

$$F_k = K \times \gamma \times S \times (V_\partial - V_x)^2 \quad (6.1)$$

бунда γ – ҳавонинг нисбий массаси, кг/м³;

K – дон шакли ва юзаси миқдорига боғлиқ бўладиган ҳавонинг қаршилик коэффициенти;

S – жисм(дон)нинг миделев кесими, яъни $V_\partial - V_x$ нисбий тезлик йўналишига перпендикуляр йўналган унинг проекцияси, м²;

V_∂ – дон тезлиги, м/с

V_x – ҳаво оқимининг тезлиги, м/с.

Агарда $G > F_k$ бўлган ҳолат кузатилса, дон пастга томон ҳаракатланади ва аксинча $G < F_k$ юқорига кўтарила бошлайди. Шундай ҳолат кузатиладики $G = F_k$ бўлиб, бунда дон муаллақ, яъни пастга ҳам тушмайди юқорига ҳам кўтариilmайди, доннинг тезлиги $V_\partial=0$ бўлади.

Дон муаллақ ҳолатда бўлишига мос келадиган ҳавонинг тезлиги доннинг критик тезлиги ёки учувчанлик тезлиги дейилади, яъни $V_{kp}=V_x$ (6.1) тенгламадан,

$$F_k = G = K \times \gamma \times S \times V_{kp}^2 \quad (6.2)$$

бундан

$$V_{kp} = \sqrt{\frac{G}{K \times \gamma \times S}}, \text{ м/с}$$

(6.2) тенгламанинг ҳар иккала томонини ҳам m га бўлиб,

$$\frac{F_k}{m} = \frac{k \times \gamma \times S}{m} (V_\partial - V_x)^2 \quad (6.3)$$

Кўпгина уруғларнинг миделев кесими юзаси S ва K коэффициентини аниқлаш усулининг мураккаблиги туфайли, битта умумий коэффициентдан фойдаланиш қулай ҳисобланган ва у паруслилик коэффициенти деб аталиб, куйидаги ифода билан аниқланади,

$$K_n = \frac{k \times \gamma \times S}{m} \quad (6.4)$$

Паруслилик коэффициенти доннинг ҳаво оқимига қаршилик кўрсата олиш қобилиятини аниқлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Шундай қилиб, пастдан юқорига йўналтирилган ҳаво оқими таъсирида донни кўтариш кучини аниқлаш учун анча соддалаштирилган ифодага эга бўлдик.

(6.3) ва (6.4) ифодаларни инобатга олсак,

$$F_k = K_n \times m \times (V_o - V_x)^2 \quad (6.5)$$

Агарда

$$F_k = G$$

ва

$$V_d = 0; V_x = V_{kp}$$

бўлса доннинг муаллақ ҳолати таъминланиб, қуйидаги ифода олинади,

$$G = m \times K_n \times V_{kp}^2 \quad (6.6)$$

(6.6) ифоданинг ҳар иккала томонини ҳам m га бўлиб,

$$\frac{G}{m} = g = K_n \times V_{kp}^2 \quad (6.7)$$

(6.7) ифодадан

$$K_n = \frac{g}{V_{kp}^2} \quad (6.8)$$

бунда g -эркин тушиш тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$.

6.3-жадвал.

| Фракцияларнинг номи | Нисбий оғирлиги, $\text{г}/\text{м}^3$ | Муаллақ тезлиги, $\text{м}/\text{с}$ | Учувчанлик коэффициенти, $1/\text{м}$ |
|---------------------|--|--------------------------------------|---------------------------------------|
| | | | |

6.3-жадвалдан буғдойни аралашмадан дастлабки тозалаш учун ҳавонинг тезлиги $V_x=6,0-7,0$ $\text{м}/\text{с}$ бўлса, аралашма таркибидаги чанг, қипик ва шунга ўхшаш енгил чиқиндилар юқорига кўтарилиб ажратиб олинади.

Ҳавонинг тезлиги $V_x=7,5-8,0$ $\text{м}/\text{с}$ бўлса, аралашма таркибидан меъёрида пишган буғдойдан бошқа пуч буғдой ва барча бегона нарсалар ажралиб чиқиб кетади.

Ҳавонинг тезлиги $V_x=12,5-13,0$ $\text{м}/\text{с}$ га етганда буғдой ҳаво оқими таъсирида бир жойдан иккинчи жойга транспортировка қилинади.

Донли экинлар донларини учирис тезлиги 8,0-17 м/с, жумладан буғдойники - 8,0-11,5 м/с, сулиники 8,1-9,01 м/с нұхатники -16,0-17,0 м/с.

Донлар учун ҳавонинг қаршилик күрсатиш коэффициенти 0,04-0,3 учувчанлик коэффициенти эса 0,7-0,15 оралиғида ўзгаради.

6.2.1. Дон аралашмасидан донни ажратиб олиш ва унинг муаллақлик тезлигини аниклаш

Машғулот ўтказишдан мақсад: ҳаво оқими таъсирида донли аралашма таркибидан донни ажратишиш ва унинг муаллақлик тезлигини аниклашни талабаларга ўргатиши.

Керакли жиҳоз ва асбоб-ускуналар.

1. Ўлчаш аниқлиги 0,01 г гача бўлган электрон тарози.
2. Массаси камида уч кг буғдойли аралашма.
3. Сигими 3 л бўлган уч дона идиши.
4. Кучланиши 220 В бўлган энергия манбаи.

Машғулотни олиб бориш тартиби:

1. Доннинг физик-механик ва аэродинамик хоссалари бўйича умумий маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқ;
2. Дон аралашмасидан донни ажратиб олиш ва унинг муаллақлик тезлигини аниклашга мўлжалланган қурилма тузилиши ва иш принципини ўрганиш;
3. Косачасимон анимометрдан фойдаланиб, ҳаво оқимининг тезлигини ўлчашни ўрганиш;
4. Дон (буғдой)нинг муаллақлик тезлигини аниклаш;
5. Лаборатория иши бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Донли аралашма таркибидан дон (буғдой)ни ажратадиган ва унинг муаллақлик тезлигини аниклашга мўлжалланган лаборатория қурилмаси асос, вентилятор, шаффофф қувур, ғалвир, анемометр, тўр, электр токини қўшиб-ажраткич ва электр манбаидан ташкил топган (6.12-расм).

Лаборатория тажрибасини ўтказишга тайёргарлик.

Донли аралашмадан тарозида бир кг ўлчаб олинади. Қурилмадан ғалвир олиниб, унга аралашма тўкилади ва ғалвир жойига қўйилади. Тўрнинг жойидалиги ва мустаҳкам бириктирилганлиги текширилади. Шундан кейин қурилма электр токига қўшгич-ажратгич ёрдамида уланади.

Қурилмадан фойдаланиш тартиби:

Қурилмадан фойдаланиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда донли аралашма таркибидан дон тозалаб олинади.

Биринчи босқичда тажриба 3-5 минут оралиғида давом эттирилади. Бу вақт давомида аралашма таркибидаги барча хас-чўп, қипик ва сомон парчаларини ҳаво оқими шаффоф қувур бўйича юқорига кўтариб, уларни тўрда тўплайди. Бу жараённи кўз билан бевосита кузатиш имконияти мавжуд. Кузатиш давомида хас-чўп, қипик ва сомон парчаларини қолмаганлигига ишонч ҳосил қилингач, қурилма электр токидан қўшгич-ажратгич ёрдамида ажратилади.


Тўрда тўпланган хас-чўп ва бошқа аралашмалар бирор идишга солинади ва тарозида ўлchanади. Сўнgra ғалвирда қолган дон ҳам тарозида ўлchanади.

Тўрдаги аралашма ва ғалвирдаги дон массаларининг йигиндиси бир кг бўлиши текширилади.

Тажрибанинг **иккинчи босқичида** тоза доннинг муаллақлик тезлиги аниқланади. Бу тажрибани ўтказиш учун шамол тезлигини ўлчайдиган асбоб-анемометр ишга туширилади.

Лаборатория машғулотида фойдаланилаётган анемометр тўғрисида маълумот берамиз.

Русуми МС-13 бўлган косачасимон анемометр саноат шароитида ва метеорологик станцияларда ўртacha тезликлардаги шамол тезлигини ўлчашга мўлжалланган.



1-асос; 2-вентилятор; 3-шаффоф
қувур; 4-ғалвир; 5-анимометр; 6-түр;
7-қўшиб-ажраткич; 8-электр манбаи

6.12-расм. Лаборатория қурилмасининг схемаси

6.13-расм. Лаборатория қурилмасининг кўриниши

Техник тавсифи.


- ҳаво оқими ўртача тезлигини ўзгариш оралиғи 1,0-20,0 м/с;
- ўлчаш аниқлиги кўпи билан 0,8 м/с;
- ўлчаш ноаниқлиги кўпи билан $\pm(0,3-0,05V)$ м/с, бунда V —ўлчанаётган ҳаво оқимининг тезлиги;
- анемометрдан ҳаво ҳарорати минус 40° ва плюс 50° оралиқда ва намлиги 90% бўлганда фойдаланиш тавсия этилади;
- четки ўлчамлари 170×70×70 мм;
- массаси кўпи билан 250 г.

Тузилиши ва иш принципи.

Анемометрнинг ҳаво(шамол)ни қабул қиласиган, яъни сезадиган қисми унинг тўрт дона косалари 4 ҳисобланади. Ушбу косачалар таянчда айланадиган ўқ 5 га ўрнатилади.



6.14-расм. МС-13 русумли анемометр



6.15-расм. Анемометр тузилишининг схемаси

Ўқнинг пастки қисмida червяк 6 очилган бўлиб, у редукторга боғланган, редуктор эса стрелкалар (миллар)га ҳаракатни узатади. Циферблат 2 мос ҳолда бир, юз 1 ва минглик 7 шкалаларга эга. Червяк 6 червяк ғилдираги ва триб орқали ҳаракатни марказий ғилдиракга узатади. Марказий ғилдирак ўқига эса бирлик шкала 3 бириктирилган. Марказий ғилдирак триби ва оралиқ ғилдирак орқали кичик ғилдирак айланма ҳаракатга келтирилади. Кичик ғилдирак ўқига юзлик шкала стрелкаси 1 ўрнатилган. Ана шу кичик ғилдиракдан оралиқ ғилдирак орқали ҳаракат иккинчи кичик ғилдиракка узатилади. Унинг ўқига эса минглик шкала стрелкаси 7 ўрнатилган.

Анемометр механизмларини ишга тушириш ва ажратиш арриетир 9 ёрдамида амалга оширилади. Анемометрнинг ҳисоблаш механизмини ажратиш учун арретир 9 соат мили йўналиши бўйича айлантирилади.

Анемометр механизми пластмассали корпусга бириктирилган, корпуснинг пастки қисмiga винт 10 ўрнатилган. Анемометрни белгиланган


жойга қўзғалмас ўрнатиш ана шу винт ёрдамида амалга оширилади. Арретирнинг ҳар иккала томонида қулоқчалар 8 мавжуд бўлиб, уларга ип боғланади. Ана шу иплардан бирини тортиш орқали анемометр ишга туширилса, иккинчисини тортиш орқали эса ажратилади.

Анемометрнинг ишлаш тартиби.


Шамолнинг тезлигини ўлчашдан олдин ҳар уччала шкалаларнинг кўрсаткичлари ёзиб олинади. Анемометр шамол йўналишига перпендикуляр ҳолатда туриши таъминланади. Бир вақтнинг ўзида ҳар 10-15 с оралиғида арритеर орқали анемометр ва секундомер ишга туширилади. Анемометрни ҳаво оқимида ўлчаш ишларини амалга ошириш учун ушлаб туриш бир ёки икки минут давом этиши маъқул. Ушбу вақт тугагач анемометр механизми ва секундомер ажратилади ва шкалалар кўрсаткичи ва ўлчаш ўтказилган вақт секунд ҳисобида ёзиб олинади. Охирги ва бошланишдаги қийматларнинг фарқи, яъни айирмаси тажриба ўтказилган вақтга бўлинади ва бир секундга мос келадиган шкаланинг бўлинмалари сони аниқланади. Шамолнинг тезлиги градуирлайдиган график бўйича аниқланади.

Графикдан фойдаланиш тартиби қўйидагича: вертикал ўқ бўйича бир секундга мос келадиган шкаланинг бўлинмалари сонидан горизонтал чизик ўтказилади ва у график чизиги билан туташган нуқтадан вертикал чизик туширилиб, шамолнинг тезлиги аниқланади 6.16-расм.

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|-----|------|-----|------|------|-----|------|------|------|------|-----|
| X ўқи (шамол тезлиги. м/с) | 0 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,4 | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 | 0,9 | 1, | 1,1 |
| У ўқи (шкаланинг бўлинмалари сони, дона) | 0 | 0 | 0,19 | 0,4 | 0,62 | 0,83 | 1,1 | 1,25 | 1,53 | 1,73 | 1,99 | 2,2 |



6.16-расм. Шамолнинг тезлиги 0,3 дан 1,1 м/с гача бўлганда секунд давомидаги шкала бўлинмалари сонининг унга боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги



6.17-расм. Шамолнинг тезлиги 6 м/с гача бўлганда секунд давомидаги шкала бўлинмалари сонининг унга боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги

Анемометрда маълумот олингач, доннинг муаллақлик тезлиги аниқланган бўлади.

Навбатдаги ишда доннинг паруслилик коэффициентини аниқлашимиз мумкин бўлади. Уни юқорида келтирилган (6.8) ифода бўйича ҳисоблаймиз,

$$K_n = \frac{g}{V_{kp}^2}$$

Шундай қилиб, буғдой донининг турли хил аралашмалардан тозалаш жараёнини кўз билан кузатиш имкониятига эга бўлдик. Бу жараён ғалла йиғишириш комбайнларида содир бўлиши сизга маълум, бироқ уни кўз билан кузатиш имконияти йўқ.

Шу кўринишда тажрибалар бошқа донли экинлар учун ҳам қурилмада ўтказилиши мумкин.

Назорат саволлари:

- Сочилувчан уругларнинг аэродинамик хоссалари қандай технологик жараёнларда эътиборга олинади?
- Сочилувчан уругларнинг муаллақлик тезлигини билишнинг зарурати нимада?

3. Аэродинамик хоссалари бўйича уруғларни тозалашда муаллақлик тезлиги қандай танланади?
4. Уруғларнинг миделев кесими нимани англатади?
5. Уруғларнинг аэродинамик хоссларидан бошқа қандай хоссларини биласиз?
6. Уруғ зичлигининг аэродинамик хоссасига таъсири борми?

Қуйидагиларни эслаб қолиш керак:

1. Барча ғалла йиғишириш комбайнларида ва дон тозалаш машиналарида дон бошқа аралашмалардан фақатгина аэродинамик хоссалари асосида ажратиб олинади.
2. Барча пневматик сеялкаларнинг конструкцияси уруғларнинг аэродинамик хоссаларига асосланиб лойиҳаланган.
3. Бир метр куб ҳавонинг массаси ($16\text{-}18^0$ ҳароратда) 1,2 кг.
4. Доннинг муаллақлик тезлиги 6-7 м/с га teng.
5. Ҳар қандай жисмнинг муаллақлик тезлиги ва учувчанлик коэффициенти ўзаро тескари боғланишга эга.


7-§. ВАЛ, ЎҚ ЁКИ ШКИВЛАРНИНГ АЙЛАНИШЛАР СОНИ ВА ЧИЗИҚЛИ ТЕЗЛИГИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

7.1. Айланма ҳаракатдаги жисмларнинг айланишлар сони ёки чизиқли тезлигини ўлчайдиган электрон DT 2236 В русумли тахометр

Илмий-тадқиқотларни олиб борища занжирили, тасмали, цилиндр ёки конус шестерняли узатмалардан фойдаланишга зарурат туғилишии табиий ҳолат.

Дала ёки лаборатория шароитида бирор валнинг айланишлар сонини аниклаш зарурати туғилгудек бўлса, ҳисоблаш ишларини енгиллаштириш ва унга сарфланадиган вақтни тежаш учун ушбу асбобдан фойдаланиш тавсия этилади. 7.1-расмда айланма ҳаракатдаги жисмларнинг айланишлар сони ёки

чизиқли тезлигини ўлчайдиган электрон DT 2236 В русумли тахометр ва унинг элементлари келтирилган.




A-рангли тасма; *B*-асбобга сигнал нурининг қайтиб келиши; *C*- дисплей ойнаси; *D*-ўлчашни ишга тушириш тугмаси; *E*-функцияни алмаштириш тугмачаси; *F*-маълумотларни хотираға киритиш тугмаси; *G*-батарея қопқоғи; *H*-синалаётган объект билан боғланиш стержени; *I*-айланаётган жисмнинг чизиқли тезлигини аниқлаш мосламаси.

7.1-расм. Айланма ҳаракатдаги жисмларнинг айланишлар сони ёки чизиқли тезлигини ўлчайдиган электрон DT 2236 В русумли тахометр ва унинг элементлари схемаси

Мазкур тахометрнинг ижобий томонларидан бири, тахометрни айланбаётган жисмга бевосита текизиб ёки текизмасдан айланишлар сонини аниқлаш мумкин. Синовдаги айланбаётган жисмга бевосита текизишида *I* ёки *H* ҳарфлари билан белгиланган элемент (учлик)лардан фойдаланилади. Улардан

H ҳарфидаги элемент одатда айланаётган валнинг марказидаги чуқурчага текизилади. Шу пайтда дисплей ойнасида айланишлар сони кўрсатилади.




7.2-расм. Айланма ҳаракатдаги жисмларнинг айланишлар сони ёки чизиқли тезлигини ўлчайдиган электрон DT 2236 В русумли тахометрнинг кўриниши

I ҳарфи билан белгиланган элемент айланаётган ўқ, вал ёки шкивнинг четига текизилади. Шунда дисплейда чизиқли тезлик микдори кўрсатилади.

Тадқиқотларни олиб боришда, айланаётган жисм вали ёки шкиви четига асбобнинг *I* ёки *H* элементларини бевосита текизиш имкони бўлмаса, у ҳолда рангли тасмадан фойдаланилади. Бунинг учун рангли тасма (7.2-расмга қаралсин) айланиши ўлчанадиган жисмга елимланади. Сўнгра жисм айланма ҳаракатга келтирилиб, асбобнинг сигнал қабул қилиш томони у томонга қаратилади. Шунда дисплейда жисмнинг айланишлар частотаси сони кўринади.

Мисол тариқасида полиз экинлари уругини экиш учун ерни тайёрлашда органик ўғит тўқадиган қурилманинг кинематик схемаси 7.3-расмда келтирилган



1- гумбазбузгич вали; 2- занжирли узатма; 3-куракчали барабан вали;
4-шестерняли узатма; 5-оралиқ вал; 6-тракторнинг қувват олиш вали;
7-карданли вал; 8-етакловчи вал

7.3-расм. Қурилма юритмасининг кинематик схемаси

Механикада тезликларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- илгариланма ҳаракат тезлиги, м/с;
- бурчак тезлик, 1/с;
- чизиқли тезлик ёки айланма тезлик, м/с.

Илгариланма тезлик агрегатнинг, трактор ёки автомобилнинг олдинга ёки орқага ҳаракатида босиб ўтилган йўлни шу йўлни босиб ўтишга кетган вақтга нисбатига айтилади ва унинг ифодаси

$$V = \frac{S}{t} \left(\frac{\text{м}}{\text{с}} \right).$$

Бурчак тезлик фақат айланаётган жисмда кузатилади, яъни жисмнинг вақт бирлиги давомида неча градусга бурилгани билан изохланади ва унинг аналитик ифодаси

$$\omega = \frac{\varphi}{t} \left(\frac{1}{\text{с}} \right)$$

бунда φ – жисм бирор нуқасининг бурилиш бурчаги, радиан. Бир радиан 57^032^I га тенг, одатда унинг ўрнига бир рақами ёзилади.

Айланаётган жисмнинг чизиқли v тезлиги, шу жисм бурчак тезлиги ω ни радиуси R га кўпайтмасига тенг ва унинг ифодаси

$$\vartheta = \omega R \left(\frac{\text{м}}{\text{с}} \right)$$

Жисмнинг бурчак тезлиги билан айланишлар сони орасида қўйидаги аналитик боғланиш мавжуд

$$\omega = \frac{2\pi n}{60} = \frac{\pi n}{30}$$

бундан

$$n = \frac{30 \omega}{\pi}$$

Келтирилганлар айланаётган жисмнинг айланишлар сони аниқ бўлса, унинг чизиқли тезлигини ёки аксинчасини билиш имкониятларини беради.

Назорат саволлари:

1. Қурилмадаги айланаётган жисмнинг айланишлар сонини аниqlашга қачон эҳтиёж сезилади?

2. Айланишлар сонини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
3. Рангли тасмадан қандай ҳолатларда фойдаланилади?
4. Чизиқли тезлик билан айланишлар сони
5. орасида қандай аналитик боғланиш мавжуд?
6. Чизиқли тезлик билан бурчак тезлик орасида қандай аналитик боғланиш мавжуд?
7. Айланаетган жисмнинг бурчак тезлиги унинг диаметрига боғлиқми?

**8-§. ТАДҚИҚОТЛАРДА АТМОСФЕРА ВА СУЮҚЛИК
БОСИМИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ
УЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ
ВОСИТАЛАРИ**

8.1. Ҳавонинг оғирлиги ва атмосфера босими

Барча жисмларга каби ҳавога ҳам ернинг тортишиш кучи таъсир кўрсатади, чунки ҳаво ҳам оғирликка эга. Ҳавонинг массасини билган ҳолда, унинг оғирлигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун бирор шишадан тайёрланган идиш олинади. Унинг оғзи тиқин билан герметик беркитилади. Тиқинга эса резина най ўрнатилади. Резина найчага қисқич ўрнатилади. Қисқич очиқ ҳолга келтирилиб, шардан ҳаво сўриб олинади, сўнгра қисқич ёпилиб, мослама иблан биргаликда ҳавосиз шар тарозида ўлчанади. Сўнгра қисқич очилиб, шар ҳавога тўлгач яна тарозида ўлчанади. Олдинги ва кейинги массалар ўртасидаги фарқ ҳавонинг массасини беради. Одатда ҳарорат 0° С ва атмосфера босим нормаль бўлганда 1 m^3 ҳавонинг массаси $1,29 \text{ кг}$ ни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб-чиқиб, ҳавонинг оғирлиги


$$P=gm, \quad (8.1)$$

ҳисоби эса $P=9,8 \text{ (Н/кг)}$ $1,29 \text{ (кг)}=13 \text{ Н.}$

Океандаги сувнинг юқори қатлами пасткисига боим кўрсатгани каби ҳавонинг юқори қатлами ҳам пастдагисига босим кўрсатади. Шу сабабли ер юзасига яқин жойлашган ҳаво қатлами энг юқори босимда ҳисобланади.

Ҳавонинг босим кучи Паскаль қонунияти бўйича барча тарафларга тенг таъсир кўрсатади. Шу сабабли ер юзаси ва ундаги жисмлар атмосфера босими таъсирида бўлади. Келтирилганларни қуидаги мисол орқали янада яққолроқ тасаввур қилиш мумкин (8.1-расм). 8.1-расмда ичига поршень тифис ўрнатилган шиша цилиндр тасвиранган. Шиша цилиндр сувли идишнинг ярмигача туширилади. Шунда поршень юқорига кўтарилса, унинг орқасидан сув ҳам кўтарилади. Бунинг сабаби қуидагича изохланади. Поршень юқорига кўтарилишида у ва сув орасида ҳавосиз бўшлиқ (вакуум) пайдо бўлади. Сув ташқи атмосфера босим кучи таъсирида поршень орқасидан юқорига кўтариливеради. Бунда уч хил ҳолат қузатилади:


биринчи ҳолатда-поршень идишдаги сув сатҳидан h баландда жойлашган бўлсин (8.1-расм).



8.1-расм. Поршень идишдаги сув сатҳидан h баландда жойлашган ҳолат схемаси

Ушбу ҳолатда сув шиша цилиндрга кириб, у идиш ҳамда цилиндрда бир хил сатҳгача кўтарилади, сўнгра тўхтайди. Бу жараён гидравлика қонунияти асосида бажарилади. Шунда шиша цилиндр ичидаги ҳавонинг сийракланиши кузатилади. Чунки ҳажм катталашаяпди. Натижада шиша цилиндр ичидаги босим атрофдаги атмосфера босимиға нисбатан паст бўлиб қолади. Оқибатда идишдаги сув шиша цилиндр ичига киришни давом эттириб, поршень орқасидан юқорига кўтарила бошлайди. Поршень силжишдан тўхтатилгач, сув ҳам кўтарилишдан тўхтайди.


Иккинчи ҳолатда-поршень шиша цилиндрнинг энг пастки қисмида бўлиб, сувга тегиб турган бўлсин (8.2-расм). Шиша цилиндрни сув билан тўлдириш учун, поршень юқорига кўтарилса сув ҳам унинг орқасидан шиша цилиндр ичига кира бошлайди. Чунки поршени силжитадиган P_1 куч (қўл кучи) шишадаги суюқликка таъсир этадиган P_2 босим кучидан катта бўлади.



8.2-расм. Поршень шиша қувурнинг энг пастида жойлашган ва сувга тегиб турганлиги схемаси

Бу ҳолатни медицинада шпирицларни суюқ дори билан тўлдиришда, шунингдек ҳовлилардаги сув чиқаргичларида (кранлар) кузатиш мумкин.

Учинчи ҳолатда поршень ва идишдаги сув сатҳи бир хил бўлсин (8.3-расм).



8.3-расм. Поршень ва идишдаги сув бир хил сатҳда бўлган ҳолат схемаси

Бу ҳолатда ҳам поршень юқорига силжитилса идишдаги сув ҳам унинг орқасидан, иккинчи ҳолатдаги қаби қўтарилади.

Юқорида келтирилган атмосфера босимига боғлиқ масалаларнинг моҳиятини билишга бағишиланди.


Суюқликнинг босими билан боғлиқ маълумотлардаги (8.1) ифодадан атмосфера босимини аниқлашда фойдаланиб бўлмайди. Атмосферанинг босимини ҳисоблаш учун унинг баландлигини ва ҳавонинг зичлигини билиш лозим. Бироқ атмосферанинг чегараси ва аниқланган баландлиги мавжуд эмас, бундан ташқари ҳавонинг зичлиги турли баландликларда турличадир.

Юқоридаги ечимини топиш қийин бўлган масалани Италия олими Э.Торричелли (1608-1647 йй.) XVII асрда ҳисоблаган.

Торричелли тажрибани қўйидагicha ўтказган:

узунлиги 1000 мм ва бир учи беркитилган шиша қувур симоб билан тўлдирилади. Сўнгра шиша қувурнинг иккинчи учи ҳам зич тиқин билан зич беркитилади ва айлантириб тескари ҳолатга келтирилади. Ундан кейин, шиша қувур ичига симоб солинган идишга туширилади ва қувур тиқини олинади, яъни очилади. Шунда қувур ичидаги симобнинг бир қисми идишга тўкилади, унинг тўкилмаган қисми эса қувур ичидаги қолади. Шиша қувур ичидаги қолган

симобнинг баландлиги 760 ммни ташкил этади (8.4-расм). Шуни эътиборга олиш лозимки, шиша қувурдаги симобнинг устида ҳаво бўлмайди, бўлиқ ҳосил бўлади.



8.4-расм. Атмосфера босимини аниқлаш бўйича Торричелли тажрибаси схемаси

Торричелли тажрибасини қуидаги изоҳлаган: атмосфера идишдаги симоб юзасига босим кучи билан таъсир этади. Шиша қувурдаги ва идишдаги симоб мувозанат ҳолатга келади. Демак, қувурдаги босим, идишнинг a_1 сатҳида, атмосфера босимига teng. Агарда қувурдаги босим атмосфера босимидан катта бўлганда эди, қувурдан симоб идишга тўкилиши давом этарди, аксинча бўлса симоб қувурда юқорига кўтаришади.


Ўтказилган тажрибалар асосида атмосфера босимини миллиметр симоб устунида қабул қилиш жорий этилиб, у 760 мм симоб устунига тенглиги қабул қилинган. Агарда атмосфера босими 760 мм симоб устунидан юқори бўлса. У ҳолда идишдаги симоб қувур бўйлаб юқорига кўтаришади ва аксинча.

Бизга маълум бўлган босим кучи ўлчам бирлиги Па ва мм симоб устуни орасидаги боғланишни кўриб чиқамиз. Бир мм баландликдаги симоб устуни босими

$$p = \rho gh, \quad p = 9,8 \frac{H}{\text{кг}} \times 13600 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \times 0,001 \approx 133,3 \text{ Па.}$$


Шундай қилиб, 1мм симоб устуни 133,3 Па га тенглиги аниқланган.

Амалда атмосфера босимини ўлчаш учун металлдан тайёрланган барометрдан фойдаланилади. Улар анероид деб юритилади, унинг қўриниши 8.5-расмда келтирилган. Барометрда симоб қўлланилмайди.



8.5-расм. Анероиднинг ташқи қўриниши

Барометринг қўриниши 8.6-расмда келтирилган.



8.6-расм. Анероид асосий қисмининг қўриниши

У ҳавоси сўриб олинган металл қутичадан иборат бўлиб, ичида юзаси тўлқинсимон планка 1дан иборат. Атмосфера босими қутича қопқоғи шишасини сиқиб қўймаслиги учун, уни ташқи томонга итариб туриш учун пружина 2 ўрнатилган. Атмосфера босими кўтарилиганда шиша қопқоқ ичкарига эгилади ва пружина 2ни тортади. Атмосфера босими пасайганда эса


пружина шиша қопқоқни түғри ҳолатга келтиради. Пружинага узатиш механизми 3 ёрдамида күрсатиш мили 4 бириктирилган. Күрсатиш мили 4 атмосфера босими ўзгаргандың негизги мөндеши болады. Күрсатиш мили 4 нинг остида шкала ўрнатылған. Ундаги бўлинмалар симобли барометр күрсатикчи бўйича чизиб белгиланган. Айтайлик, анероид мили 750 сонни күрсатаётган бўлсин (8.6-расмга қаралсин), демак симобли барометрда симоб устуни баландлиги 750 мм га teng.

Демак, атмосфера босими 750 мм симоб устунига ёки 1000 гПа га тенглигини англаш мумкин.

Атмосфера босимини билиш яқин кунлардаги об-ҳавонинг ўзгаришини олдиндан айтиш учун керак, чунки атомсфера босимининг ўзгариши об ҳавонинг ўзгаришиги олиб келади. Шу сабабли барометр-метериологик кузатувларни олиб бориш учун зарур восита ҳисобланади.

8.2. Суюқликни идиш туби ва деворларидағи босими ҳисоби

Суюқликни идиш туби ва деворларидағи босими ҳисобини кўриб чиқамиз. Масалани дастлаб түғри бурчакли параллелепид шаклдаги идиш мисолидаги ечамиз (8.7-расм).



8.7-расм. Ҳажми ҳисобланадиган идиш

Идишга қуйилган суюқликнинг F кучи идиш тубини суюқлик оғирлигига тенг бўлган Р куч билан босади. Суюқлик оғирлик қучини унинг массаси m ни билган ҳолда аниқлаш мумкин. Маълумки, массани қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин $m=\rho V$. Танланган идишнинг ҳажмини хисоблаш оддий бўлиб, у қуйидаги ифода бўйича аниқланади $V=Sh$, бунда S - идиш асосининг юзаси, м^2 ; h – қуйилган суюқликнинг идишдаги баландлиги, м. Эслатилганидек суюқлик массаси $m=\rho V$ ёки $m=\rho Sh$. Ушбу суюқликнинг оғирлиги эса $P=mg$ ёки $P=g\rho Sh$. Ваҳоланки, суюқликнинг оғирлиги идиш тубига таъсир кўрсатаётган кучга тенг эканлигини эътиборга олсак, шунингдек ушбу P кучни идиш туви S юзасига нисбати,

$$p = \frac{P}{S} \text{ ёки } p = \frac{g\rho Sh}{S} = g\rho h. \quad (8.2)$$

Ифоданинг таҳлили, суюқликнинг идиш тубига кўрсатадиган босими, суюлик зичлиги ва унинг баландлигига боғлиқ экан. Таҳлилдан исталган шаклдаги идишга суюқлик томонидан кўрсатиладиган босим кучини аниқлаш мумкинлиги келиб чиқади. Бундан ташқари, суюқликнинг босим кучи идишнинг барча томонлари ва элементар юзаларига бир хил қийматда таъсир кўрсатишини ифодалайди.

Ҳисоблашларда суюқлик зичлигини $\text{кг}/\text{м}^3$, суюқлик сатҳи баландлигини эса метр (м) ва $g=9,8 \text{ Н}/\text{кг}$ бирликларда ҳисобласак, босим кучи Паскал (Па)да ифодаланиши келиб чиқади.


8.3. Суюқликли манометр.

Босим манометрлари.

Ҳар қандай суюқлик ўтказадиган тизимни мўтадил ишлишининг кўрсаткичи босим ҳисобланади.

Шундай экан босим қандай ўлчанади? Бунинг учун маҳсус восита мавжуд бўлиб, унинг номи манометр дейилади.

Манометрларнинг тури кўп бўлиб, улардан суюқлики манометри билан танишамиз.



8.8-расм. Идишдаги суюқлик сатҳиларининг фарқи схемаси

Суюқлики манометр энг оддий ўлчаш воситаси ҳисобланаб, У харфи кўринишидаги қувурдан иборат бўлади. Қувур шишадан тайёрланиб, унга мм ва паскалда шкала белгиланган.

Сув ёки симоб дастлабки ҳолатда шиша қувурга нол қаршисида бўлгунича қуйилади. Шундан сўнг, қувурнинг бир томони ўлчаш амалга оширадиган тизимга уланади, иккинчи томони эса очик ҳолатда қолдирилади. Босим суюқликка таъсир кўрсатади ва суюқлик қувур ичида оқиб, тизимга уланган қисмида сатҳи пасаяди, иккинчи очик томонида эса унинг сатҳи кўтарилади.

Суюқлик сатҳининг нолга нисбатан қувур ичидаги фарқи суюқлик устунининг мм даги босими ҳисобланади. Ушбу турдаги ўлчаш воситаси паст босимни ўлчашда жуда қулайлигини намоён этган, бунда қувур қўндаланг кесими шаклининг охирги натижага таъсири сезилмайди. Бироқ суюқлик сифатида симобдан фойдаланилганида хавфсизлик чораларига амал қилиш эддан кўтарилилмаглиги лозим.

Симобдан кўтарилилган буғдан заҳарланишни олдини олиш учун симоб қуйилган идишнинг ҳар икки томонига 8-10 мм масофда сув ёки мой қуйиш

лозим. Симобдан фойдаланилганда босим миллиметр симоб устуни ёки кисқача мм.с.у. да ифодаланилади.


Суюқлик босимини ўлчайдиган U шаклидаги шиша идиш жуда оддий бўлсада иккита камчиликдан холи эмас:

- ўлчаш аниқлигининг пастлиги;
- ўлчаш чегарасининг торлиги.

Ушуб муаммолар манометрларнинг пружинали турларида бартараф этилди.

8.4. Пружинали манометрлар

Ушбу манометрда ўлчаш чегараси сезиларли даражада кенгайтирилган бўлиб, 0,01-400 МПа ёки 0,1-4000 бар (1 бар=100 Па) оралиғида аниқлаш имконияти мавжуд.



8.9-расм. Пружинали манометрнинг тузилиши ва қўриниши

Бундай катта оралиқда ўлчаш имконияти янги қурилмани ишлаб чиқиш эвазига эришилди. Пружинали манометрнинг асосини босим таъсирида деформацияланадиган ва кўндаланг кесими овал ёки эллипсоид шаклидаги

эгилтирилган қувур ташкил этади. Қувурчанинг биринчи учи узатиш механизми билан бириктирилган, иккинчи учи эса штуцер орқали тизимга уланган.

Узатиш механизми тортқи, квадрант, тишли сектор, шестерялар ўқлари билан ва милнинг ўзидан ташкил топган. Самарасиз ҳаракатни бартараф этиш учун узатиш механизми ичига шестерня ва сектор тишлари орасига спиралсимон пружина ўрнатилган.

Тизимга босим уланганда у эгилтирилган қувурчани ташқи ва ички юзаларининг турличалиги, яъни фарқи эвазига тўғрилашга ҳаракат қиласди. Шунда қувурчанинг биринчи учи ҳаракатга келади ва узатиш механизми орқали шкалага нисбатан милни қандайдир бурчакка бурайди.

Шкала эса бар ёки паскал бўйича чизиқчалар ёрдамида бурчакларда ифодаланган бўлиб, тизимдаги босимни кўрсатади.

Бу турдаги манометрларда икки аниқлик класси мақжуд бўлиб, биринчиси 2,5 максимал босим 25 бар ва иккинчиси 1,5 босим 25 бардан юкори бўлганда намоён бўлади.

8.5. Суюқ ва газсимон материаллар сарфини ўлчаш

Суюқ ва газсимон материаллар сарфини ўлчаш принципи гидродинамика тенгламаларига асосланган. Суюқлик ёки газнинг ҳажмий сарфи-кўндаланг кесим юзаси S бўлган қувур орқали бирлик вақт давомида ўтган ҳажм микдорига айтилади ва $Q_v=VS$ ифода билан аниқланади. Ушбу оқиб ўтган суюқлик ёки газнинг массаси уларнинг массали сарфи дейилади ва қуйидаги ифода билан аниқланади

$$Q_v=\rho VS,$$

бунда ρ – суюқлик ёки газнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$;

V – суюқлик ёки газнинг оқиб ўтиш тезлиги, $\text{м}/\text{с}$;

S – қувурнинг кўндаланг кесим юзаси, м^2 .


Суюқлик ёки газ сарфини ўлчашнинг турлари кўп бўлиб, уларнинг айримлари билан танишамиз.

Суюқлик ёки газнинг ҳажмий сарфи

Сарфни ўлчашнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Ўлчашнинг бевосита усулида ўлчаш камерали ҳажмий ҳисоблагичлар қўлланилади. Билвосита усули эса турбинали, роторли ва шнекли сарф ўлчагичларда жорий этилган.

Овал шаклидаги шестеряли сарф ўлчагич

Ёнилғи сарфини ўлчашда овал шаклидаги шестеряли сарф ўлчагичлар оммабоп ҳисобланади. Овал шаклидаги шестеряли сарф ўлчагичнинг ҳаракат принципи 8.10-расмда келтирилган.



8.10-расм. Овал шаклдаги шестеряли сарф ўлчагич ишининг босқичлари


Овал шестеряли ротацион ҳисоблагич суюқликни кириши ва чиқиши қувурчаларига эга корпус, унинг ичига жойлаштирилган ва ўққа ўтқазилган икки дона ўзаро боғланишда бўлган шестерядан ташкил топган. Корпусга кираётган суюқлик шестеряларда буровчи моментни юзага келтиради. Ана шу момент ҳисобига шестерялар айланиб, суюқликни корпуснинг чиқиш туйнуги орқали қувурларга ҳайдайди. Ўлчаш асбоби орқали ўтаётган ушбу ҳажмдаги суюқлик шестеряларнинг айланиш сонига боғланган. Ҳар бир айланишда бир жуфт шестеряларнинг тишлари орасида назарий олганда ўзгармас ҳажмдаги суюқлик сарф ўлчагичдан ўтади. Шестеря тишлари орасидаги тирқишининг кичикилиги ёнилғини орқага қайтмасдан ишлашини

таъминлайди. Овал шестеряли ҳисоблагичлар суюқлик оқимининг 0,5 дан 600 л/соатгача оралиқдаги миқдорини аниқ ҳисоблашни таъминлайди.



8.11-расм. Суюқликнинг сарфини овал шестеряли ўлчагичлари кўриниши

Ротор поршенли сарф ўлчагич. Ўлчагич айланадиган поршен принципига асосланган, яъни суюқликнинг бир порцияси поршенин ўлчаш камерасида айланма ҳаракатланишига мажбурлайди ...-расм.




8.12-расм. Ротор-поршенли сарфлагич ишининг диаграммаси

Поршеннинг ҳар бир айланиши аниқ бир ҳажмдаги суюқликни кириш портидан чиқиши портига олиб боради. Поршенга жойлаштирилган юқори энергетик магнитлар электроникани ҳаракатга келтириб, чиқиши импульсли сигнални шакллантиради. У эса тегишли компьютер ва назоратлаш дастурига етказилиши мумкин. Ушбу оддий ва ишончли конструкциядаги ўлчаш асбоби ҳисобланади. Поршеннинг ҳар бир айланишида сарф ўлчагич орқали аниқ порциядаги суюқлик ҳайдалади. Поршеннинг айланишлар сонини ҳисоблаш орқали ҳайдаб берилган суюқлик миқдори аниқланади.

Ушбу оддий ва ишончли конструкциянинг афзалиги- магнитли биргина детал ҳаракатланишидадир. Поршеннинг ҳар бир бурилишида аниқ порциядаги суюқлик оқиб ўтади. Бу кўрсаткич суюқликнинг миқдорини ва тақсимланиши масаларини ечими учун жуда мос келади.

8.6. Пуркағичдан пуркалган томчиларнинг барглардаги зичлиги ва тўзитиш дисперслигини аниқлаш


Тўзиткичлар блоки билан жихозланган пуркаш жараёнини тадқиқ қилишдан мақсад тўзитиш тизимидан ишчи қурилмаларнинг асосий технологик параметрларини ва уларнинг ҳар хил режимларида ҳосил бўлаётган томчиларнинг медиан-массавий диаметрларини аниқлаш бўлди. Тадқиқотлар экспериментал қурилманинг ҳар хил иш режимларида ва турли ишчи суюқлик сарфларида олиб борилди. Экспериментал пуркаш агрегатини синаш дастгоҳининг умумий кўриниши ва принципиал ишлаш схемаси 8.13-расмда келтирилган.



1– ростлаш блоки; 2-роторли-роликли насос; 3,11,15,17- найчалар; 4-фильтр; 5-уч йўллик кран; 6-резервуар; 7-сатҳ кўрсаткичи; 8-вентилятор; 9-турбулизаторли тўзиткичлар блоки; 10- суюқлик томчилари; 12- босим созлагич; 13,16-қайтариш ва узиш клапанлари; 14-монометр.


8.13-расм. Пуркаш агрегатининг принципиал иш схемаси

Экспериментал пуркаш агрегатидан пуркалаётган томчиларнинг тадқиқот обьектига қоплаш зичлигини ва тўзитиш дисперслигини аниқлаш учун Швецариянинг “Hypro LLC” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ўлчами 26x76 mm ли суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли томчикартлардан фойдаланилди (8.14-расм).



8.14-расм. Тўзиткичдан сепилаётган майда томчиларининг диаметрини аниқлаш учун маҳсус штатив (а) ва ўлчами 26x76 mm ли ишлов берилмаган ҳамда ишлов берилган суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли томчикартлари (б).

Маҳсус штативга (8.14-расм) қистирилган томчикартлар тартиб билан рақамланди. Томчиларнинг тадқиқот обьектига қоплаш зичлигини ва дисперслигини аниқлаш учун ҳар бир рақамланган томчикартлар пуркаш жараёнининг турли режимлари учун алоҳида-алоҳида ишлатилди ва қуригандан кейин алмаштириб турилди. Тадқиқот обьектидаги маҳсус суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли томчикартларнинг 1 cm^2 юзасига ўтирадиган томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, томчиларнинг умумий сони, томчилар зичлиги DepositScan дастури ёрдамида аниқланди (8.15-расм).



1-ASUS A43S русумли компьютер экрани; 2- тасвир сифатини аниқлаш учун Threshold қутиси; 3- ImageJ бошқарув ойнаси; 4- таҳлил қилинаётган томчикарт намунаси; 5- томчиларнинг индувидуал тартиб рақами; 6- индивидуал томчи ҳажмлари, $\text{mkm} \cdot \text{m}^2$; 7- томчининг медиан-массавий диаметри, mkm ; 8- таҳлил қилинган томчикартдаги жами томчиларнинг сони, дона; 9- томчикартнинг 1cm^2 юзадаги томчилар сони, дона/ cm^2

8.15-расм. Сканер қилингандык томчик картларни ASUS A43S русумли компьютерда "DepositScan" дастури ёрдамида таҳлил қилиш жараёни

USDA-ARS амалий технологияларни тадқиқ қилиш бўлими (Wooster, Ogayo shtati, AQSh) томонидан ишлаб чиқилган тизимли маҳсус "DepositScan" дастури сувга сезгир қоғоз ёки Kromekote® картасида кичик зарра ёки томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, томчиларнинг умумий сони, томчилар зичлигини тезда баҳолаш учун мўлжалланган.

Тизим қўл телефонларида ишлайдиган сканер, компьютер ва "DepositScan" деб номланган маҳсус дастурий таъминот тўплами билан бирлаштирилган. Дастурий таъминот пуркалишлар тарқалишини тавсифлаш

учун мос келадиган бир қатор ўлчовларни ишлаб чиқариш учун тасвириң қайта ишлаш дастури (ImageJ) томонидан ишлатиладиган махсус жамланган дастур модулидан иборат. Махсус суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли томчикартлар сканердан ўтказилгандан сўнг томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, томчиларнинг умумий сони, томчилар зичлиги компьютер экранида акс этиб, электрон жадвалда сақланади (8.15-расм).

Үюрмали-турбулизаторли тўзиткичидан чиқаётган ишчи суюқлик сарфини, суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли томчикартлар (Water Sensitive Paper)га тушган томчиларнинг сонини ва ўлчамларини аниқлаш натижалари (СуперХМД билан)

| T/p | Суюқлик босими, MPa (Pa) | Тўзиткичлар сони, дона | Тўзиткич тирқишининг кенглиги, h, mm | Синов вақти, min | Тўзиткичлардан чиқаётган ишчи суюқлик сарфи, q, l/min | | | | Умумий сарф, q, l/min | Томчикартдаги жами томчилар сони, дона | | |
|-----|-----------------------------|------------------------|--------------------------------------|------------------|---|------|------|---------|-----------------------|--|--|--|
| | | | | | Такрорланишлар | | | | | | | |
| | | | | | 1 | 2 | 3 | ўртacha | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | | |
| 1 | 0,1 (1) | 4 | 0,2 | 1 | 3,3 | 3,2 | 3 | 3,2 | 9,5 | 44 | | |
| 2 | 0,2 (2) | 4 | 0,2 | 1 | 4,5 | 4,7 | 4,4 | 4,5 | 13,6 | 64 | | |
| 3 | 0,3 (3) | 4 | 0,2 | 1 | 5,4 | 5,5 | 5,6 | 5,5 | 16,5 | 94 | | |
| 4 | 0,4 (4) | 4 | 0,2 | 1 | 6,4 | 6,4 | 6,3 | 6,4 | 19,1 | 133 | | |
| 5 | 0,5 (5) | 4 | 0,2 | 1 | 7 | 7,1 | 7,1 | 7,1 | 21,2 | 167 | | |
| 6 | 0,6 (6) | 4 | 0,2 | 1 | 7,8 | 7,7 | 7,9 | 7,8 | 23,4 | 227 | | |
| 7 | 0,7 (7) | 4 | 0,2 | 1 | 8,5 | 8,5 | 8,5 | 8,5 | 25,5 | 275 | | |
| 8 | 0,8 (8) | 4 | 0,2 | 1 | 8,9 | 8,9 | 9,1 | 9,0 | 26,9 | 434 | | |
| 9 | 0,1 (1) | 4 | 0,4 | 1 | 4,1 | 4,2 | 4,2 | 4,2 | 12,5 | 140 | | |
| 10 | 0,2 (2) | 4 | 0,4 | 1 | 6 | 6 | 6,1 | 6,0 | 18,1 | 197 | | |
| 11 | 0,3 (3) | 4 | 0,4 | 1 | 7,4 | 7,3 | 7,2 | 7,3 | 21,9 | 271 | | |
| 12 | 0,4 (4) | 4 | 0,4 | 1 | 8,5 | 8,5 | 8,5 | 8,5 | 25,5 | 417 | | |
| 13 | 0,5 (5) | 4 | 0,4 | 1 | 9,6 | 9,5 | 9,4 | 9,5 | 28,5 | 578 | | |
| 14 | 0,6 (6) | 4 | 0,4 | 1 | 10,5 | 10,4 | 10,3 | 10,4 | 31,2 | 794 | | |
| 14 | 0,7 (7) | 4 | 0,4 | 1 | 11 | 11,3 | 11,2 | 11,2 | 33,5 | 1145 | | |
| 16 | 0,8 (8) | 4 | 0,4 | 1 | 12 | 12 | 12,1 | 12,0 | 36,1 | 1531 | | |
| 17 | 0,1 (1) | 4 | 0,6 | 1 | 8,3 | 8,4 | 8,2 | 8,3 | 24,9 | 472 | | |
| 18 | 0,2 (2) | 4 | 0,6 | 1 | 11,7 | 11,8 | 11,9 | 11,8 | 35,4 | 918 | | |
| 19 | 0,3 (3) | 4 | 0,6 | 1 | 14,5 | 14,5 | 14,5 | 14,5 | 43,5 | 1301 | | |
| 20 | 0,4 (4) | 4 | 0,6 | 1 | 16,6 | 16,8 | 16,6 | 16,7 | 50,0 | 1700 | | |
| 21 | 0,5 (5) | 4 | 0,6 | 1 | 18,6 | 18,5 | 18,5 | 18,5 | 56,1 | 2111 | | |
| 22 | 0,6 (6) | 4 | 0,6 | 1 | 20,5 | 20,4 | 20,3 | 20,4 | 61,2 | 2616 | | |
| 23 | 0,7 (7) | 4 | 0,6 | 1 | 22 | 22,1 | 22,2 | 22,1 | 66,3 | 3130 | | |
| 24 | 0,8 (8) | 4 | 0,6 | 1 | 23,5 | 23,6 | 23,6 | 23,6 | 70,7 | 3688 | | |
| 25 | 0,1 (1) | 4 | 0,8 | 1 | 12,5 | 12,4 | 12,4 | 12,4 | 37,3 | 451 | | |
| 26 | 0,2 (2) | 4 | 0,8 | 1 | 17,6 | 17,4 | 17,4 | 17,5 | 52,4 | 717 | | |
| 27 | 0,3 (3) | 4 | 0,8 | 1 | 21,5 | 21,4 | 21,3 | 21,4 | 64,2 | 977 | | |
| 28 | 0,4 (4) | 4 | 0,8 | 1 | 24,6 | 24,8 | 24,6 | 24,7 | 74,0 | 1223 | | |
| 29 | 0,5 (5) | 4 | 0,8 | 1 | 27,6 | 27,5 | 27,6 | 27,6 | 82,7 | 1513 | | |
| 30 | 0,6 (6) | 4 | 0,8 | 1 | 30,4 | 30,3 | 30,3 | 30,3 | 91,0 | 1865 | | |
| 31 | 0,7 (7) | 4 | 0,8 | 1 | 32,7 | 32,6 | 32,7 | 32,7 | 98,0 | 2253 | | |
| 32 | 0,8 (8) | 4 | 0,8 | 1 | 34,8 | 34,9 | 35 | 34,9 | 104,7 | 2837 | | |
| 33 | 0,1 (1) | 4 | 1,0 | 1 | 16,4 | 16,3 | 16,3 | 16,3 | 49,0 | 220 | | |
| 34 | 0,2 (2) | 4 | 1,0 | 1 | 23 | 23 | 23,1 | 23,0 | 69,1 | 400 | | |
| 35 | 0,3 (3) | 4 | 1,0 | 1 | 28,1 | 28,3 | 28,1 | 28,2 | 84,5 | 658 | | |
| 36 | 0,4 (4) | 4 | 1,0 | 1 | 32,5 | 32,5 | 32,4 | 32,5 | 97,4 | 899 | | |
| 37 | 0,5 (5) | 4 | 1,0 | 1 | 36,5 | 36,4 | 36,4 | 36,4 | 109,3 | 1195 | | |
| 38 | 0,6 (6) | 4 | 1,0 | 1 | 40 | 39,8 | 39,7 | 39,8 | 119,5 | 1474 | | |
| 39 | 0,7 (7) | 4 | 1,0 | 1 | 43 | 43,1 | 43 | 43,0 | 129,1 | 1757 | | |

Агротехник талабларга кўра, самарали қамраш кенглиги бўйича баргларнинг томчилар билан қопланиш даражаси, шу жумладан экин баргларининг камидаги 60% ости ва 80% усти қисмларида, экинларга кимёвий ишлов беришда, камидаги - 40 дона/ cm^2 , ғўзаларни дефолиациялашда, камидаги – 20 дона/ cm^2 бўлиши лозим.

Бу кўрсаткичлардан кам қийматларда барг юзаларига тўлиқ ишлов берадиган олмайди. Бу ўз навбатида ўсимликларнинг заарланиш эҳтимоллигини оширилади. Ғўза дефолиацияси шароитларида эса баргларнинг орқа томонида жойлашган зааркунандаларнинг нобуд бўлиш эҳтимоллигини пасайтириб дефолиациялаш жараёнининг сифатига салбий таъсир этади. Агар қоплаш зичлиги меъёридан ортиқ бўлса, ортиқча ишчи суюқлиги барг юзасидан ерга оқиб тупроқ ва атроф муҳитнинг заарланишига ҳамда кимёвий модда ёки суюқ дефолиантларнинг беҳуда сарфланишига олиб келади.

Юқорида қўйилган муаммога асосан томчилар зичлигини таъминлаш билан боғлиқ қўйидаги қатор кўрсаткичлар (томчилар сони, уларнинг умумий юзалари, маълум дисперслик ҳолатидаги барг юзаларининг қопланиш зичлиги) ни аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этди.

OBX-600 пуркагич билан ишлов берилганда ғўза яруслари бўйича баргнинг устки томонида 36 дона/ cm^2 дан 118 дона/ cm^2 гача ва пастки томонида эса 15 дона/ cm^2 дан 72 дона/ cm^2 гача томчиларнинг қопланиш зичлиги аниқланган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ


1. Атмосфера босимига изоҳ беринг.
2. Ҳавонинг оғирлигига изоҳ беринг.
3. Торичелли тажрибасини нимага бағишлиланган ва қандай бажарилади?
4. Босим манометрларининг ишлаш принципи нимага асосланган?
5. Пружинали манометрнинг иш принципи қандай?
6. Суюқ ва газсимон материаллар сарфини ҳисоблаш ифодаси қандай?
7. Пуркагичдан пуркалган томчиларнинг барглардаги зичлиги ва тўзитиш дисперслигини аниқлаш усули қандай бажарилади?

9-§. ЖИСМЛАРНИНГ ЎЛЧАМЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

9.1. Штангенциркулларининг тузилиши ва ишлатилиши

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг бирор ишчи қисми бўйича илмий-тадқиқотларни олиб борища албатта унинг ўлчамларини ўлчаш зарурати пайдо бўлади. Бунинг учун ўлчаш асбобларидан фойдаланишни ва ундағи барча имкониятларини яхши ўзлаштирган бўлишимиз лозим. Шу сабабли ўлчаш воситаларидан бири – штангенасбобларнинг тузилиши ва ундан унумли фойдаланишни ўзлаштириш учун улар билан танишамиз.

Штангенасбоблар ўта юқори аниқлик талаб қилмайдиган чизиқли ўлчамларни ўлчаш учун ишлатилади. Уларнинг гурухи штангенциркуль, штангенчуқурўлчагич ва штангенреймасслардан ташкил топган. Бу асбобларнинг умумлашган томони шундаки, уларда асосий шкалали штанга ва қўшимча нониус-линейкаси яхлит ясалган. Нониус кўрсаткичи бўйича ўлчамларни ҳисоблайдиган штангенасбоблар конструкцияси жиҳатидан содда ва ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Нониус ёрдамида асосий шкаладаги 1 мм нинг ўндан бир бўлакларини ўлчаш мумкин (9.1-расм).



a – оддий штангенциркуль; *б* – микрометрик узатмали ростланадиган штангенциркуль


9.1-расм. Штангенциркулларнинг схемалари

Деталларнинг ташқи ва ички ўлчамларини ўлчашга мўлжалланган штангенциркуллар тўрт турда ишлаб чиқарилган. Уларнинг русумлари ШЦ-I (9.1, а - расм) ва ШЦ-III (9.1, б-расм). Улар штанга 1, юқориги ва пастки ўлчаш лаблари 2 (ички ўлчамни ўлчашга мўлжалланган), рамка 3, рамкани маҳкамлайдиган қисқич 4, нониус 5, чуқур ўлчайдиган линейкаси 6 ва рамкани аниқ ўлчамга ростлаш учун микрометрик узатма 7 дан иборат.

Юқори ўлчаш юзаларнинг ўткир учларини режалаш ва белгилаш ишларида ҳам қўллаш мумкин. Ўлчаш жараёнида ўлчаш юзаларининг деформацияланиши натижасида ҳосил бўладиган хатоликларни камайтириш мақсадида микроузатма 5 дан фойдаланиш тавсия этилмайди. Микроузатмадан фақат аниқ ўлчамга ростлашда фойдаланиш мумкин.

Штангенциркулда ўлчаш тартиби. Ўлчаш жараёнини бошлашдан олдин штангенциркулнинг техник ҳолатини текшириш талаб қилинади. Ўлчаш лаблари текис, эгилмаган ва ейилмаган бўлиши керак. Ўлчаш лабларининг орасидан нур ўтмаслиги, асосий шкала ва нониус шкалаларининг нол штрихлари бир-бирига тўғри келиши керак. Агар шкалалар бир-бирига тўғри келмаса, нониус пластинкасининг винтини бўшатиб, штрихлар бир-бирига тўғри келганича сурилади. Агар рамка сиқилганда ўлчам ўзгарса ёки ўлчаш лаблари орасида тирқиш ҳосил бўлса, штангенциркул ишга яроқсиз ҳисобланади.

ШЦ-II штангенциркулиниң ташқи ўлчаш лаблари билан ўлчаш жараёнида ҳисобга $b_0=10$ мм (юзанинг эни) қўшилади. Ўлчаш жараёнида хатоликка йўл қўймаслик учун шкалага тўғри бурчак остида қараш керак. Ўлчаш пайтида штангенциркулнинг ўлчаш лаблари деталга юзалари билан тўлиқ тегиб туриши керак.




9.2-расм. Штангенчуқурұлчагиң схемаси

Штангенчуқурұлчагиңдар (9.2-расм) деталлардаги түрлича үлчамдаги тешік, паз, ариқча ва шунга үхшаш чуқурликтарни үлчашда күлланилади. Улар штанга 1, асос 2, рамка 3 ва нониус 4 лардан ташкил топған. Штанга ва асоснинг юзалари ҳамда тореци үлчаш юзалари ҳисобланади.

Штангенчуқурұлчагиң билан үлчаш жараёнини бошлашдан олдин, уни асоси ва нониус шкалаларининг нол штрихлари бир-бирларига түғри келиши текшириләди, акс ҳолда нониус пластинкаси силжитилиб түғриланади, яғни улардаги чизиқлар бир-бирига мос келтирилганды битта түғри чизиқ каби күринишга келиши лозим. Үлчаш жараённанда асос деталнинг (базадаги) юзасига үрнатылади ва штанга үлчанаётган тешик чуқурлигига тушириләди.

Автоматик ҳисоб күрсаткичли штангенасбоблар (9.3-расм) үлчашнинг самарадорлигини ва сифатини оширади.




9.3-расм. Индикаторлы штангенциркуль

Индикаторли штангенциркулнинг штангасига тишли рейка 1 ўрнатилган. Рамка 2 га ўрнатилган индикаторнинг тишли ғилдираги 3 тишли рейка 1 бўйлаб ҳаракатланади.

Тишли ғилдирак айланганда индикаторнинг миллари ҳаракатга келади. Штангадаги шкалалардан миллиметрнинг ўндан бир, индикатор шкалаларидан миллиметрнинг ўн ва юздан бир бўлаги ҳисобланади.

Электрон рақамли ҳисоблаш асбоблари 9.4 - расмда кўрсатилган.



9.4-расм Электрон рақамли штангенциркуль

Электронли штангенциркулнинг штангасига тишли рейка 1 ўрнатилган. Рамка 2 га ўрнатилган электрон кўрсаткичли 3 тишли рейка 1 бўйлаб ҳаракатланади ва ўлчам кўрсаткичларини кўрсатиб боради.


Ўлчамларни штангенасобоб ёрдамида санаш.

Штангенасоббларни санаш қурилмаси бу штангада жойлашган бўлинмалар қиймати $a=1$ мм бўлган асосий шкала ва рамка устида қўшимча штрих бўлинмалар қўйилган нониусдан иборат (9.5-расм). Нониуснинг нуль штрихига қараб ўлчамдаги бутун миллиметрлар сони аниқланади. Ўлчанаётган қийматининг каср қисмини топиш учун нониус шкаласининг қайси чизиги асосий шкаланинг чизигига тўғри келиши аниқланади ва нониус шкаласидаги бўлинмалар сони нониус бўлинмалар қийматига кўпайтирилади.

Нониуснинг тузилиши

Нониус ўлчаш чегаралари бўлинмаларнинг қиймати « a » га teng бўлган қўшимча шкала. Нониусларнинг шкала қиймати C ва асосий шкала 8

бўлинмаларига нисбатан нониус чизиқлари неча бўлинмага сурилганини кўрсатадиган модули ҳар хил бўлади. Чизиқли нониусларнинг турлари бир неча хил бўлади (9.6-расм). Нониус шкаласининг бўлинмалари сони $n = a/C$, нониусдаги шкаланинг бўлинмалар узунлиги $b = \gamma a - C$, нониус шкаласининг тўлик узунлиги $l = nb = (\gamma n - 1)a$ ифодалар билан аниqlанади.



9.5-расм. Штангенасбобларда нониуслар бўйича санаш

$$a - C = 0,1 \text{ мм}; \gamma = 1; n = 10; \delta - C = 0,1 \text{ мм}; \gamma = 2; n = 10; \varepsilon - C = 0,05 \text{ мм}; \gamma = 1; n = 20; \varepsilon - C = 0,05 \text{ мм}; \gamma = 2; n = 20$$

Нониус шкаласининг ноль чизиги асосий шкаланинг чизиги билан бир чизикда бўлса, масалан штангенциркуль ўлчаш лаблари бир-бираига тегиб турганда нониуснинг 1-чи чизиги асосий шкала чизигидан C , 2-чиси $2C$, 3-чиси $3C$ ва x.к масофага сурилган бўлади. Нониусни ноль чизиги асосий шкала

чизиқлари ораси бўйлаб сурилганда нониус чизиклари кетма-кет асосий шкала чизикларига тўғри келиб туради.

Агар ўлчамларнинг каср қисми $\Delta l = C$ га teng бўлса, асосий шкала чизигига нониусни 1-чи чизиги тўғри келади $\Delta l = 2C$ бўлса 2-чи- чизиги, $\Delta l = 3C$, бўлса 3-чи чизиги ва x.k. Шундай қилиб, нониус учун асосий кўрсаткич асосий шкаланинг чизифидир. 9.5, б-г – расмдаги ўлчамлар 91,7; 43,25; 141,6 мм га teng эканлиги кўриниб турибди.


Хозирги кунда штангенасбобларнинг нониус бўлинмалари қийматлари 0,1; 0,05, 0,02 мм га teng. 0,1 мм аниқлигича ўлчамлар ҳисобланганда штангенасбоб нониус узунлиги 19 мм teng бўлиб, у 10 та бўлакка бўлинган бўлиши керак, 0,05 ва 0,02 аниқликдаги штангенасбоблар учун бу рақамлар тегишли ҳолда 29 мм ва 20 та бўлак ҳамда 49 мм ва 50 та бўлак бўлади.

Назорат саволлари

1. Штангенасбоблар қандай асосий қисмлардан иборат?
2. Штангенциркуль тузилишини ва вазифасини айтиб беринг?
3. Штангенасбобда ўлчамни аниқлаш қандай амалга оширилади?
4. Нониус бўйича ўлчамнинг каср қисми қандай саналади?
5. Нониус бўйича санаш дегани нима?
6. Штангенасбобларни асосий рухсат берилган хатолик нимага teng?
7. Ўлчаш асбоб қандай танланади?
8. Ўлчаш услуби ҳақида нимани биласиз?

9.2. Вертикал шпинделли пахта териш аппарати шпинделлари орасидаги тирқиши ўлчаш воситаси

Ғўза чаноғидаги очилган пахтани тўлиқ териб олиниши вертикал шпинделли пахта териш аппаратининг қарама-қарши жойлашган барабандаги шпинделлар орасидаги тирқиши Sнинг катта-кичиклигига боғлиқ (9.6-расм).



1—шох күттаргич ва йўналтиргичлар; 2—шпендили барабан; 3—қабул камераси; 4—аппарат эшиги; 5–8—ажраткичи барабан;

6—шпинделл; 7—ажратиш зонасидаги ички тасма; 9—сиқувчи пружина; 10—барабанларни ушлаб турувчи пружина; 11—териши зонасидаги ташқи тасма; 12—тасмани маҳкамловчи пружина

9.6-расм. Пахта териш аппаратининг схемаси

Шу боис ҳар бир пахта териш машинаси пахтазорга борганда ғўза туплари қалинлиги ва пахта ҳосилдорлигига қараб териш аппарати ростланади. Бунда асосий эътибор ҳали очилмаган кўсаклар диаметрига қаратилади. Чунки тирқиши кўсак диаметридан кичик бўлса, у ҳолда шпинделлар кўсакларни юлади ва улар ерга тўкилади. Бу эса ҳосилдорликни йўқотилишига олиб келади. Тирқиши белгиланганидан катта бўлса, чаноқдаги пахталар тўлиқ териб олинмайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам камчилик оператор томонидан йўл қўйилмоқда, бунда пахта териш машинасига камчиликни ағдармаслик тавсия этилади.


Пахта териш аппаратидаги яна бир муҳим тадбир шпинделларни шахмат тартибида ўрнатиш ҳисобланди (9.6-расм).

Шпинделларни шахмат тартибда ўрнатиш жараёни түлиқ бажарилганидан сўнг, шу жойдаги тирқиши кенглиги ўлчанади. Тирқиши кенглиги ҳам 9.7-расмда келтирилган шчуп ёрдамида амалга оширилади.



9.7-расм. Шпинделларни шахмат тартибда ўрнатилганлиги ва улар орасидаги тирқиши кенглигини ўлчаш шчупи

Бунинг учун шчуп шахмат тартибда ўрнатилган шпинделлар орасига горизонтал кўринишда киритилади.



9.8-расм. Шахмат тартибда ўрнатилган шпинделлар орасидаги тирқиши ўлчаш схемаси

Шпинделлар шахмат тартибда ўрнатилсаю бироқ, улар орасидаги масофа ростланмаса иш сифатига икки хил таъсир кўрсатади:

- биринчиси, тирқиши мўлжалдагидан катта бўлса, чаноқларда пахта қолиб кетади;

- иккинчиси, тирқиши мүлжалдагидан кичик бўлса, очилмаган кўсаклар юлиб ерга ташлаб кетилади.

Юқоридаги холатларнинг ҳар иккаласи ҳам машина томонидан унга қўйилган агротехник талабларни бажарилмаслигига сабаб бўлади.

10-§. ЭЛЕКТР ТОКИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги машиналари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг кўпчилиги, дастлаб лаборатория шароитида олиб борилиши режалаштирилади. Бундай холатда тажриба қурилмасининг ҳаракатланиши талаб этиладиган ишчи қисмлари албатта у ёки бу кўринишдаги ҳаракатга келтирилади. Ҳаракат албатта электр энергиясидан фойдаланилиб амалга оширилади. Бунинг учун электр занжири тузилади. Электр занжири таркиби амперметр, вольтметр ва резистор ҳамда электр истеъмолчилардан ташкил топган бўлади.

10.1. Ток кучини ўлчаш воситаси. Амперметрлар.

Ўзгарувчан ва ўзгармас электр токларининг кучини ўлчайдиган восита амперметр ҳисобланади. Электр схемаларида бу асбоб думалоқ шакл ичига “A” ҳарфини ёзиш орқали белгиланади (10.1-расм). Бу электр ўлчаш воситаси электр токи кучини аниқлаб, ампер, миллиампер ёки микроамперларда ифодалайди. Амперметр электр занжирига кетма-кет уланади.



10.1.-расм. Амперметрнинг кўриниши

Амперметрнинг қўлланилиши: Амперметрлар саноат, телекоммуникация, лаборатория тадқиқотлари ва фаолиятнинг бошқа турларида ўзгарувчан ва ўзгармас ток кучини мкА дан кА гача бўлган катта диапазонда ўлчаш учун мўлжалланган. Электр токи кучининг қиймати электр занжири схемаси ва шкаланинг энг катта кўрсаткичидан юкори бўлмаслигига эътибор қаратилади. Ўлчаш чегараси бўйича замонавий амперметрлар куйидагиларга ажратилади:

- микроамперметрлар;
- миллиамперметрлар;
- амперметрлар;
- килоамперметрлар.

Амперметр қачон яратилган?

Электр токи кучини ўлчаш бўйича дастлабки уринишлар XIX асрнинг бошларида бошланган. Ўша пайтларда электр токи ўтаётган ўтказгичга оддий компасни яқинлаштиришган. Электр токи кучи қийматини компас милининг бурчакка оғиш катталиги бўйича муҳокама юритишиган.

Амперметрнинг қандай турлари мавжуд?

Амперметрнинг икки, яъни ўзгармас ток кучини ўлчайдиган ва ўзгарувчан ток кучини ўлчайдиган турлари мавжуд.

Шунингдек:

- магнитоэлектрикли — ўзгармас электр токи кичик қийматларини ўлчашга мўлжалланган;
- электромагнитли — ўзгармас ва ўзгарувчан (частотаси 50 Гц бўлган) электр токлари кучини ўлчашни таъминлайдиган;
- электродинамикли — ўзгармас ва ўзгарувчан (частотаси 200 Гц гача) электр токлари кучини ўлчашни бажарадиган;

- термоэлектрикли — юқори частотали ўзгарувчан электр токи кучини ўлчашга мұлжалланган;
- ферродинамик — ўзи ёзиб борадиган ўлчаш воситалари бўлиб, улар автоматик ўлчаш тизимларида қўлланилади.

Шкалаларнинг кўринишлари бўйича амперметрлар милли ва электронли (рақамли) турларга бўлинади.

Амперметрнинг иш принципи.

Турли турдаги амперметрларнинг иш принципи турличадир. Магнитоэлектрик амперметрнинг иш принципи-рамка чўлғамлари орқали ўтаётган ўзгармас магнит майдони ва электр токи буровчи моментни ҳосил қилишига асосланган. Электр токини асбоб орқали ўтиши милни ҳаракатланишга ундаиди. Милнинг ҳаракати рамка билан боғланган. Шу сабабли милнинг бурилиши ўлчанаётган электр токининг амплитудасига тўғри пропорционал ўзгаради.


Электродинамик амперметрнинг конструкцияси қўзгалмас ва қўзгалувчан ғалтаклардан ташкил топган. Электр токи кучи кичик бўлганда, ўлчаш учун амперметрлар занжирга кетма-кет, катта бўлганда эса параллел уланади.

Амперметрнинг мили қўзгалувчан ғалтакка маҳкамланади ва қўзғалмас ҳамда қўзғалувчан ғалтаклардан ўтаётган токларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳаракатланади.

Термоэлектрик амперметр конструкциясининг асосида контактли ёки контактсиз ўзгартирувчиси бўлган магнитоэлектрик қурилма ётади. Ўзгартирувчи термопара пайвандланган ўтказгич кўринишида бўлади. Ўзгартирувчидан ток ўтаётганда у қизийди ва термапарада қайд этилади. Ҳосил бўлаётган термик нурланиш магнитоэлектрик қурилмага таъсир қўрсатади. Унинг рамкаси ўтаётган токка пропорционал миқдорда бурчакка оғади.

Амперметрнинг ички қаршилиги. Амперметр барқарор ишлаши учун унинг ички қаршилиги электр занжири қаршилигидан сезиларли даражада кичик бўлиши лозим. Баъзи ҳолатларда бундай маълумотлар келтирилмаган бўлади. Шу сабабли амперметр ички варшилигини ўлчашга тўғри келади. Бунинг учун ток манбаига қаршилик ва амперметр кетма-кет уланади, сезгирилиги юқори бўлган вольтметр эса занжирга параллел уланади. Сўнгра ўлчаш воситаларининг кўрсаткичлари қайд этилади. Вольтметр кўрсаткичининг амперметрнига нисбати сифатида амперметрнинг қаршилиги аниқланади.

Амперметрнинг занжирда уланиши ва унинг схемаси ..-расмда келтирилган.



10.2-расм. Амперметрнинг занжирда ва схемада уланиш кўринишлари


Қуйида электр занжири таркибидаги электр ўлчаш воситалари бўйича маълумотлар берилди.

10.2. Ток кучланишини ўлчаш воситаси. Вольтметр — бу электр ўлчаш асбоби ҳисобланади. У ток манбай ёки электр занжирининг қайсиdir қисмидаги электр кучланиши ўлчашга мўлжалланган. Вольтметр ўлчам бирлигига эга бўлиб, у Вольт деб номланган. Амалиётда электр

кучланишининг миқдори катта оралиқда ўзгаради, жумладан микровольт (мкВ) дан мегавольт (МВ)гача.


Ишлаб чиқаришда ва илмий-тадқиқотларда Вольтметрнинг рақамли ва электрон кўрсаткичли турлари қўлланилади.

Ташқи кўринишидан Вольтметр ва Амперметрлар жуда ўхшашдир. Уларни бошқа ўлчаш воситаларидан фарқлаш учун, шкаласига “V” ҳарфи ёзилган бўлади. Одатда электр занжири схемасида “V” ҳарфи айланана ичига ёзилади (10.3-расм).



10.3-расм. Вольтметрии электр занжирининг схемаси

Навбатдаги фикрларимизда вольтметрни электр занжирига қандай улаш ва кучланиши қандай ўлчаш тўғрисида мулоҳаза юритамиз. Электр кучланиши ўлчаётган вольтметр ҳар доим электр қурилмалар ёки элементларига параллел уланган бўлиши шарт (10.4-расм)



10.4-.расм. R элементнинг бошланиши ва тугашида электр кучланиши ўлчаш усули схемаси

Илмий-тадқиқотларда вольтметрдан фойдаланишнинг оддий ва қулай томонлари шундан иборатки, вольтметрнинг қисқичлари электр занжириининг шундай нуқталарига уланиши лозимки, улар орасидаги кучланишни ўлчаниши талаб этилган бўлсин. Бу ҳолатга изоҳ беришга хожат йўқлигини 2-расмдан ҳам кўрса бўлади.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, бу усулда токнинг барчаси текширилаётган элемент R орқали ўтмасдан, қандайдир бир қисми вольтметр орқали ҳам ўтади. Демак вольтметр билан электр қучланишини ўлчаш жараёнида ўлчаш воситаси ўлчанаётган катталиқ миқдорини ўзгартириб юбормоқда. Бундай ҳолатлар физикада кўп учрайди.

Бу муҳокама шуни англатадики, занжирдаги элементнинг бошланиши ва тугашидаги электр қучланиш ҳақиқий қийматини ўлчаш учун чексиз қаршиликли вольтметрга эга бўлишимиз лозим. Фақат шундагина вольтметр орқали ток умуман ўтмайди, ўлчаш эса нуқсонсиз амалга оширилиши таъминланади. Амалда эса бунинг имкони йўқ. Бироқ ички қаршилиги ўта юқори 100 ТОм бўлган вольтметрлар мавжуд ва улар кенг жорий этилган.

Шу ҳам айтиб ўтиш лозимки, қучланишнинг ҳисоблананаётган қиймати ҳар доим ҳақиқий қийматидан кичик. Бу ўлчашнинг тизимли хатолигига мисол бўла олади.

10.4-расмда келтирилган схемага биноан R элементнинг бошланиши ва тугашидаги қучланишнинг ҳақиқий қиймати Ом қонунига асосан қуйидагича ҳисобланади

$$U=I \times R. \quad (10.1)$$

Бироқ, вольтметр ички қаршиликка эга бўлиб, унинг қуйидаги қийматни кўрсатади

$$UV = IV \times RV = IR \times R. \quad (10.2)$$

Электр занжири R элементининг бошланиши ва тугашидаги қучланишнинг реал қийматини (10.2) ифодага тегишли ўзгартиришлар киритиб, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин

$$U = UV \times (1 + R/RV) \quad (10.3)$$

(10.3) ифода юқорида юритган фикримизни тасдиқлайди, яъни идеал вольметр чексиз ички қаршиликка эга бўлмоғи лозим. Ушбу ифодада қаршилик коэффициенти чексизликка интилар экан, UV ўлчангандек қиймати *Uning* ҳақиқий қийматига интилади.

Аслида амалда бундай идеал ўлчаш воситаси йўқ экан, шундай вольтметр танлаш керакки, у томонидан йўл қўйилган хатолик қиймати ўлчашдаги тахмин этилган хато чегарасида бўлсин.


Шундай хулоса чиқариш мумкин, вольтметрнинг ички қаршилиги қанчалик катта бўлса, ўлчашдаги хатолик шунчалик кичик бўлади. Шу сабабли вольтметрлар ҳар доим энг юқори электр қаршиликка эга бўлишади.

Худди амперметрники каби қисқичларнинг бирига “+” белгиси қўйилади. Бу қичқич албатта ток манбайнинг “+” қутбидан келган сим ўтказгичга уланиши шарт. Ушбу шарт бажарилмаган тақдирда вольтметр мили тескари томонга ҳаракатланади. Қисқичларнинг “-” қутби мос ҳолда манбадан келган ўтказгичнинг минусига уланади.

Вольтметрда ўлчаш диапозонини кенгайтириш. Амалдаги вольтметрларда ўлчаш диапазони чекланган, агарда каттароқ кучланиш берилса мил ҳаракатланиб, тегишли кучланиш қийматини кўрсатаолмай тўхтаб қолади. Бошқа ҳолатда вольтметрнинг ўзи ишдан чиқиши ва яроқсиз ҳолатга келиши мумкин.


Вольтметрнинг ўлчаш диапазонини кенгайтириш учун, мос келадиган электр схемани, яъни ўлчанадиган кучланишнинг қандайдир қисмини бериш тавсия этилади. Бунга кетма-кет уланган резисторга вольтметрни бирлаштириш орқали эришиш мумкин (резисторни қўшимча резисторлар ҳам деб юритилади). Масалан, вольтметрнинг кучланишни ўлчаш диапазони 50 мВ ва ички қаршилиги 100 Ом, кетма-кет уланган резисторнинг қаршилиги 900 Ом, шунда вольтметрдаги кучланиш $1/10$ мартаға камаяди. Шу тариқа вольтметрнинг кучланишни ўлчаш диапазони 10 мартаға ошади. Ана энди шу вольтметрда 500 мВ кучланишни ўлчаш имконияти пайдо бўлди.

Юқорида айтилғанларни қуйида көлтирилген 10.5-расмдаги схема ёрдамида яққолроқ күришимиз мумкин.



10.5-расм. Вольтметрнинг ўлчаш диапазонини ошириш схемаси

Вольтметрнинг ўлчаш диапазонини ҳам камайтириш мумкин. Бунинг учун кучланишни бўлувчиларидан фойдаланиш мумкин (10.6-расм)



10.6-расм. Вольтметр ўлчаш диапазонини U_V дан U_1 гача камайтирадиган кучланишни бўлгичларининг занжирдаги схемаси

Рақамли ўлчаш воситаларидан фойдаланилганида, ўлчаш электрон усулида бажарилади ва дисплейда рақамларда ифодалаб кўрсатилади. Бироқ, амалдаги ва рақамли вольтметрларнинг ҳар иккаласида ҳам ўлчаш хатолиги муаммоси ва ўлчаш диапазонини кенгайтириш принципи бир хил

Вольтметр қандай принципда ишлайди?

Вольтметрнинг икки тури мавжуд: биринчиси амалдагилари, яъни қийматни милнинг бурилиши эвазига кўрсатадиганлари, иккинчиси ҳозирги кунда кенгроқ қўлланилаётган рақамли вольтметрлари, яъни мураккаб электрон схемага эга бўлганлари.

Амалдаги вольтметрлар жуда катта қийматдаги электр қаршилик RV га эга резистор билан кетма-кет уланган одатдаги амперметр кўринишида бўлади. Умуман олганда улар ўзларидан ўтаётган IV токни ўлчайди, шкала эса $UV = IV \times RV$ хисобнинг натижасини кўрсатади.

Рақамли ўлчаш воситалари эса тескари конструкцияга эга, яъни улар айнан вольтметрлар ҳисобланади, амперметрлар эмас. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, кучланишни рақамли ўлчагични тайёrlаш нисбатан оддий. Агарда занжирдаги вольтметрга кичик қаршиликли резисторни параллел уласак унда амперметрни ҳосил қилган бўламиз. Индикаторнинг қиймати $UV = IV * RV$ ифода бўйича ҳисобланиши мумкин.

Бироқ, вольтметрларнинг амперметр иш принципига асосланмаган тури ҳам бор. Улар электростатик вольтметрлардир. Амалий нуқтаи назардан олганда булар қўзғалмас ва қўзғалувчан қопламали конденсаторлардир.

Қопламларнинг электрли ўзаро таъсири қўғалувчан қисмга бириклилган кўрсаткични силжитади. Бу турдаги вольтметрлардан ҳаттоқи энг юқори электр кучланишни ҳам ўлчаш мумкин, чунки унинг ички қаршилиги чексизликка яқин.


Электростатик вольтметрларнинг тузилиши.

Электростатик ва электромагнит турларидаги вольтметрларнинг тузилиши ва уларни занжирга улаш схемаларини кўриб чиқамиз.

Электростатик вольтметрнинг конструкцияси 10.7-расмнинг чап электромагнитлиси эса ўнг томонида, шунингдек уларни электр занжирга уланиш схемалари келтирилган.

Вольтметрларнинг қўзғалувчан қисмлари қизил рангга бўялган.

10.7-расмда келтирилган электр занжирида ҳаволи конденсатор қапқофининг қўзғалмас қисми 1, ҳаволи конденсатор қапқофи қопламасининг қўзғалувчан қисми (қўзғалмас қисмга тортилиши қанчалик кучли бўлса, қопламалар орасидаги кучланиш шунчалик юқори бўлади) 2, шкала бўйича натижани ҳисоблаш кўрсаткичи, яъни миллари 3 ва 4, ток ўтиб, магнит майдони ҳосил қиласидиган ғалтак 5, ферромагнит 6, у ғалтак ичига қанчалик кўп ботса, ундан шунча кўп ток ўтади ва шунчалик катта магнит майдони ҳосил бўлади, кириш кучини муваzanатлайдиган пружина 7,



1-ҳаволи конденсатор қапқофининг қўзғалмас қисми; 2-ҳаволи конденсатор қапқофи қопламасининг қўзғалувчан қисми; 3 ва 4-шкала бўйича натижани ҳисоблаш кўрсаткичи, яъни миллари; 5-магнит майдони ҳосил қиласидиган ғалтак; 6-ферромагнит; 7-пружина, 8-магнит майдони йўналиши, 9-қўшимча резистор; 10 ва 11- электр занжири элементларни текшириш; 12-R1 элементининг бошланиши ва тугашидаги электр кучланиши; 13-R2 элементининг бошланиши ва тугашидаги электр кучланиши.

10.7-расм. Вольтметрларнинг тузилиши: чапда электростатик, ўнгда электромагнит

ғалтакда ҳосил бўлган магнит майдони йўналиши 8, қўшимча резистор-вольтметрнинг ўлчаш диапазонини ўзгартириш учун 9, электр занжири элементларни текшириш 10,11, R1 элементининг бошланиши ва тугашидаги электр кучланиши 12 ва R2 элементининг бошланиши ва тугашидаги электр кучланиши 13 лар белгиланган.

Юқоридагиларга мисол тариқасида Қишлоқ хўжалиги машиналари кафедрасида фаолият кўрсатаётган техника фанлари бўйича фалсафа доктори Я.К.Жуматов томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишида электр ўлчаш воситаларидан фойдаланилганлиги бўйича маълумотлар келтирдик.

Лаборатория қурилмасининг натура варианти рама 1, винтсимон пичок 2, қўзғалмас пичоғи 3, бункер 4, ток ва кучланиш ўлчагич 5, латр 6, электродвигател 7 лардан ташкил топган (10.8-расм).




1-рама; 2-винтсимон пичок; 3-қўзғалмас пичоғи; 4-бункер;

5- ток ва кучланиш ўлчагич; 6-латр; 7-электродвигатель

10.8-расм. Винтсимон майдалагич лаборатория қурилмасининг умумий кўриниши

Лаборатория қурилмаси электродвигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Лаборатория қурилмасининг электрик схемаси 10.9-расмда келтирилган. Қурилмага ҳаракат берадиган электродвигателга келаётган ток частотасини



TV-трансформатор; *PA*-амперметр; *PV* -вольтметр; *VDS*-диодли
кўприкли схема; *M*-ўзгармас токли электродвигатель

10.9-расм. Қурилманинг электрик схемаси

латер ёрдамида ўзгартириш орқали винтли пичоқ айланишлар сонини поғонасиз 100 дан 1500 r/min гача оралиқда ростлаш имконига эга бўлинади.

Экспериментал қурилма билан тажриба ўтказишда қуйидаги услугуб ва қоидаларга амал қилинди:

Доимий ток асинхрон двигателини ишга тушириш бир-бирига кўприк схемаси бўйича уланган диодлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда двигателнинг шунтли чулғамига кучланишни тўғрилагич орқали тўғридан тўғри эмас, трасформатор орқали уланади. Диодли кўприк схемаси ва двигател якор чулғамлари ўзаро уланиб, латер ёрдамида кучланиш бир текис керакли катталигача ошириб борилади, двигатель сирпанишсиз салт ишлашда айлана бошлайди.

Двигателни айланиш частотаси тахометр ёрдамида ўлчанади (керакли катталик ҳосил қилиш учун ростланади), салт ишлаш жараёнидаги айланишлар n_{x-x} чатотаси, мос равиша амперметр ва вольтметр кўрсаткичлари иш журналига ёзиб борилди.

Тажриба бошида тарозида ўлчаб олинган 1 kg дан кам бўлмаган майдаланмаган поя бункерга солиб турилди ва майдаланди. Стационар режимда майдалаш иш жараёнида айланиш частотаси n_{p-x} , ток кучи I_{p-x} ва кучланиш U_{p-x} шу билан бирга майдалашга кетган вақт ўлчаб борилди

(бошланғич ва охиридаги иш жараёнларига ўтишга кетган вақт кирмайды). Олинган натижалар иш журналига ёзиб борилди.

1. майдалаш учун талаб қилинадиган қувват, W

$$N_{pi} = U(I_{p-x_i} - I_{x-x_i}), \quad (10.4)$$

$$N_p = \sum_{i=1}^5 \frac{N_i}{5}, \quad (10.5)$$

2. солиширма энергия сарфи, $\frac{W \cdot h}{kg}$

$$A_{ydi} = \frac{N_{pi}}{Q_i}, \quad (10.6)$$

$$A_{yd} = \sum_{i=1}^5 \frac{A_{ydi}}{5},$$

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Амперметринг электр занжиридаги вазифаси нимадан иборат?
2. Амперметринг иш принципи қандай?
3. Амперметр электр занжирига уланиш тартиби қандай?
4. Волтметринг электр занжиридаги вазифаси нимадан иборат?
5. Волтметринг иш принципи қандай?
6. Волтметр электр занжирига уланиш тартиби қандай?
7. Технологик жараённи бажарилишига сарфланган қувват электр токи ёрдамида аникланиши мумкинми?
8. Технологик жараённи бажарилишига сарфланган қувватни электр токи ёрдамида аниклаш усулини айтиб беринг.

11-§. ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИ

11.1. Умумий тушунчалар

Үлчов бирликларини түпланиши метрик системани яратилишига кучли турткы бўлган, кейинчалик кўплаб ва турли хилдаги бирликлар системаси

яратилиши ва уларнинг тарқалишига олиб келди. XX аср бошида 20 га яқин бирликлар системаси бўлган холос. Улардан айримларининг номларини келтириб ўтамиз: СГС (сантиметр – грамм – секунд), амалий система МКС (метр – килограм – секунд), МКСА система (метр – килограм – секунд – ампер), электромагнит система СГСМ, электростатик система СГСЕ ва ҳ.к.

Жаҳон бўйича ягона Халқаро бирликлар системасини яратиш ҳақидаги фикр йўналишлар биринчи бўлиб 1913-йилда ўлчов ва оғирликлар бўйича Боз конференцияда ГКМВ кўтарилиди, лекин шу йўналишда амалий ишлар фақатгина XX аср ўрталарига келиб амалга оширила бошланди.

1948-йил ИХ ГКМВ да Халқаро амалий системаси асосий бирликлари сифатида – метр, килограм, секунд ва яна бир электр амалиёт бирлиги киритилиши ҳақидаги таклиф қабул қилиниши қўриб чиқилди.

1954-йил X ГКМВ да Халқаро Система универсал бўлиши кераклигига келишилди, унга кўра барча ўлчовларни қамраб олиши ва асосий бирликлар сифатида метр, килограм, секунд, ампер, кельвин қабул қилинди.

Нихоят 1960 йилга келиб, XI ГКМВ қўйидаги қарорларни қабул қилди:

1. Олтита асосий бирликларга асосланган “Халқаро бирликлар системаси” тайинлансин;
2. Системани халқаро қисқартирилган номи шакллантирилсин «СИ» (“Система Интернационал” бош ҳарфлари олинсин);
3. Каррали ва улушли бирликларни ҳосил қилиш қисқартмалари жадвали тузулсин.

Халқаро системани такомиллаштириш ва шакллантириш тадбирлари давом эттирилиб, еттинчи бирлик – мол киритилди (модда миқдорини ўлчов бирлиги). Бундан ташқари «градус Келвин» номи «Келвин» номига ўзгартирилди ва вақтга (сония) бирлиги янги таърифи берилди.

Рус транскрипциясида Халқаро бирликлар системаси қисқартирилиб СИ деб номланадиган бўлди. Собиқ Совет иттифоқида (СССР) 1982-йил 1-январдан Халқаро бирликлар системаси мажбурий жорий этилди ва шу санадан бошлаб ГОСТ 8.417–81. ГСИ фаолият юрита бошлади. Физик

катталиклар бирликлари ГОСТ 8.417–2002 бўйича ўзгартирилгани 2003-йил 1-сентябрдан қўлланилишга рухсат берилган.

СИ бирликлари барча таълим муассасалари, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув жараёнида, шунингдек, барча янги ишлаб чиқилган техник ҳужжатлар ва адабиётларда фойдаланилиши мумкин. СИга киритилмаган баъзи бирликлардан фойдаланиш тақиқланди.

Натижаларни тарқатиша ва илмий тадқиқотларда қўлланиладиган стандарт бирликлар кенгайтирилмайди.

Айни вақтда Халқаро системани таркибини қуидаги катталик бирликлари ташкил этади:

1. Еттита асосий бирликлар (10.1-жадвал);
2. Ясама бирликлар (10.2–10.4-жадваллар);
3. 20 та абсолют ва 10 та нисбий системадан ташқари СИ бирликлари қаторида қўлланилишга рухсат этилган бирликлар (11.5-11.6-жадваллар);
4. Системадан ташқари 8та вақтинчалик ишлатилишга рухсат этилган бирликлар (11.7-жадвал).

11.2. Асосий бирликлар

СИ халқаро системасининг асосий бирликлари 11.1-жадвалда келтирилган.

11.1-жадвал.

СИ асосий бирликлари

| Катталик | | Бирлиги | | | | |
|-----------|-------------|-------------|-------------|---------|---|--|
| Номланиши | Белгиланиши | Номланиши и | Белгиланиши | | Таърифи | |
| | | | Халқаро | Кирилда | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | |
| Узунлик | Л | Метр | М | М | Метр – ёруғликнинг вакуумда 1/299 792 458 секунд вақт | |

| | | | | | |
|---|----------|----------|----|----|--|
| | | | | | оралиғида босиб ўтган масофасига тенг. [ХВИИ ГКМВ] |
| Оғирлик | M | Килограм | кг | Кг | Килограмм – халқаро килограм прототипининг массасига тенг. [И ГКМВ (1889 йил.) ва ИИИ ГКМВ (1901 йил.)] |
| Вақт | T | Секунд | с | с | Секунд – сезий - 133 атомининг иккита ўта нозик сатхлари орасидаги бир-бирига ўтишга мувофиқ келадиган нурланишнинг 9 192 631 770 даврига тенг.[ХИИИ ГКМВ (1967 йил.)] |
| Електр токи(Елек тр токи кучи) | I | Ампер | А | А | Ампер - вакуумда бир-биридан 1 метр масофа узоклиқда чексиз узун ва ўта кичик кўндаланг кесимга эга икки параллел ўтказгичдан ўтганда, ўказгичнинг ҳар 1 метр узунлигига $2 \cdot 10^{-7}$ Ньютон ўзаро таъсир кучи ҳосил қиласидиган ўзгармас ток кучига тенг. [МКМВ (1946 йил.), Қарор 2, ИХ ГКМВ мақулланган (1948 йил.)] |
| Термоди намик харорат | Θ | Кельвин | К | К | Кельвин – сувнинг учланма нуқтаси термодинамик хароратининг 1/273.16 қисмига тенг. [ХИИИ ГКМВ (1967 йил.), Қарор 4] |

| | | | | | |
|---|----------|---------|-----|-----|--|
| Модда миқдори | <i>H</i> | Мол | мол | мол | Мол – бу массаси 0,012 кг га тенг бўлган углерод C^{12} изотопи таркибидаги атомлар сонига тенг бўлган таркибий элементлардан ташкил топган модда миқдорига айтилади. Мол бирлиги труктуравий элементалар таснифланган бўлиши керак ва улар электрон, ион, атом, молекула ва бошқа тузулмалар ёки гурух тарзида таснифланган тузулмалар бўлиши мумкин. [ХИВ ГКМВ (1971 йил.), Қарор 3] |
| Ёруғлик кучи | Ж | Кандела | сд | кд | Кандела – берилган йўналишда частотаси $540 \cdot 10^{12} \text{ Hz}$ бўлган монохроматик нурланиш тарқатувчи манбанинг ёруғлик кучига тенг, бу нурланишнинг энергетик ёруғлик кучи шу йўналишда $1/683 \text{ W/cp}$ ни ташкил этади. [ХВИ ГКМВ (1979 йил.), Қарор 3] |
| Изоҳ: | | | | | |
| 1. Термодинамик (T тавсифли) ҳароратдан ташқари, Селций (т тавсифли) ҳарорати қўлланилиши мумкин ва қўйидаги ифода $m = T - T_0$ орқали ҳисобланади, бунда $T_0 = 273,15 \text{ K}$. Термодинамик ҳарорат кельвинларда ифодаланади, Селций ҳарорати эса – Селсий градусларида ифодаланади. Қиймати бўйича Селсий градуси кельвинга | | | | | |

тeng ҳисобланади. Селсий градуси – бу махсус ном бўлиб, берилган ҳолатдагина “келвин” ўрнига ишлатиладиган номланиш ҳисобланади.

2. Термодинамик ҳарорат интервали ва фарқлари келвинларда ифодаланади. Селсий ҳарорат интервали ва фарқлари эса ҳам Селсий градусларида, ҳам келвинларда ифодалаш мумкин.

1990 йил Халқаро ҳарорат шкаласида Халқаро амалиёт ҳарорати тасвирланиши қўйидагича, агар Селсийни термодинамик ҳароратдан ажратиш лозим бўлса, термодинамик ҳарорат индексига «90» қўшилиши орқали бажарилади (масалан, T_{90} или m_{90}) [3].

11.3. Асосий ўлчов бирликларидан ҳосил бўлган бирликлар

СИ ҳосил бўлган ўлчов бирликлари, СИ асосий бирликларидан фойдаланган ҳолда бўлиб, 11.2-жадвалда келтирилган. СИ ҳосил бўлган ўлчов бирликларининг махсус номланишга эга бирликлари 11.3 ва 11.4-жадвалларда келтирилган.

11.2-жадвал.

СИ асосий бирликларидан фойдаланилган ҳолда ҳосил бўлган СИ бирликларига мисоллар

| № | Ўлчанаётган катталик | Белгиланиши | Ўлчов бирлиги | | |
|---|-------------------------|-------------|--------------------------|------------------------|------------------------|
| | | | Номланиши | Белгиланиши | |
| | | | | Халқаро | Кирилда |
| 1 | Юза | S | метр квадрат | m^2 | м^2 |
| 2 | Тезлик | V | метр секундда | m/s | $\text{м}/\text{с}$ |
| 3 | Тезланиш | a | метр секунд квадратда | m/s^2 | $\text{м}/\text{с}^2$ |
| 4 | Зичлик | ρ | килограм метр кубда | kg/m^3 | $\text{Кг}/\text{м}^3$ |

| | | | | | |
|---|--------------------------------|---|------------------------|-----------|-----------|
| 5 | Електр токи зичлиги | И | ампер /квадрат метрда | A/m^2 | A/m^2 |
| 6 | Магнит майдон кучланганлиги | X | Ампер/метрда | A/m | A/m |
| 7 | Компонент моляр концентрацияси | к | Мол/метр кубда | mol/m^3 | mol/m^3 |
| 8 | Ёритилганлик | Л | Кандела/метр квадратда | cd/m^2 | kD/m^2 |

11.3-жадвал

Махсус номланишга эга СИ ҳосил бўлган ўлчов бирликларига

мисоллар

| № | Катталик | Бирлиги | | | СИ асосий бирликлари орқали ифодаланиши |
|----|-----------------|-----------|---------|-------------|---|
| | | Номланиши | | Белгиланиши | |
| | | Халқаро | Кирилда | | |
| 1 | Частота | Герц | Xз | Гс | c^{-1} |
| 2 | Оғирлик кучи | Нютон | Н | Н | $m \cdot kg/c^2$ |
| 3 | Босим | Паскал | Pa | Па | $m^{-1} \cdot kg \cdot c^2$ |
| 4 | Електр микдори | Кулон | C | Кл | $c \cdot A$ |
| 5 | Електр кучланиш | Волт | V | V | $m^2 \cdot kg \cdot c^{-3} \cdot A^{-1}$ |
| 6 | Електр сигим | Фарад | Φ | Φ | $m^{-2} \cdot kg^{-1} \cdot c^4 \cdot A^2$ |
| 7 | Електр қаршилиқ | Ом | Ω | Ом | $m^2 \cdot kg \cdot c^{-3} \cdot A^{-2}$ |
| 8 | Индуктивлик | Генри | Л | Гн | $m^2 \cdot kg \cdot c^{-2} \cdot A^{-2}$ |
| 9 | Яssi бурчак | Радиан | Рад | рад | $m \cdot m^{-1}=1$ |
| 10 | Моддий бурчак | Стерадиан | Ср | ср | $m^2 \cdot m^{-2}=1$ |

11.4-жадвал

11.3-жадвалда келтирилган бирликлар асосида ҳосил қилинган ва номланишга эга бўлган СИ ўлчов бирликлари

| № | Катталик | Бирлиги | | | СИ асосий бирликлари орқали ифодаланиши | |
|---|-------------------------------|-------------------------|-----------------------|------------------------|---|--|
| | | Номланиши | Белгиланиши | | | |
| | | | Халқаро | Кирилда | | |
| 1 | Куч моменти | нютон-метр | Н·м | Н·м | $\text{m}^2 \cdot \text{кг} \cdot \text{s}^{-2}$ | |
| 2 | Динамик эгилувчанлик | паскал-секунд | Па·с | Па·с | $\text{m}^{-1} \cdot \text{кг} \cdot \text{s}^{-1}$ | |
| 3 | Заряд зичлиги (фазовий) | кулон метр кубда | C/m^3 | $\text{Кл}/\text{m}^3$ | $\text{m}^{-3} \cdot \text{с} \cdot \text{A}$ | |
| 4 | Електр қўзғалиш | кулон метр квадратда | C/m^2 | $\text{Кл}/\text{m}^2$ | $\text{m}^{-2} \cdot \text{с} \cdot \text{A}$ | |
| 5 | Електр майдон кучланганлги | волт метрда | V/m | $\text{В}/\text{м}$ | $\text{m} \cdot \text{кг} \cdot \text{s}^{-3} \cdot \text{A}^{-1}$ | |
| 6 | Диелектрик ўтказувчанлик | фарад метрда | $\Phi/\text{м}$ | $\Phi/\text{м}$ | $\text{m}^{-3} \cdot \text{кг}^{-1} \cdot \text{с}^4 \cdot \text{A}^{-2}$ | |
| 7 | Магнит ўтказувчанлик | генри метрда | $\text{X}/\text{м}$ | $\text{Гx}/\text{м}$ | $\text{m} \cdot \text{кг} \cdot \text{s}^{-2} \cdot \text{A}^{-2}$ | |

11.4. Системадан ташқари бирликлар

СИ бирликлари билан бир қаторда фойдаланишга рухсат этилган бирликлар 11.5 ва 11.6-жадвалларда келтирилган.

11.5-жадвал.

СИ бирликлари билан бир қаторда фойдаланишга рухсат этилган бирликларга мисоллар

| № | Бирлиги |
|---|---------|
| | |

| | Катталик номи | Номланиши | Белгиланиши | | СИ бирликлари билан муносабати | Құлланиладиган соҳалар |
|---|---------------|---------------------|----------------|---------|--------------------------------|------------------------|
| | | | Халқаро | Кирилда | | |
| 1 | Оғирлик | Тонна | Т | Т | $1 \cdot 10^3$ кг | Барча соҳаларда |
| | | атом масса оғирлиги | у | а.е.м. | $1,660502 \cdot 10^{-27}$ кг | Атом физикаси |
| 2 | Вақт | Дақиқа | Мин | мин | 60 с | Барча соҳаларда |
| | | Соат | X | ч | 3600 с | |
| | | Кун | Д | сут | 86400 с | |
| 3 | Ясси бурчак | Градус | ...° | ...° | ($\pi/180$) рад | Барча соҳаларда |
| | | дақиқа | ...' | ...' | ($\pi/10800$) рад | |
| | | Секунд | ...'' | ...'' | ($\pi/648000$) рад | |
| | | град(гон) | Доп | град | ($\pi/200$) рад | Геодезия |
| 4 | Хажм, Сигим | Литр | Л | л | $1 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3$ | Барча соҳаларда |
| 5 | Узунлик | астрономик бирлик | у _a | а.е. | $1,49598 \cdot 10^{11}$ м | Астрономия |
| | | ёргелик йили | Лй | св.год | $9,4605 \cdot 10^{15}$ м | |
| | | Парсек | Пс | пк | $3,0857 \cdot 10^{16}$ м | |
| 6 | Оптик куч | Диоптрия | - | дптр | 1 м^{-1} | Оптика |
| 7 | Майдон | Гектар | На | га | $1 \cdot 10^4 \text{ м}^2$ | Қишлоқ хұжалиги |
| 8 | Энергия | електрон-волт | eB | еВ | $1,60218 \cdot 10^{19}$ ж | физика |

| | | | | | | |
|----|--|--------------|---------------|-------|--------------------|--------------------------------------|
| | | киловат-соат | $kW\cdot\chi$ | кВт·ч | $3,6 \cdot 10^6$ ж | Электр енергиясини ўлчови учун |
| 9 | Тўлик қувват | волт-ампер | $V\cdot A$ | В·А | | Электротехни ка |
| 10 | Реактив қувват | Вар | Var | вар | | Электротехни ка |
| 11 | Электр заряди; электр микдори | ампер-соат | $A\cdot\chi$ | А·ч | $3,6 \cdot 10^3$ С | Электротехни ка |

Изоҳ:

- Вақт (сония, соат, кун), ясси бурчак (градус, дақиқа, сония), астрономик бирликлар, диоптриялар ва атом массаси бирликлари номлари ва белгиси қўшимчалар орқали ифодаланилмайди.
- Кенг миёсда тарқалган вақт бирликлари ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, хафта, ой, йил, аср, минг йиллик.
- Углерод ясси бурчак бирлиги белгиси индексда ёзилади.
- “литр” ҳажм бирлигини аниқ ўлчовларда қўллаш тавсия этилмайди (масалан, $1\text{ л } \text{урнига } 1 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3 = 1 \text{ дм}^3$ ишлатилиши лозим). “л” белгиси ва “1” рақамлари орасида фарқланиш бўлиши учун “Л” белгиси ишлатилиши мумкин.

11.6-жадвал

**СИ бирликлари билан бир қаторда фойдаланилиши мумкин бўлган
нисбий ва логарифмик бирликлар**

| Катталик номи | Белгиланиши | Қиймати |
|---------------|-------------|---------|
|---------------|-------------|---------|

| | | Бирликни нг номланиш и | Хал- қаро | Кирилд а | |
|--|---|---|--------------------|----------------------------------|---|
| | Нисбий ўлчам: ФИК; нисбий узайтирилганлик; нисбий зичлик; деформатсия; нисбий диелектрик ва магнитик ўтказувчанлик; магнит таъсирчанлик ва ҳ.к. | Бирлик Фоиз Промилле миллионд ан улуш | I % ‰ ппм | I % ‰ Млн ⁻¹ | 1 $1 \cdot 10^{-2}$ $1 \cdot 10^{-3}$ $1 \cdot 10^{-6}$ |
| | Логарифмик ўлчам: товуш босимининг даражаси; кучайтириш; камайтириш ва ҳ.к. | Бел | B | Б | $1 \text{ В} = \lg(\Pi_2/\Pi_1)$ качонки $P_2 = 10\Pi_1$ $1 \text{ В} = 2\lg(\Phi_2/\Phi_1)$ качонки $F_2 = \sqrt{10}F_1$ бу ерда: Π_1, P_2 - қувват, энергия ва ҳ.к; Φ_1, Φ_2 - кучланиш, ток кучи ва ҳ.к. |
| | | Детсибел | дБ | дБ | 0,1 В |
| | Логарифмик ўлчам: эшитилиш даражаси | Фон | пхон | фон | 1 фон Товушнинг баландлиги 1 фон га тенг, товуш учун товушнинг босимида 1 дб 1000 X ₃ частотага тенг (л пхон -лдБ учун ф— 1000 X ₃) |

| | | | | | |
|--|---|------------------|----|-----|---|
| | Логарифмик ўлчам: частотали интервал | октава декада | - | Окт | 1 октава $\log_2(\phi_2/\phi_1)$ га тенг агар $(\phi_2/\phi_1) = 2$ |
| | | | - | Дек | 1 декада лг(ϕ_2/ϕ_1) га тенг агар $(\phi_2/\phi_1) = 10$. Бу ерда ϕ_2, ϕ_1 – частоталар |
| | Логарифмик ўлчам: (Бир ноли физик ўлчамларга натурал логарифимик чегарасиз ўлчамга эга, бошланғични қабул қиласиз) | Непер | Нп | Нп | 1 Нп = 0,8686... В 1 Нп = 8,686... дБ |

СИ бирликлари мақомида вақтинча (бекор қилингунча) қўлланишга рухсат этиладиган системадан ташқари бирликлар 10.7-жадвалда келтирилган.

11.7-жадвал

СИ бирликлари мақомида вақтинча қўлланишга рухсат этиладиган системадан ташқари бирликлар

| | Ўлчанаётган катталик | Бирлик номи | Белгиси | | СИ бирликлари билин муносабати | Қўлланиш соҳалари |
|--|-------------------------|-------------|---------|-------------|---|---|
| | | | Халқаро | Кирилд а | | |
| | Узунлик | денгиз мили | Миле | миля | 1852 т | Денгиз навигатсияси |
| | Оғирлик | Карат | - | кар | $2 \cdot 10^{-4}$ кг | Қимматбаҳо тошлар ва олмослар учун |

| | | | | | | |
|-------------------|---------------------|-------|--------|-----------------------|------------------------|---------------------|
| | Чизиқли зичлик | Текс | Тех | текс | $1 \cdot 10^{-6}$ кг/м | Текстил саноатида |
| | Тезлик | Узел | Кн | уз | 0,514 м/с | Денгиз навигатсияси |
| Айланиш частотаси | секундда айланишлар | p/c | Об/с | 1 с^{-1} | Електротехника | |
| | дақиқада айланишлар | р/мин | об/мин | 0.016 с^{-1} | | |
| | Босим | Бар | Бар | бар | $1 \cdot 10^5$ Па | Физика |
| | Тезланиш | Гал | Гал | Гал | 0,01 м/с ² | Гравиметрия |

11.5. Каррали ва улушли бирликлар

Үн каррали ва улушли бирликлар, ҳамда уларнинг номланиши ва белгиланишини 11.8 – жадвалда келтирилган кўпайтuvчилар ва қўшимчалар орқали ҳосил қилиш тавсия этилади.

Бирликлар номланишига икки ва ундан ортиқ қўшимчалар қўшилишига йўл қўймаслик керак. Масалан, *микрофара*д бирлик номланиши қуидагича бўлиши керак – *пикофара*.

Қўшимча ёки ишорани у қўшилаётган бирлик номи ёки ишора билан қўшиб ёзиш тавсия этилади.

11.8- жадвал

Ўн каррали ва улушли бирликларни ҳосил қилиш ва номлаш учун кўпайтuvчи ҳамда қўшимчалар

| Кўпайtuvchi | Қўшимча номи | Бирлиги | | Кўпайtuvchi | Қўшимча номи | Бирлги | |
|-------------|--------------|---------|---------|-------------|--------------|---------|---------|
| | | Халқаро | Кирилда | | | Халқаро | Кирилда |
| 10^{24} | Иотта | Й | И | 10^{-1} | Детси | Д | Д |
| 10^{21} | Зетта | З | З | 10^{-2} | Санти | С | С |

| | | | | | | | |
|-----------|-------|----|----|------------|-------|-------|----|
| 10^{18} | Екса | Е | Е | 10^{-3} | Милли | М | М |
| 10^{15} | Пета | Р | П | 10^{-6} | Микро | μ | Мк |
| 10^{12} | Тера | Т | Т | 10^{-9} | Нано | Н | Н |
| 10^9 | Гига | Г | Г | 10^{-12} | Пико | П | П |
| 10^6 | Мега | М | М | 10^{-15} | Фемто | Ф | Ф |
| 10^3 | Кило | К | К | 10^{-18} | Атто | А | А |
| 10^2 | Гекто | Х | Г | 10^{-21} | Зепто | З | З |
| 10^1 | Дека | Да | Да | 10^{-24} | Иокта | У | И |

Изоҳ:

- Кўпайтувчи ва улушли қўшимчаларни қўлланишга мисоллар: $5 \cdot 10^3$ В = 5 кВ; $7 \cdot 10^{-3}$ А = 7 мА; $6 \cdot 10^6$ Ом = 6 МОм; $6 \cdot 10^{-3}$ Ом = 6 мОм.
- Ракамнинг охирги сони ва шартли элгиси оралиғида бўш жой(пробел) қолдирилади: 100 кВт; 80 %; 20 °C; $(100,0 \pm 0,1)$ кг; $(1/50)$ с ёки $(1/50)$ с.
- Асосий бирлик ҳисобланган оғирлик номланиши – килограмм – ўз таркибида “кило” қўшимчаси бўлиши билан боғлиқ ҳолда, каррали ва улушли оғирлик бирликларини ҳосил қилиш учун оғирликнинг улущий бирлиги – грамм га қўшимчалар қўшилади, масалан микрокилограмм (мкг) ўрнига миллиграмм (мг).

11.6. Ахборот миқдори бирликлари

Стандарт 8.417-2002 ўзида кенг миқёсда қўлланиладиган аммо СИ халқаро системаси талабларига тўлиқ жавоб бера олмайдиган катталик бирликлари кирган бўлиб луғавий иловалар ташкил этади. Шундай катталиклардан бири ахборот миқдори бирлиги ҳисобланади (10.9-жадвал) ва А луғавий иловада келтирилган.

11.9- жадвал

Ахборот миқдори бирликлари

| Катталик номланиши | Бирлиги | | Изоҳ |
|-----------------------|-------------|---------|------|
| | Белгиланиши | Қиймати | |
| | | | |

| | Номланиш и | Халқаро | Кирилд а | | |
|--------------------|---------------|----------|-------------|----------------|---|
| Ахборот миқдори | Бит | бит | Бит | 1 | Бит – ҳисоблаш тизими (иккили ягона маълумот) “иккилик ўлчов бирлиги” |
| | Байт | B (бите) | Б(байт) | 1 Б = 8 бит | |

Изоҳ:

- МЕК 60027-2 халқаро стандартига асосан «бит» ва «байт» бирликларни СИ қўшимчалари орқали қўлланилади (10.8-жадвал).
- Тарихий ўзгариш ($1000=10^3$ ўрнига $1024 = 2^{10}$ қабул қилинган) натижасида «байт» номланишига тўғри келмайдиган СИ қўшимчалари ишлатилади: 1 Кбайт = 1024 байт, 1 Мбайт = 1024 Кбайт, 1 Гбайт - 1024 Мбайт ва ҳ.к. Шундай бўлса ҳам 10^3 карралини ифодаловчи ёзма (кичик) ҳарф «к» дан фарқли равишда Кбайт белгиланиши бош (катта) ҳарф «К» орқали бошланади.

11.7. Халқаро бирликлар системаси афзалликлари

Хулоса сифатида Халқаро бирликлар системасининг бир қатор афзалликларини келтириб ўтамиш.

СИ – мукаммал бўлиб, у физик ҳодисаларнинг барча йўналишларини ва халқ хўжалик тармоқларини деярли қамраб олган.

СИ метрологиянинг замонавий даражасига жавоб беради – асосий бирликларнинг оптимал танлови ва шу қаторда уларнинг сони ва ҳажми, келиб чиқадиган бирликларнинг мослиги, каррали ва улушли бирликларнинг ўн каррали қўшимчалар орқали ҳосил бўлиши ва бир қанча бошқа ҳолатларни келтириш мумкин.

Халқаро система барча талабларга мослашувчан. У системага кирмайдиган бир неча бирликларни қўлланилишига йўл қўяди. Бу тирик ва ривожланувчи системадир. Масалан, асосий катталиклар яқин вақтлар ичida олтитадан еттитага ошди ва агар қандайдир соҳанинг тармоғини қамраб олиш

керак бўлса яна кенгайиши мумкин. Бундан ташқари келажакда баъзи СИ амалдаги регламетловчи қоидалари юмшатилишидан ҳоли эмас.

Халқаро Система физик катталикларнинг ягона системасини биргаликда қўллаш учун мўлжалланган. Бирликларнинг бир системада жам бўлиши узок вақт давомида пайдо бўлган заруратни тақдим этди. Ҳозирда СИ дунёning кўплаб мамлакатларида қабул қилинган ва ўн йиллар олдин келтирилган кўплаб системаларни йўқقا чиқарди.

Халқаро бирликлар системаси қўплаб обрўли халқаро ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан ҳам тан олинган. СИ ни тан олганлардан бири – стандартлар бўйича Халқаро ташкилот (ИСО), Халқаро метрология қонун қабул қилувчи ташкилоти (МОЗМ), Халқаро электротехника комиссияси (МЕК), амалий ва назарий физиканинг Халқаро иттифоқи ва бошқалар.

Назорат учун саволлар

1. Ҳалқаро бирликлар системасини ишлаб чиқишга бўлган зарурат нималардан иборат?
2. Ҳалқаро бирликлар системаси деганда нимани тушунасиз?
3. Ҳалқаро системани таркибида қандай асосий бирликларни ташкил этади?
4. Ҳалқаро бирликлар системаси қайси ташкилотлар томонидан тасдиқланади?
5. Ҳароратни ўлчашдаги халқаро бирликлар нечи хил бўлади?
6. Ҳалқаро бирликлар системаси таркибида неча хил катталиклардан ташкил топган?

Қўйида муҳандислик фаолиятида тез-тез учрайдиган бирликлар бўйича маълумотлар келтирилди.

Бирликлар

| Номи | Ҳалқаро белгиланиши | Сонли ифодаси |
|-------------|----------------------------|----------------------|
|-------------|----------------------------|----------------------|

| | | |
|-------|-------|------------|
| Мега | M | 10^6 |
| Кило | k | 10^3 |
| Гекто | H | 10^2 |
| Санти | C | 10^{-2} |
| Милли | m | 10^{-3} |
| Микро | μ | 10^{-6} |
| Нано | N | 10^{-9} |
| Пика | p | 10^{-12} |

2- жадвал

Масса ўлчамлари

| Номланиши | белгиланиши | Қиймати | Сонли ифодаси |
|-----------|-------------|---------|---------------|
| Тонна | m | 1000 кг | 10^3 |
| Центнер | η | 100 кг | 10^2 |
| Килограм | kg | 1 кг | 1,0 |

2-жадвал давоми

| | | | |
|-------------------------------|-----------|---------------|-----------|
| Грам | ϱ | 10^{-3} кг | 10^{-3} |
| Пуд | | 16,38 кг | |
| 1 дона арпанинг массаси | | 0,04095 г | |
| Мисқол | | 100 арпа дони | 4,095 г |
| Қадоқ | | 100 мисқол | 409,5 г |

3- жадвал

Босимнинг турлича бирликлар орасидаги нисбати

| Босим бирлиги | белгиланиши | |
|---------------|--------------|---------|
| | ўзбекистонда | халқаро |

| | | |
|---|--|---------------------------------------|
| Сантиметр квадратга килограм ёки техник атмосферада | kG/cm^2 ёки <i>atm</i> | kG/cm^2 ёки <i>at</i> |
|---|--|---------------------------------------|

4- жадвал

Нисбий босим

| Номи | Белгиланиши | Халқаро белгиланиши |
|--------------------------------------|-------------------------|-----------------------|
| Бирлик юзага күрсатиладиган босим | kG/cm^2 | 10 Па |
| Бирлик юзага күрсатиладиган босим | Па | H/m^2 |

5- жадвал

Куч

| Номи | Белгиланиши | Ифодаси |
|-------------|-------------|---------------------------|
| Механик куч | Н | $\text{kg m}/\text{cm}^2$ |

6- жадвал

Кувват

| Номи | Белгиланиши | Ифодаси |
|---------|-------------|--------------------------------|
| От кучи | о.к. | 75 кг м/сек |
| Ватт | Вт | $1\text{Bt}=1,36 \text{ о.к.}$ |

7- жадвал

Узунлик

| Номи | Метрда ифодаланиши | Сонли ифодаси |
|-----------|--------------------|---------------|
| Километр | 1000 м | 10^3 |
| Дециметр | 0,1 м | 10^{-1} |
| Сантиметр | 0,01 м | 10^{-2} |
| Миллиметр | 0,001 м | 10^{-3} |
| Қадам | 0,75 м | |

| | | |
|-------------|------------------------|--|
| Тош | 6000 м | |
| Чақирим | 900 м | |
| Дюйм | $25,4 \cdot 10^{-3}$ м | |
| АҚШ мили | 4828 м | |
| Англия мили | 14484 м | |
| Фут | 0,3048 м | |

8- жадвал

Юзалар

| Номи | Белгиланиши | Микдори |
|--------|-------------|----------------------|
| Гектар | га | 10000 м ² |
| Таноб | | 819,4 м ² |
| Сотих | - | 100 м ² |

Жисмнинг массаси

Жисмнинг массаси – бу физик катталик бўлиб, унинг инертлилигини тавсифлайди.

Ер ва ер юзидағи барча жисмлар ва ҳаттоқи кислород ҳам массага эга. Бутун дунё бўйича масса бирлиги сифатида kg қабул қилинган. Килограмм – бу масса эталонидир. Эталон иккита метални эритиб уларнинг қотишмасидан тайёрланган – платина (оқ олтин) ва иридий (кимёвий элемент, эриши қийин кул ранг оғир металл). Халқаро эталон килограммнинг асл нусхаси Севре шаҳрида (Парижга яқинроқ) сақланади. Эталон килограммнинг аниқлиги юқори 40 дан ортиқ копиялари тайёрланган бўлиб, улар дунёнинг турли давлатларида, жумладан Россиянинг Санк-Петербург шаҳрида ҳам сақланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахметов А.А. Тупроқнинг физикавий-механикавий хоссалари. Тошкент.: “ВМКВ-Agromash” АЖ., -2019.-45 б.
2. Игамбердиев А.К. Илмий изланиш асослари. Методик кўрсатма. Тошкент.:ТИҚҲММИ., -2018., -12 б.
3. Рубашкин А.Г., Чернилевский Д.В. Лабораторно-практические работы по технической механике. Минск.: Высшая школа., 1975.,-253 с.
4. Худаяров Б.М. Уруғларнинг физик-механик ва аэродинамик хоссаларини аниқлаш.Услубий қўлланма. Тошкент.:ТИҚҲММИ., -2020., -12 б.
5. Shaumarova M., Abdillayev T. Qishloqxo‘jaligi mashinalari. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 576 bet
6. Босой Е.С. Теория, конструкция и расчет сельскохозяйственных машин. М.: Машиностроение, 1978, -566 с.
7. Уролов К. Сочилувчан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг паруслилик коэффициентини аниқлаш қурилмасини такомиллаштириш. Магистрлик диссертацияси. ТИҚҲММИ. Т.-2020, -75 б.
8. 05-1066 от 04.10.2019 О’з DSt 3412:2019 (TSt 63.04:2001 ўрнига) Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва куроллар. Синов дастури ва усувлари. 01.11.2019 г. Без ограничений
9. Современные информационные технологии при испытаниях сельскохозяйственной техники. Москва. ФГБНУ “Росинформагротех”, -2015, -139 С.
10. Шермухамедов X., Тащпўлатов К., Абдурахмонова Ш. «Метрология ва стандартлаштириш» фанидан лаборатория машғулотларини ўтказиш учун услубий кўрсатма, Тошкент-2018 йил., 28 бет .
11. Громовик А.И., Йонко О.А. Современные инструментальные методы в почвоведении. Теория и практика. – Воронеж, 2010.-60 С.
12. Ирисов Ҳ.Д. Юқори дисперсли томчиларни шакллантирадиган қурилманинг параметрларини асослаш. Автореф. Т.ф.ф.д. – Тошкент, 2020, 119 б.

13. Перышкин А.В. Физика. -Москва: ДРОФД., 2002. -190 С.
14. Панфилов В.А. Электрические измерения. Учебник издательский центр. Академия 2006. 281 стр.
15. Пифонов С.Н. Красных А.А. Электроизмерительные приборы. Справочно – методическое пособие. Киров 2005. 89 стр.
: <https://www.asutpp.ru/voltmetr.html>